

O‘zbekiston Respublikasi

Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta’lim

ilmiy–uslubiy jurnal

Samarqand

4 (65)/ 2017

**Ministry of Higher and Secondary Special
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Хорижийфилология: тил, адабиёт, таълим.
№4 (65), 2017.

Уч ойда бир марта чиқадиган илмий-услубий журнал

Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар
институти

Таҳрир хайъати:

ТУХТАСИНОВ Илҳомжон (раис)
САФАРОВ Шахриёр (бош муҳаррир)
АШУРОВА Дилором
АШУРОВ Шаҳобиддин
ТУРНИЁЗОВ Неъмат
РИЗАЕВ Баҳодир
(муҳаррир ўринбосари)
ХОЛБЕКОВ Муҳаммаджон
ИСМОИЛОВ Салоҳиддин
КИСЕЛЁВ Дмитрий
ЭШҚОБИЛОВ Абдували
ЯХШИЕВ Ашур (масъул котиб)

Жамоатчилик кенгаши:

БУШУЙ Татьяна
ГИЙОМ Оливье (Франция)
КИДА Цуйоши (Япония)
СИГМИЛЛЕР Стив (АҚШ)
УСМОНОВ Ўрол
ЖИАНГ Фенг (Хитой)
РАҲИМОВ Ғанишер
МИРЗАЕВ Ибодулло
КАРАСИК Владимир (Россия)

Журнал Олий Аттестация комиссиясининг
филология фанлари бўйича эксперт кенгаши (2014
йил 10 мартдаги 2-сонли баённома) тавсияси билан
зарурий наирлар рўйхатига киритилган.

Таҳририят манзили:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93, СамДЧТИ.
Телефонлар: (998-662)233-78-43;(998-662)231-13-42
Факс: (998-662) 210-00-18.
Email: ssifl_info@mail.ru

Журнал Самарқанд вилоят матбуот ва
ахборот бошқармаси томонидан № 09-12 рақам
билан рўйхатга олинган.

ISSN: 2181-743X; Индекс 1266.

Журнал 2001 йилдан чиқа бошлаган.

© Самарқанд давлат чет тиллар институти,
2017йил.

Foreign Philology: Language, Literature, Education.
№4 (65), 2017.

Scientific-methodical journal

Founder: Samarkand State Institute of Foreign
Languages

Editorial Board:

TUKHTASINOV Ilhomjon (chairman)
SAFAROV Shahriyor (editor-in-chief)
ASHUROVA Dilorom
ASHUROV Shahobiddin
TURNIYOZOV Nemat
RIZAYEV Bakhodir
(vice editor)
KHOLBEKOV Mukhammadjon
ISMAILOV Salohiddin
KISELYOV Dmitriy
ESHKOBILOV Abduvali
YAKHSHIEV Ashur (executive secretary)

Public Council:

BUSHUY Tatyana
GUILLAUME Olivier (France)
KIDA Tsuyoshi (Japan)
SEEGMILLER Steev (USA)
USMONOV Ural
JIANG Feng (China)
RAKHIMOV Ganisher
MIRZAEV Ibodullo
KARASIK Vladimir (Russia)

The journal is included in the list of required publications
according to the recommendation of the expert council in
filological sciences of Higher Attestation Committee
(Proceeding #2 from March 10, 2014).

Address:

Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.
Phone: (998-662) 233-78-43;(998-662)231-13-42
Fax: (998-662) 210-00-18
Email: ssifl_info@mail.ru

The journal is registered under No 09-12 by
Samarkand Regional Department of press and
information.

ISSN: 2181-743X; Index 1266.

The journal has been published since 2001.

© Samarkand State Institute of Foreign Languages,
2017.



МУНДАРИЖА

МАҚОЛАЛАР

Сафаров Ш. Маъно ва таржима муаммоси.....	5
Тухтасинов И. Жамият тарихининг ҳозирги босқичида таржимонлар тайёрлашнинг асосий муаммолари.....	20
Хайруллаев Х. Яна нутқнинг минимал бирлиги ҳақида ёки гап ва жумла масаласи хусусида	25
Джумабаева Ж.Ш., Абдуллаева Н.Э. Градуоним компонентли ўзбек халқ мақоллари ва уларнинг инглиз тилидаги муқобиллари	30
Насруллаева Н. Национально-культурная специфика гендерных стереотипов в английской и узбекской фразеологических системах	34
Ким Н. О предложениях побудительной установки в корейском языке	40
Нормуродова Н.З. Репрезентация языковых маркеров языковой личности автора в художественном дискурсе.....	46
Қамбаров Н., Суннатуллаев О. Таржиманинг грамматик муаммолари	50
Кенжаев А. Таржимада романтик дунё поэтикасининг қайта яратилиши	54
Шодиев С. Фразеологик ибораларнинг деривацион хусусиятлари.....	61

ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР

Джумабаева Ж.Ш. Градуонимлар изоҳли луғатини тузиш масалалари	66
Хуррамова З. Жомеъ ҳаёти ва ижодиға бир назар.....	69
Tursunova N. L'épopée héroïque comme un héritage culturel du peuple français. Dulce et decorum est pro patria mori	74
Жураев И. Аспектуал-темпорал семантиканинг воқеланиши хусусида.....	77
Шамахмудова А. Билвосита нутқий актларни талқин этиш тамойиллари (этнопрагматик омиллар)	83
Сулейманова Н.М. Гапнинг номинатив аспекти ҳақида	88
Мустаева Г.С. Лингвистик образ тил ва нутқ муносабати талқинида (homme образларининг синсемантик воқеланиши мисолида).....	92

ТАҚРИЗ

Холбеков М. Таниқли адабиётшунос ва мохир таржимон (Иброҳим Ғафуров таваллудининг 80 йиллигига)	96
--	----



CONTENTS

REPORTS

Safarov Sh. Issue of sense and translation	5
Tuxtasinov I. Essential issues of training translation specialists in actual stage of social development	20
Xayrullayev X. On the question of the minimum unit of speech (sentence and utterance)	25
Djumabayeva J.Sh., Abdullayeva N.E. Uzbek proverbs with graduonymic component and their equivalents in English.....	30
Nasrullayeva N. National-cultural specifics of gender stereotypes in the English and Uzbek phraseological systems.....	34
Kim N. On the proposals of the incentive installation in the Korean languages	40
Normurodova N. Representation of language markers of the author's language personality in artistic discourse.....	46
Kambarov N., Sunnatillayev O. Grammatical Problems of Translation	50
Kenjaev A.L. Recreation of the romantic world of poetics in translation.....	54
Shodiyev S. Derivational peculiarities of phraseological units	61

SCIENTIFIC INFORMATIONS

Djumabayeva J.Sh. Issues of graduonymic units' glossary compiling	66
Xurramova Z. Glance at life and creative work of Jome'	69
Tursunova N. The heroic poem as a cultural heritage of French people	74
Jurayev I. Eventfulness of aspectual-temporal semantics.....	77
Shamaxmudova A. Principles of indirect speech acts interpretation.....	83
Suleymanova N. On nominative function of the sentence	88
Mustayeva G. Interpretation of the linguistic image in relation to language and speech (on the material of the synsemantic actualization of denotats of homme).....	92

REVIEWS

Xolbekov M. Talented literary critic and experienced translator (commemorating the 80 th anniversary of Ibrohim Gafurov)	96
--	----



МАЪНО ВА ТАРЖИМА МУАММОСИ

*Сафаров Шаҳриёр,
СамДЧТИ профессори*

Калит сўзлар: маъно, референция, концепт, концептуализация, когнитив фаолият.

Таржима жараён сифатида қаралганда маълум бир тилдаги матннинг мазмунини тушуниш ва уни бошқа бир тилда қайта яратиш фаолияти назарга тутилса, таржиманинг махсулот кўринишидаги талқинида эса матннинг бошқа лисоний маданиятда ҳосил қиладиган акс-садоси, таассурот уйғониш кўлами инобатга олинади. Таржиманинг амалга ошишини таъминловчи асосий омиллар тил, маданият ва тафаккурдир. Шунга нисбатан, таржимашуносликнинг асосий мақсадлари қаторига, биринчидан, иккита бошқа-бошқа лисоний маданият вакиллари аслият ва таржима матнларини қандай тушунишини аниқлаш бўлса, иккинчидан, уларнинг идрок этиш қобилиятига тил-маданият-тафаккур муносабати қандай таъсир ўтказиши мумкинлигини белгилашдир. Худди шунингдек, ушбу учлик муносабати таржимон танлаётган амалий режалар, яъни таржима стратегиясидан қандай ўрин эгаллашини билиш ҳам муҳимдир. Табиийки, назарийчиларнинг таржимашуносликнинг санаб ўтилган уч асосий масаласи борасидаги фикрлари бир хил эмас, чунки улар ўз тадқиқотларида турли мақсадларни кўзлаши ва турлича методлардан фойдаланиши мумкин.

Таржима, аслини олганда, мазмунни ўгиришдан иборат ва мазмун-маънонинг ҳар хил талқини таржима назариясидаги номутаносибликка сабаб туғдиради. Семантик назарияларнинг ҳар хил бўлиши ягона бир объект - маъно ҳодисаси тадқиқида турли ёндашувлар танланишига туртки бермоқда. Тадқиқотчиларнинг бир гуруҳи маъно ҳодисасининг моҳиятини белгилаш учун ушбу ҳодисанинг ўзига хос хусусиятлари ва тил birlikларининг

семантик муносабатларини атрофлича таҳлил қилиш йўлидан бораётган бўлса, иккинчи гуруҳдагилари эса, маънонинг “субстанцияси”, “зоти”ни кидириш билан бандлар. Ниҳоят, учинчи гуруҳдагилари маъно қандай усулда инсонларга воқелик ҳақида ахборот етказиш имкониятини яратишини аниқлаш измидадир.

Таржимашунослар, кўпгина семасиологлар каби, “маъно” ва “мазмун” тушунчаларини ҳеч қандай фарқламасдан қўллашга одатланган. Бинобарин, А. Нойберт, Г.Шрив, М.Ларсон кабилар инглиз тилидаги meaning атамасидан турли ҳолатларда “маъно” ва “мазмун” тушунчаларини ифодалаш учун бир хилда фойдаланиб келмоқдалар (Neubert and Shreve 1992; Larson 1998: 59). Ўн тўққизинчи асарнинг охирларида немис файласуфи Готлоб Фреге Über Sinn und Bedeutung мақоласини эълон қилиб, маъно ва мазмун ҳодисаларини фарқлаш онтологик асосга эга эканлигини исботлаб беришга ҳаракат қилганини унутмаслигимиз лозим [Frege 1892:25-50]. Ушбу ҳаракат ҳозиргача давом этиб келмоқда. Лекин бу масалада ҳам тадқиқотчилар ўртасида яқдиллик сезилмайди, ҳатто эслатилган ҳодисаларга нисбатан қўлланилаётган терминлар борасида ҳам чалкашликлар кўп. Жумладан, рус тилшунослари “значение”, “смысль”, “содержание” терминлари билан бир қаторда, “формальное значение” ва “контекстуальное (актуализированное) значение” тушунчаларини қарама-қарши кўйишни ёқтирадилар. Инглиззабон адабиётларда эса meaning термини кенг маънода қўлланиб, senseнинг қўлланиш доираси чегараланган. Канадалик олим Ж. Делиль тилнинг мавҳум тизимида мавжуд



бўлган сўз маъносининг бир нутқий тузилмада намоён бўладиган маъносига нисбатан meaning термини маъқул келишини ва таржимон айнан meaning билан иш тутишини уқтирмақчи бўлган эди [Delisle 1988: 42-43].

Келинг, “маъно” ва “мазмун” тушунчаларини фарқлаш йўлидан борайлик-да, таржимон вазифаси мазмунни ўгиришдан иборат эканлиги ҳақидаги қайдга рози бўлайлик. Унда мазмун қандай шаклланиши ва қай йўсинда қабул қилиниши борасидаги саволларга жавоб излашга мажбурмиз. Биринчилардан бўлиб туғиладиган саволлардан бири “маъно” ва “мазмун” ўртасидаги муносабат, уларнинг қай даражада боғлиқлиги ҳақидадир. Ушбу саволга берилаётган жавоблар турлича. В.Н. Комиссаров, М.Ларсон ва бошқаларнинг фикрича, маъно воқеликни умумлаштирилган ҳолда акс эттирувчи тушунчани ифодалайди [Комиссаров 1999:30; Larson 1998:59-60]. “Лисоний белги, - деб ёзади В.Н. Комиссаров, - лисоний жамоанинг барча аъзолари учун умумий бўлган ягона доимий маънога эга, лекин уларнинг тил билиш ва ундан фойдаланиш қобилияти ҳар хил ҳамда алоҳида белгиларни бошқа-бошқа тасаввур ва ассоциациялар билан боғлашлари мумкин” [Комиссаров 1999:29-30]. Хаёлимда, машхур таржимашуноснинг айтаётганлари немис мумтоз фалсафаси вакиллари томонидан аллақачон қайд этилгандек. Э.Гуссерль нуқтаи назарида ҳар бир маъно, бир томондан, сўзловчи фикрини ифодаловчи белги бўлса, иккинчи томондан, маълум бир нарса ҳақида маълумот беради, яъни у фақат маънога эга бўлиб қолмасдан, балки бирор бир предметга ишора қилади. Лекин предмет ва маъно ҳеч қачон мос келмайди. Зеро, турли иборалар турли предметларга ишора қилсалар-да, лекин бир хил маъно ифодалашлари мумкин. Шу сабаб, Гуссерльнинг фикрича, лисоний шакл ва маъно ўртасидаги боғлиқлик табиатан ёки аниқ бўлмасдан, балки интенционалдир [Гуссерль 2000].

Агарда интенционаликни онгда бажариладиган ҳаракат тарикасида тушунадиган бўлсак, унда маъно ва предмет ўртасидаги боғлиқликни нарса-ҳодисалар идроки жараёнида яраладиган мазмунга туртки сифатида қарамоғимиз даркор. Аслини олганда, маънонинг воқеликдаги предмет ёки предметлик нисбати берилаётган бошқа нарса-ҳодисалар билан боғлиқ жиҳатларини ҳозирча ҳеч ким инкор этганича йўқ. Аммо бу боғлиқликни бири-иккинчисини такрорловчи ҳодисалар тасаввурида талқин қилиш жоиз эмас.

Бундай тасаввурга йўл қўйиш эса тил табиатини нотўғри тасвирлаш, унга фақат ва фақат восита, қурол мақомини беришга олиб келади. Бундай ёндашув хавфидан эҳтиёт бўлишни В.Хумбольдт айтиб кетган эди: “Сўз ҳақиқатан ҳам белгидир, лекин ушбу белгилик унинг нарса-ҳодиса ёки тушунча ўрнида қўлланишигача давом этади. Бироқ сўз ўз тузилиши ва фаоллашувига нисбатан алоҳида ва мустақил ҳодисадир... . Сўз ўзлигини, худди саънат асари каби, алоҳида хусусиятга эга ҳодиса сифатида намоён қилади” [Гумбольдт 1984:304-306].

Немис олими нутқда, матнда фаоллашаётган сўзни бекорга саънат асарига ўхшатмаган бўлса керак. Коммуникация, айниқса унинг бадий кўринишидагиси, нафақат онг доирасида, балки онг ости ҳаракатлари, бевосита кузатувдан яширин тафаккур фаолияти қамровида кечади. Шу йўсинда бадий асарда воқеликнинг тасвирида объектив мазмун йўқолмайди, балким янги кўриниш, моҳиятда намоён бўлади. Бу эса, ўз навбатида, семантик ноаниқликка барҳам бериб, лисоний воситанинг кўпмаънолиги фаоллашувига ҳамда охирикўлатда идрок этилаётган оламнинг кўпқирралиги тасвирига имкон яратади. Рус шоири Осип Мандельштам изоҳлаганидек, “ҳар бир сўз ўзига хос дастадир ва мазмун ундан турли томонга тарқалишга тайёр туради” [Мандельштам 1990, т.2:223]. Сўздаги маънолар бойлигини “сочиб юбориш”, улар воситасида туйғуларни жилолантириш



ижодкорнинг маҳоратига боғлиқ. Ўзбек шоири Фахриёрнинг “Куймоқ бўлди менинг насибам, бахтиёрлик – сенинг қисматинг” сатрларини таҳлил қилган адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев шоирнинг маҳоратини унинг сўзлар ташийдиган одатий маъноларни тубдан ўзгартириб юбориб, уларга тамомила янги маъно ва сезимлар юклай олишида кўради. “Насиба” луғатда ижобий маънога эга ва одатда насибадор одамнинг мамнунлигини ифода этади. Шеърда эса шоир бу сўзга салбий маъно оттенкасини юклаб, куйиш (бу сўз ҳам кўчма маънода қўлланилмоқда) ҳолати билан боғламоқда. “Қисмат” сўзи замирида эса, табиий равишда, чорасизлик, маҳкумлиқ маънолари ётади. Юқоридаги сатрларда қисмат бахтиёрлик билан боғланиб, ифодага ўзгача рангинлик беради [Қозоқбой Йўлдош 2014:35].

Хуллас, лисоннинг борлиғи маъно ва мазмундан иборат ҳамда бу борлиқ тилга пропозицион (семантик), прагматик ёки вазифавий нуқтаи назардан ёндашишингиздан қаъти назар, бир хилда сақланиб қолаверади. Маъно ва мазмун ахборот яратишнинг марказий жипслаштирувчи омилидир. Шу боис, биздан маъно ҳосил бўлишининг табиий механизмларини аниқлашимиз талаб қилинади. Аммо бу осон иш эмас, ушбу мақсадни кўзлаётган тадқиқотчи олдиндан мавжуд билим доираси билан чегараланиб қола олмайди ва бирор ҳодисанинг қисмларига оид хулоса, назарий моделларни бошқа ҳодисалар таҳлилига татбиқ этиш ҳам қутилган натижани бермаслиги мумкин. Фақат инновацион ёндашув, истиқболли мўлжал орқали анъанавий муаммоларга янгича ёндашиш, лозим бўлса, уларга “хужум қилиш” мумкин бўлади. Маъно лисоний ахборотнинг марказий бирлиги эканлиги рост, лекин унинг табиий равишда кўриниш беришини тавсифлаш ўта мушкул. Когнитив грамматика асосчиларидан бўлган Р.Лангакер эслатганидек, “табиийлик” тушунчаси мавҳум ва баъзан кулоққа мужмалроқ чалинади [Langacher 1987:12]. Шу сабаб бўлса керакки, ҳозир кўпчилик шоир

қилиб юрган “назариянинг табиийлиги” ғояси ҳаммага ҳам тушунарли эмас. Балким, бирон бир лингвистик талқин ўрганилаётган объектнинг моҳиятини тўлиқ ёритса, унинг барча лисоний хусусиятларини қамраб олса, унда табиийлик хислати ҳақида гапириш мумкиндир. Лекин бундай бўлишига гумоним ҳам йўқ эмас. “Лисоний белги референцияга эга бўлишдан ташқари, мазмун ҳам ифодалайди”, деб ёзган Г. Фреге [Frege 1952: 211], маъно (meaning; Bedeutung) худди шу қисмлардан (референт ва мазмундан) иборат эканлигини исботлашга кўп уринган эди. Бундай талқинга ишониш, фикримча, чалкашлиқ ва мавҳумликдан узоқлаштирамайди. Ахир референтни (баъзан маънони ҳам) воқелиқдаги объектлар билан боғлаб, мазмунни барча тил соҳиблари учун тушунарли деб қараб, фақат ғоя (фикр)ни тилдан фойдаланувчининг онгида кечадиган ассоциатив ҳаракатлар натижаси сифатида қабул қиладиган бўлсак, маънони реал олам ихтиёрига бериб қўйиб, унинг такрори, кўзгудаги акси кўринишида эътироф этишга ўзимизни мажбурламаймизми?!

Г.Фреге ва унинг издошлари тасаввурида воқелиқни идрок этиш жараёнида ҳосил бўладиган ментал тузилмалар ўша воқелиқ доираси билан чегараланади. Энг қизиғи, бу фикрни баъзи психологлар ҳам маъқул топмоқда. Бинобарин, тафаккур мантиқи воқелиқ мантиқидан, яъни объектив тузилиш ва тартиботдан чекинмаслиги лозимлигини уқтирмакчи бўлган рус психологи С.Л.Рубенштейн шулардан бири эди [қаранг: Рубенштейн 1976]. Айни пайтда фаранг психологи Ж. Пиаже ҳақиқат фикрнинг воқелиқка мос келиши билан эмас, балки онларнинг ўзаро муносабати, “битимга келиши” натижасида пайдо бўлишини қайд этганини унутмаймиз [Пиаже 1994]. Шу муносабат билан фаранг олимнинг Н.Чомскийнинг когнитив структуралар туғма эканлиги ҳақидаги тезисига кескин қарши чиққанини эслатмоқчиман. Бу икки азим



психоллингвистларнинг юзма-юз учрашуви пайтида Ж.Пиаже қуйидагиларни қайд этган эди: “Туғма ёки тажрибада кўрилмаган когнитив структуралар мавжуд эмас, ирсийлик фақат интелектнинг фаолиятига хосдир ва ушбу фаолият объектларга нисбатан бажарилаётган ҳаракатларни ташкиллаштириш орқали структураларни ҳосил қилади” [Пиаже 1983:90].

Ж.Пиаженинг тилни ва унинг энг асосий вазифаларидан бўлган маъно ифодаланишини ўзлаштириш жорий ривожланиш хусусиятига эга эканлиги тўғрисидаги таълимотини инкор этиш йўлидан борган Ж. Фодор бизни “Тафаккур тили” туғма эканлигига, у бизга туғилганимиз заҳотиёқ маълум эканлигига ва уни ўрганишга эҳтиёж йўқлигига ишонтирмоқчи [Fodor 1476:65]. Баъзан Ж.Фодор бунга эришаётгандек ҳам туюлади, чунки унинг биз оддийгина тафаккур юритмасдан, балки бирон бир нарса-ҳодиса ҳақида ўйлашимиз, шунингдек, концепт мавжудлиги онг ва воқелик ўтрасидаги маълум бир муносабатдан хабар бериши ҳақидаги фикрлари ҳақиқатга жуда яқин эшитилади. Лекин олимнинг шахс оламга келиши заҳотиёқ унинг онгида мавжуд бўладиган концептлар воқеликдаги нарсалар билан қандайдир “туғма механизмлар” воситасида боғланиши ҳамда бунинг оқибатида инсон уларни борлиғича, яъни мавжуд ҳолатида қабул қилиши борасида айтганларини [қаранг: Fodor 1998:142] шахсан мен “ҳазм қилишга” жуда қийналаман.

Агар инсонлар маълум концептлар ҳамроҳлигида туғиладиган бўлса, унда маданиятлараро мулоқот ва унинг кўринишларидан бўлган таржима ҳеч қандай қийинчиликсиз кечган бўлар эди. Хайриятки, бундай эмас (балким, бунга афсусланиш керакдир). У ҳолда маданиятлар, тиллар ўз жозибаси, миллийлигини йўқотиб, бир пайтлар коммунистлар орзу қилишган “оммавий маданият” ғояси амалга ошган бўлар эди. Ж. Фодор айтган “Уй”, “Овқат”, “Дарахт”, “Учбурчак” каби концептлар

“оммавийлик” (public), универсаллик хусусиятига эга, албатта [Fodor 1998:29], чунки овқат ҳамманинг эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлса, дарахт ўсмайдиган ҳудуд йўқ ҳисоби ва ҳоказо. Шунинг билан биргаликда ушбу концептларнинг турли маданиятлар, турли шахслар томонидан бир хилда идрок этилишини тасаввур қилиш қийинроқ кўринади. Масалан, house (инг), haus (нем), maison (фран.), casa (итал.), fangzi (хит.), dar (араб.), уй (ўзб.) сўзларининг пропозицияси бир хил, яъни “инсон яшайдиган бино” маъносини англатса-да, лекин уларнинг прототипи ва айниқса, коннотатив маъноси турлича. Инглиз тилидаги that’s my house ва that’s my home ибораларини бир хил мазмунда қўллаб бўлмайди, чунки home сўзи эса, бундай коннотациядан холи. Шу сабаб, инглиз ишдан ҳоригандан сўнг I am going home дейди, (бундай илиқлик, эгалик ҳиссиёт ифодаланишида house сўзига мурожаат қилиш ножоиз), итальянлар эса casa сўзининг ишлатилишига бефарқ – torno a casa. Ўзбек тилидаги “уй” сўзининг пропозиция ва экспрессив маънолари бир текис фаоллашиши кузатилади: “Янги уй қурдим”; “Ўз уйинг – ўлан тўшагинг”. Худди шунингдек, араб тилидаги dar ва manzil сўзлари яшайдиган жойни англатиш билан бир қаторда, “оила” ва “қабилла” маъноларига ҳам ишора қилса, bayt сўзида эса тунаш, ётоқ жойи алоҳида таъкидланади.

Келтирилган мисоллардан кўринадики, сўз ва маъно ўртасидаги муносабат мураккаб. Маъно ҳодисасининг ўзи ундан ҳам мураккаб. Ҳатто ҳозиргина фарқлашга ҳаракат қилганимиз - пропозиция (референт) маънони прототип, эмоционал каби бошқа турларидан ажратишнинг ўзи ҳам мушкул вазифа, ушбу категориялар ўртасидаги чегара ноаниқ. Демак, бирон бир сўзнинг маъносини аниқлаб, кейин шу маъноли сўзни бошқа тилда излаш таржима фаолиятнинг вазифаси эмас. Луғатшунослар учун одатий бўлган бу фаолият таржимашуносни асло қониқтирмайди. Ҳатто пропозиция



маъноси сакланиши шарт бўлган ҳолатда ҳам таржимон аслиятга мос келадиган вариантлардан энг муқобилини танлашга мажбур. Инглиз тилида “уй”, маъносидаги бирликлар қаторига cottage сўзи ҳам киради. Ўз синонимлари бўлган home ва house ўрнида қўлланмайдиган cottage лексемасини ўзбек тилига қандай таржима қилдиш мумкин? Луғатдан фойдаланадиган бўлсак, топадиган изоҳимиз: 1) коттеж; шаҳардан ташқаридаги уй; 2) амер. ёзги дала уй [Butaev 2013:201]. Таржима жараёнида cottage сўзининг турли матнларда қўлланишини “шаҳардан ташқаридаги уй” ёки “ёзги дала уй” мазмунида изоҳлаш қанчалик сунъий эшитилишини тасаввур қилиб кўринг. Луғатда берилаётган “коттеж” таржимаси (аникроғи - транслетрацияси) ҳозирги ўзбек тилида маъноси ўзгарган ўзлашмалардандир (ҳозир қурилаётган коттежларни инглиз тилидаги “small house in the country” ибораси билан изоҳлаб бўлмайди).

Файласуфлар ва баъзи бир бошқа назариётчилар сўз маъносининг объектив воқеликка муносабати ҳақида гап кетганда асосан атоқли отларни назарда тутадилар. Дастлабки назарда, атоқли отлар (уларни ифодаловчи лисоний белгилар) ҳақиқатан мавжуд ва ягона бўлган референтни атаётгандек ҳамда сўз маъноси ва референт ўртасидаги муносабат бевоситадек кўринади. Атоқли отнинг референти ҳақиқатан ҳам ягонамикан ва унинг референти билан маъносининг муносабати ҳеч қачон ўзгармасмикан ёки ушбу муносабат тизими шунчалик ёпиқмикан? Менимча, унчалик бўлмаса керак, мабодо шундай бўлишини тасаввур қиладиган бўлсак, унда атоқли от қандайдир тил тизимидан ташқаридаги, ундан устун турадиган ҳодиса эканлигини эътироф этмоқ лозим. Афсуски, бирон бир лисоний структуранинг бу хилдаги поёни етган тугалликка, қандайдир ихоталанган ўзликка эга бўлиши ва шу йўсинда унинг маъноси тўлиқ қафолатланишини кузатиш қийин. Машҳур афсонадаги “Бобил” (Babel) атоқли отининг тарихи ва маъно ифодалаш кўламини эслайлик. Селит

қабиласидагилар осмонўпар минора қуриш билан буюкликка эришиш ва ўзларидан ном қолдириш ниятида бўлганлар. Аммо Яратганнинг аралашуви ҳамма нарсани ўзгартириб юборади: ундан минорага ном бериш сўралганда “Babel” сўзининг талаффуз қилиниши, биринчидан, тилларнинг бўлиниб кетишига сабаб туғдириш бўлса, иккинчидан, “хижолат бўлиш”, “тартибсизлик” концептларини воқелантиради (чунки қадимги иврит тилида babel сўзининг маъноси худди шу маънога эга).

Атоқли отнинг бадиий матнда турдошга айланиши тез-тез учраб туради ва бунда ономастик бирлик тасвирийлик ҳамда образлиликни яратиш воситаси хизматини ўтайди [Худойберганова, Анданиязова 2016:125]. Қиёсланг: Талай кизни кўрдим Қобул, Хиротда, Чодир ичра зулматда, тул сиротда, Сен учасан куш қанотли Ғиротда, Олмос пода кадри ошар Хиротда, Қорачиғинг чакинсимон, Моҳигул (Ғ.Ғулом). Ушбу шеърда шоир самолётни Ғўрўғлининг оти –Ғиротга нисбат бериб таърифламоқда.

Равшанки, атоқли отлар ҳам тил тизимидан ташқарида, ундан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмайди, маънодан умидвор ҳар қандай бирлик лисон худудида бошқа бирликлар билан муносабатда фаолият кўрсатиши зарур ва бу муносабат тил элементлари ўртасидаги фарқни ошқора қилади. Ҳаммага таниш “Умумий тилшунослик курси”да қуйидагиларни ўқиймиз: “Тил бирликларининг концептуал ва моддий қиймати фақат ва фақат бошқа элементлар билан муносабати ва фарқида намоён бўлади... демак, тилда фақат фарқланишлар мавжуд. Боз устига фарқлар, умуман олганда, ижобий ҳолатларни тақозо этади, лекин тилда фақат ижобий натижага олиб келмайдиган ҳолатлар кузатилади. Хоҳланг ифодаланишни, хоҳланг ифодаловчини олинг, аҳвол бир хил: тилда системадан олдин турадиган ғоя (тушунча – Ш.С) ёки товушлар йўқ, балки тизимда пайдо бўладиган концептуал ва фонетик фарқлар мавжуд. Лисоний белгининг фонетик



материали ва ундаги ғоянинг аҳамияти унинг куршовидагиларникидан камроқ” [Соссюр 2004:117;119].

Тил бирликлари, концептларнинг маълум бир занжир, тизим орқали бир-бирлари билан боғланиши ҳақиқат, лекин бу боғланишнинг асосида улар ўртасидаги фарқларнинг узлуксиз “ўйини” ёки ҳаракати ётиши исботга талабгор. Агарда тилда фақат ижобий ҳолатда бўлмаган фарқлар мавжуд бўлса, унда лисоний белги тил тизимидаги фарқловчи белгиларга ишора қилиш билан чегараланиб қолади, холос. Шунинг учун ҳам бўлса керакки, Мона Бейкер, сўзлар таржимаси муаммоси ҳақида гапираётиб, “семантик майдон” ва “луғавий тўпламлар”га мурожаат қилишни маъқуллайди, чунки улар даставвал “сўзнинг маълум тизимдаги қийматини ҳис этишга имкон беради” [Baker 1992:19]. “Аслият ва таржима тилидаги семантик майдонлардаги фарқни англаш таржимонга маълум бир бирликнинг луғавий тўпламдаги қийматини аниқлашга шароит яратади. Агарда луғавий тўпламдаги бирликларнинг қайсилари фойдаланишга яроқли эканлигини билсангиз ҳамда уларни бошқалари билан қиёсласангиз, унда ёзувчи ёки сўзловчи танловини баҳолай оласиз” (ibid.:19)!

Бейкер хонимнинг ушбу қайдини изоҳлаш учун “харорат” концептини ифодаловчи бирликларга мурожаат қиламиз: инглиз тилида cold, cool, hot, warm ушбу концептнинг тўрт асосий бирлигини ташкил қилади; ўзбек тилидаги тақсимот ҳам шу хилдаги кўринишга эга: совуқ, салқин, иссиқ, илиқ. Араб тилида эса бошқача фарқлар таснифлаш меъёрини белгилайди: баарид бирлиги бир хилда совуқ ва салқин ҳавони атаса, хаар ҳавонинг иссиқлигини, саахин сўзи эса бирор бир предметнинг иссиқлигига ишора қилади, ниҳоят, илиқ ҳаво назарда тутилганда даафи калимаси қўлланилади.

Келтирилган мисоллар гувоҳлик беришича, таржима концептларнинг икки тилдаги фарқловчи кўрсаткичлари билан чекланмасдан, балки турли тилларнинг фарқловчи белгилари тизимини эътиборга

олишни талаб қилади. Фақат биргина тил тизимидан хабардор шахс “совуқлик”нинг моҳияти тилдан ташқари бўлишига ва унинг умумбашарийлигига ишониб қолиши ҳеч гап эмас. Таржима жараёни кишини бу кўринишдаги мавжудлик ғоясидан дарҳол воз кечишга ундайди. Ғарб таржимашунослик мактабининг яловбардори хисобланган Южин Найда бундан ярим аср олдин таржима энг аввало “ахборотни қайта яратиш” мақсадини кўзлашини, бошқа бирон бир ишни бажариш таржимон учун ёт, “тамоман сохта вазифа” эканлигини қайд этган эди [Naida and Taber 1969:12]. Бас шундай экан, референт маъно атрофида ўралашиб қолишдан қочиш таржимонлар эшитадиган дастлабки ўғитдир. Алоҳида олинган сўзнинг объектив (референт) маъноси тўғридан-тўғри ахборот ташувчи восита вазифасини ўтай олмайди. Сўзнинг матн мазмуни шаклланишидаги роли оддий кўринишга эга эмас, унинг маънолар тўпланишидаги ҳиссасини билиш учун алоҳида семантик гуруҳлар бирликларнинг ўзаро боғловчи тугунларини ҳамда матн таркибида пропозицйаларининг мослашувини таъминлашдаги иштирокини ҳис этиш талаб қилинади. Худди шу муносабатлар, боғланишлар матн шаклланишининг, унинг аслият ёки таржима тилида бўлишидан қаъти назар, ҳаракатчан механизмларини ташкил қилади. Сўз маъноси матн тузилишидан, унинг умумий пропозициясидан ажралиб қолган тақдирда унинг иштироки самарасиз бўлиб қолади. Ҳолбуки, таржиманинг самарали бўлиши учун аслиятдаги ахборотнинг тушунарли бўлиши ёки уни таржимон-ўқувчи тушуниб олишининг ўзи етарли эмас, ушбу ахборот жўяли, таъсир кўрсатадиган даражада бўлиши (мулоқотнинг экспрессивлик жиҳати) ва ҳаракатга ундайдиган даражада (императив вазифани бажариши) бўлиши лозим. Шу боис таржимонлар баъзан объектив маънодан воз кечиб, экспрессивликка кўпроқ эътибор қаратадилар. Маълумки, ҳазил-мутойиба тақлидида битиладиган лимериклар жанридаги шеърый матнларда



асосий эътибор шаклга (қаторлар ҳажми ва рифма, синтактик-семантик тузилишига) ҳамда образларга қаратилади. Ушбу формал кўрсаткичларнинг сақланиши лимериклар таржимасининг асосий шартига айланган. Шакл илк ўринга чиққанида эса объектив маънонинг йўқолиши ёки ўзгариб кетишига аҳамият берилмайди. Мисол тариқасида ирланд шоири Эдвард Лининг қуйидаги сатрларини келтирмоқчиман:

There was Old man of Jamaica,
Who suddenly married a Quaker;
But cried out, “Alack!
I have married a black!”

Which distressed that Old Man of Jamaica.

(“Ямайкалик бир чол яшар эди ва у тасодифан фирибгар хотинга уйланди. Лекин у “Эҳ, қоровойга эрга тегибман”, деб оҳ солди. Бу ямайкалик чолнинг асабига тегди”).

Энди ушбу матннинг русча таржимасини ўқийлик [Холина 2011:71]:

Жил один старичок из Нигера...
Ему в жены попало мегера
Целый день она ныла:
“Ты черный, чем чернила”,
Извода старика из Нигера.

Объектив маънонинг нақадар силжишларга учраганини кўринг. Рус таржимони Г.Кружков аслиятдаги Quaker “квакерта” сўзини алмаштиришининг сабаби бу сўз инглиз тилидаги quaker каби бир неча маънога эга ва рус ўқувчиси “ўрдак мисол қақиллайдиган” ёки “фирибгар”дан кўра “мегера”, яъни “заҳар хотин, кумрон”ни тезроқ, осонроқ қабул қилади. Оқибатда, “мегера”га қофиядош бўлсин учун “Ямайка” топоними ўрнига “Нигера” қўлланмоқда. Бу объектив маъно йўқолса-да (йўқоладимикан?!), лекин функционал эквивалентлик ҳосил бўлишининг ёрқин мисолидир.

Семантикага оид муаммолар таржимонларнинг доимий “бош оғриғи” бўлиб келганлиги аниқ. “Семантика тилшунослар ёриб ўтишга қийналишаётган охирги химоя кўрғонидир, зотан маънонинг структураси ўта қайсар” [Nida 1974:405]. Ю.Найданинг бу иқрори

қанчалик нолишли эшитилмасин, аммо биз ушбу “химоя кўрғони”ни тўпга тутишга мажбурмиз. Замбаракнинг ўқи зоя кетмаслиги учун, мўлжалли аниқ олишдан ташқари, танланган аслаҳа ҳам мўлжалдаги объектга мос келиши керак. Бизнинг мўлжалимиз эса ўта мураккаб объектга йўналтирилган: лисоний бирликларнинг қўлланишидаги мураккабликлар уларнинг турли маънолар ифодалашида, турли бирикмалар ҳосил қилишида ҳамда коннотатив буюкка эга бўлишида намоён бўлади. Бу хусусиятлар ҳар бир сўз ёки ибора маъносининг марказий қисмидан ўрин олиши билан биргаликда, мазмун ифодасида етакчилик қилиши мумкин. Жумладан, “илон” сўзи барча тиллар захирасида мавжуд бўлса керак, лекин турли лисоний маданиятларда унинг идроки бир хилда кечмайди: инглизлар тасаввурида илон секин ҳаракат қиладиган жонивор, Францияда илон - нозиклик, хипчалик рамзи, Германияда у – шилимшиқ мавжудот, ўзбеклар наздида илон – маккор, заҳарли. Айни шу хусусият гап, матн каби бирликларда ҳам мавжуд: гап маъносининг мураккаблиги унинг занжирсимон боғлиқликлар ўрамида бўлишида кўринса, матн эса тагмаънолар қатламлари жипслашувидан иборатдир. Тўғри, баъзан тилшунослар тавсиф ва таснифнинг кўргазмали бўлиши мақсадини кўзлаётиб, ўрганилаётган ходисаларни соддалаштириш йўлидан борадилар ва моҳиятни оддий баён қилиш ҳаракатини кўрадилар. Аммо таржимонлар кундалик фаолиятларида бу йўлдан бориш хавфли, улар таржимага тортилаётган бирликларни катта миқёсдаги боғлиқлар тўқимасидан ажратиб олиб, қандайдир бир идеаллаштирилган ҳолатда талқин қила олмайдилар. Маъно тузилиши ва муносабатларининг бу қадар мураккаблиги оқибатида таржиманинг қандайдир когнитив стандартларини топиш қийинлашади. Тўғри, айрим ҳолатларда, жумладан, фразеологизмларнинг тиллараро муқобиллигида, стандарт ҳаракатларни бажариш мумкиндир, бироқ тамоман муқобил фразеологизмларни топиш ҳам осон эмас. Бинобарин, инглиз



тилидаги golden deeds иборасини ўзбек тилига “олтин хатти-ҳаракат” кўринишида ўгира олмаганимиздек, golden opportunity бирикмасини “олтин имконият” мазмунида таржима қилишдан қочамиз (биринчи иборадаги golden сўзининг муқобили “олижаноб, мардонавор” бўлса, иккинчиси “ажойиб” маъносини бермоқда).

Маъно шу қадар нотўғри, товланувчан ҳодисамикан?! У ҳолда луғатшунослар нима билан ва қандай иш кўрар эканлар? Асосийси, инсонлар бир-бирларини қандай тушунар эканлар-у, таржимонларнинг таянчи нимада экан? Бу қабилдаги саволлар кетма-кет туғилаверади. Чексизлик математика фани учун қанчалик мавҳум мезон бўлса, тилшунослик ва таржимашунослик учун шу қадар ноаниқ изоҳдир. Ноаниқликдан қочиш назарийчи ва амалиётчи учун бир хилда муҳим.

Бир неча йил олдин америкалик икки семасиолог ўртасида кечган баҳсни эслайлик. Р.Жакендофф NP kept the money “NP пулни сақлади” ва NP kept the crowd happy “NP халойиқни шод (хурсанд) сақлади (ушлаб турди)” гапларини киёслатиб, keep “сақламоқ” феъли иккала ҳолатда турлича маъно ифодалашини қайд этди [Jackendoff 1996:37]. Ж.Фодорнинг фикрича, бу ҳолатларда keep феълининг маъноси ўзгармас экан, чунки у бир хил муносабатни ифодалаётган эмиш, фақат бу муносабат биринчисида NP ва пул ўртасида бўлса, иккинчисида NP ва халойиқнинг шодлиги оралиғида кечмоқда [Fodor 1998:53].

Маълумки, Жерри Фодор маънонинг “жиддий назарияси”ни яратишни ихтиёр қилган олимлардандир. Унинг назарияси менталистик мундарижага эга бўлиб, у маънони оддий тузилма сифатида қарашдан қочади ва ментал тасаввурлар (mental representation) атроф–муҳитга бирон бир нарсанинг таъсиридан иборат деб ҳисоблайди. “Тафаккур тили” (language of thought) ёки ментал тасаввурнинг интенционаллиги рост, у албатта бирор нарса ҳақида ахборот беради, лекин бу семантиканинг

табiiйликка йўйишга олиб келмаслиги керак.

Тафаккур тили асосий концептуал бирликлар бўлган лисоний тушунчалар билан бир қаторда, воқелик идроки жараёнида шаклланадиган ва кўпинча субъектив характерда бўлган нолисоний тушунчаларни ҳам қамраб олади. Инсон тафаккури лисоний жамоага тегишли бўлган рамзлар ва субъектларнинг мулки бўлган образ (тимсол)лар учрашувини тақозо этадиган динамик жараёндир. Шундай экан, лисоний концептларнинг новербал образлар билан муносабатига ҳам қўнимсизлик хос, уларнинг бири иккинчисига кўчиб туради. Бундай “қўнимсизлик” алоҳида тил бирлигининг турли кўринишидаги концептлар билан муносабатда бўлишига сабаб туғдиради. Рональд Лангакер сўз “чексиз микдордаги концептлар тўплами билан боғланиш хусусиятига эга”, деган тезисни олға суради [Langacker 1999:6]. Ушбу тезисни эътироф этмасликнинг иложи йўқ ва бунинг исботини маъно товланишлари мисолида кўриш мумкин. Қиёсланг:

Куйида йиғлар эдим мен зор ҳар беморга,

Эмди йиғларлар бари беморлар мен зорға.

Алишер Навоий ҳазратлари битган ушбу сатрлар ягона бир лисоний бирликларнинг турли тушунча ва концептлар билан боғланиши самарасида янгидан-янги маъно касб этишига ёрқин мисолдир. “Бемор” сўзи биринчи қаторда “ишқ аҳли”ни англатмоқда ва худди шу тушунча билан боғланаётган “зор”, ишқ дардига гирифтор бўлганларга ўз дардини айтиб зорланиш ҳаракатини ифода этмоқда. Кейинги қўлланишдаги “бемор”, ўз навбатида, “хаста”, “касал”, “заиф” маъносига эга ва унинг билан боғланишда бўлган “зор” эндиликда (-ға қўшимчаси билан ҳамроҳликда) “бечора”, “ишқ дардидан хўрланган кимса” маъносини олмоқда. Тилнинг “тилла сандиғидаги дуру гавҳарларни қўлга олиб салмоғини ўлчаб, ҳар бирининг пешонасидан ўпиб кўйишга” ундаган халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ушбу изоҳларини [Воҳидов



2014:134-135; Қиёсланг: Нурмонов 2014] ўқиётиб, дунё маъношуносларини ўзбек тилини ўрганишга чақиргинг келади. Шундай бўлганида, ўзини маъношуносликнинг “миттивойларини елкасида олиб юришга қодир девкор арбоби” деб ҳисоблайдиган Ж.Лакофф кабиларнинг инглиз тилидан бошқа барча тиллардан воз кечиши мумкинлиги ҳақидаги ғоясининг нақадар фосик, асосизлигини намойиш қилиш осон кечар эди. Бу чала файласуф-тилшуноснинг “Исус Христос инглиз тилида сўзлаган” деган даъвоси, худди ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида “семантик учбурчак” чизмасининг муаллифлари Огден ва Ричардс ўта чегараланган ҳажмдаги луғавий-грамматик минимум намунаси бўлган *Basic English*ни интеллектуал мулоқот учун етарли манба сифатида истеъмолга тиқиштиришларидек, хомҳаёлдан бошқа нарса эмас.

Дарвоқе, сўзнинг турли тушунчалар билан боғланишида маъно ифодалаш хусусияти ҳақида ўрта аср олимлари ҳам ижобий фикрлар билдириб ўтганлар: “Концепт,—деб ёзади Б.Грасиан,—онгда турли предметлар (ғоялар, тушунчалар ва ҳоказо) ўртасидаги алоқа ҳақида тасаввур пайдо бўлиши ва ушбу алоқани тимсол, сўз ёки ҳаракат воситасида ифодалаш имконияти туғилишида шаклланади” [Европейская поэтика 2010:231]. Шунга яқинроқ фикрни машҳур физик В.Гейнзенбергнинг қайдидан ҳам ўқиб олишимиз мумкин: “Талаффуз қилинган ҳар қандай сўз нафақат маълум бир тушунчани, балки ушбу сўзнинг маъноси сифатида қараш мумкин бўлган батамом онгли тафаккур ҳаракатини туғдиради. Натижада, бир сўз онгнинг ботинида қатор маъно бўёқлари ва баъзан сезиш қийин бўлган ассоциацияларни ҳос қилади” [қаранг: Сухачёв 2007: 14-15].

Инчунин, узоқ даврлар таъқиқда турган ҳудуд-лисоний онгнинг тадқиқ объектига айланиши когнитив тилшуносликнинг (айниқса когнитив семантика соҳасининг) ривожига салмоқли туртки бериши билан бир қаторда, маъно ходисаси ўрганилишига оид баъзи

саволларнинг бошқача қўйилишига сабаб бўлмоқда. Юқорида келтирилган фикрларга биноан, мабодо сўзнинг турли шароитларда турли концептлар билан боғланиши ҳар хил маъно ифодасига олиб келадиган бўлса, тил бирликлари маъноси барқарорлик хусусиятидан холими? Маънодаги барқарорлик йўқолган тақдирда инсонлар бир-бирларини қандай тушунадилар ва таржимон ахборотни бир тилдан иккинчисига кўчиришга нимага асосланади?

Маънодаги ўзгаришлар, унинг ривожланиш босқичларини болалар нутқининг тадқиқи асосида ўрганган рус психологи Л.С.Выготский маънонинг мавжудлигини бошқа маъноларга нисбатан умумийлик муносабатида кўради. Шу сабаб тушунча табиатининг мураккаблиги ҳам тўлиқ кўламда унинг бошқа тушунчалар билан ўзига хос равишда боғланишида намоён бўлади. Шунингдек, маъно шаклланишини таъминлашнинг энг юқори босқичида турадиган тушунча ва маънолар муносабати ҳақидаги умумлаштирувчи тасаввурлар алоҳида идрок амалларидан ташкил топмасдан, балки олдинги босқичдаги тасаввурлар, умумлашмалар асосида ҳосил бўлади [Выготский 2008:386-388]. Демак, маънонинг турғун статик эмаслиги ҳақиқат, у ўзгариб, ривожланиб турадиган ҳодисадир ва бу ўзгаришлар тафаккурнинг турли кўринишларда кечишида ҳам намоён бўлади. Маънонинг табиати ва моҳиятини умумлаштириш когнитив фаолияти натижасида кўринади ҳамда ушбу фаолият ҳар қандай маъно шаклланишида марказий ўринга чиқади.

Маъно шаклланишининг концептуал асосга эга эканлигини ҳеч қачон инкор этиб бўлмаса керак. Л.Выготский бот-бот таъкидлаган умумлаштириш амали номланаётган предмет-ҳодисаларнинг хусусиятлари объектив бўлиши ёки ушбу хусусиятларнинг субъектив тасаввур, идрок замирида ажратилишидан қатъи назар маънонинг пойдеворида туради.

Тил бирликларининг кўпчилиги қатор маъно хусусиятларига эга ва улар



ягона бир “тўр”ни ҳосил қилади. Хусусиятларнинг ўзаро боғлиқлиги бирликнинг умум-қабул қилинган коидалар асосида қўлланишини таъминлайди. Масалан, инглиз тилидаги ring сўзи “давра”, “айлана”, “узук”, “ринг, арена”, “биргаликда ҳаракат қиладиган кишилар гуруҳи” каби маъноларни ифодалайди, аммо ушбу маънолар ифодасининг марказида “думалок, айлана объект” умумлашган тушунчаси туради. Р.Лангакернинг таъбирича, айнан шу доиралик хусусияти аторофида концептуаллашув жараёни кечади [Langacker 2002:3]. Алоҳида маънолар концептуал марказ (cognitive domain) билан боғлиқ ҳолда кечади. Жумладан, hypotenuse “гипотенуз” тушунчасининг когнитив марказида right triangle “тўғри учбурчак” тушунчаси турса, elbow “елка” тушунчаси учун марказ–агм “қўл” бўлади. Бу йўсиндаги талқинлар, худди “прототип маъно” ёки “семантик ибтидо”ларни ажратиш ҳаракатидек, қачонлардан буён муҳокама қилиниб келинаётган “умумий ёки асосий маъно” муаммосини қайтадан долзарблаштиради. Ушбу муаммо муаллифнинг бошқа бир ишида батафсил ёритилганлигини эътиборга олиб [Сафаров 2013:108-143], унга оид баъзи хулосаларни қайта такрорлаш билан чекланиб қўя қолмоқчиман. Биринчидан, маъно структурасидаги турли кўзғалишларнинг оқибатида пайдо бўладиган ҳосила бўлақларнинг манбаларини ва уларнинг муносабатларини билиш назариясининг янги йўналиши бўлган дискурсив-синергетик парадигмаси тамойиллари татбиғида таҳлил қилиш жоиз. Иккинчидан, семантик структуралардаги силжишлар асосан субъектив хусусиятга эга эканлигини эътироф этиш лозим. Учинчидан, сўз семантик структураси яхлит (гештальт) кўринишини олиши учун маълум бир семантик ўзакка эга бўлиши керак ва бу ўзак бошқа дериват маънолар шаклланишида етакчилик қилиши мумкин. Аммо “марказ”, “ўзак”, “етакчи” қандайдир ўзгармас, батамом турғун ҳодиса эмас, ўзакда ҳам кўчимлар юзага келиши кузатилган ҳол. Яқинда

Н.Маҳмудов маъно-мазмунга дахлдор ўзгаришлар, янгиланишлар, эврилишлар тилдай сирли оламнинг табиий тақомилини таъмин этадиган зарурий жараён эканлигини таъкидлаётиб, “тилнинг маъно-мазмун жиҳатидан тараққиёти, тақомили мутлақо “ўз-ўзидан” бўладиган, тамоман хаос тарзидаги жараён эмаслигини” ва “бу жараёнда тил эгасининг эҳтиёжи, интилишлари, дунёга муносабати ҳал қилувчи роль ўйнашини” ҳамда унинг “когнитив фаолияти бошқарувчилик вазифасини ўташини” алоҳида эслатиб ўтди [Маҳмудов 2014:16].

Тил эгасининг когнитив фаолияти чексиз бўлгани боис, маъно тақомили ҳам тўхтовсиз давом этадиган жараён. Бунда бажариладиган умумлаштириш ва конкретлаштириш ҳаракатлари ҳамонан бўлгани каби маъно хусусиятлари умумийлик ва хусусийликнинг диалектик яқдиллигини акс эттиради. Бир пайтлар академик тилшунос В.В. Виноградов томонидан айтилган “сўзнинг барча маънолари асосий номинатив маънога нисбатан ҳосиландир” [Виноградов 1952:12]. Қайдни ҳам диалектиканинг худди шу қонунияти доирасида англамоқ даркор. Зотан, маъно хусусияларининг асл қиймати уларнинг умумий структурада тутган ўрни билан белгиланади, марказдан узоқлашган сари ушбу қиймат кучсизланиб бориши мумкин. Қандайки бўлмасин, матннинг ўқиладиган, англашиладиган бўлиши кўпгина омилларга боғлиқ ва шундайлардан бири тил бирликларининг прототип маъно компонентига эга бўлишидир. Кодларнинг (улар лисоний, бадий, сиёсий, маданий бўлиши мумкин) турли ҳолатларда такрорланиши натижасида қоладиган “из” турли тўпламда зичлашади. Фаранг файласуфи Ж.Деррида матннинг маънодорлигини таъминлаш учун мунтазам структуралар, анъаналар, коидалар ва кодларнинг мавжудлиги зарурияти доимий равишда таъкидланган эди [Derrida 1992:64]. Файласуф айтаётган умумийлик ёки доимийлик (“мунтазамлик” дейишга сесканиб турибман) батамом турғунликка ишора қилмаса керак ва



бундай чекланишнинг ўз сабаблари бор. Авваламбор, бадиий матндаги ҳар бир сўз шу матн доирасида ўзининг “асл” ёки фарқли маъносига эга, яъни бошқалардан фарқланадиган “ўзлиги”ни топган. Бинобарин, “Ромео ва Жульетта” трагедиясини ўқийлик:

If, rather than to marry County Paris,
Thou hast the strength of will to slay
thyself,

Then is it likely thou wilt undertake
A thing like death to chide away this
shame,

That cop’st with death himself to
‘scape from it;

And if you dar’st I’ll give thee
remedy. (IV, 1.68-76).

Қизик, Вильям Шекспир ушбу матнда remedy сўзини қайси маънода қўллаётган экан? Бир нарса аниқ: бу сўз маънога нафақат тил тизимидаги бошқа бирликлар билан алоқаси воситасида, балки турли контекстларда такрорланишига боғлиқ ҳолда эга бўлмоқда. Бундай такрорланиш натижасида remedy сўзининг асосий, ўзак маъноси шаклланган, лекин такрорланишлар бир-биридан фарқ қилиши сабабли ҳар бир вазиятда умумий тизимдаги имкониятларнинг янги кирралари намоён бўлади. Натижада, роҳиб Лоренсо Жульеттага “муаммонинг ечимини”, давосини таклиф қилаётгандими ёки “дори, захар”ни топиб беришга ваъда бераётганини англаш сиз билан бизнинг ихтиёримизда. Балким, бу Жульеттанинг ҳаётдаги айбсиз улуши ва Ромеонинг тақдиридаги захарга ишорадир. Ҳарҳолда маънодаги муҳимликнинг бу қадар чегараланганлиги унинг бошқа бирор бир контекстда такрорланишини олдиндан фараз қилиш қийинлигидан дарак беради. Оқибатда, таржимон елкасига “оғир юк” тушади, матн мазмунини янги маданият вакиллариغا етказиш учун катта ҳажмдаги ақлий меҳнат бажаришга тўғри келади. Хос таржимон, халқ шоири Жамол Камол келтирилган парчани таржима қилаётиб, remedy сўзини қандай ўгирганига эътибор беринг:

Баски, сен Парисга хотин бўлишдан
кўра,

Ўлимни афзал кўрар экансан,
Ёлғондакам ўлишга ҳам рози
бўлгайсан.

Бу бир чорадирким, қабул айласанг
уни,

Ўша манфур никоҳингдан қутқарар
сени.

[Шекспир 2008:116].

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да кўрсатилишича, дори сўзи, “дори-дармон”, “даво” маъноларидан ташқари, “захар” (“Бой атайин дори бериб қўйган эмиш, деб эшитдик”) ва “чора, восита” (“Ҳамкасбларимизни тўғрилиқ ва ҳалоллик дориси билан даволаймиз”) каби маънолар ифодасига кодир. Шекспир услубини сақлашга ҳаракат қилаётган Жамол Камолнинг таржимасини ҳам таянч маънога суянган ҳолда талқин қилаверинг: айёр роҳиб бечора Жульеттага “дори” (захарли) тавсия қилиш билан унинг аянчли аҳволига “даво” топилишига, захар ичиш ягона “чора” эканлигига ишонтирмоқчи.

Маънонинг тафаккур маҳсулоти эканлигини таъкидлашдан хоримаган Л.Выготский, маъно тараққиёти ўзгаришининг қандай кечишини изоҳлаётиб, ушбу тараққиётга эволюцион кечим хослигини кўрсатган эди. Ёш бола янги тушунча билан боғлиқ структурани ўзлаштираётиб, олдингиларини батамом унутмасдан, балки уларни қайта шакллантиради, янгисига мослаштиради. Бу эса, тафаккурнинг олдинги фаолияти бекор кетмаслигидан, унинг ҳар бир босқичида тушунчалар янгидан шаклланмаслигидан ва оқибатда ҳар бир алоҳида маъновий структурани қайтадан ташкил қилиш борасида мустақил, “ўз-ўзидан барча ишни бажармаслиги”дан хабар беради [Выготский 2008:391-392].

Семантика фанининг асосчиларидан бўлган Ч.Пирс семиозисни ташкил қилувчи бўлақлар–белги (репрезентамен), объект ва интерпретантлар муносабатини қуйидагича тасвирлайди: лисоний белги ўз объектига эга (яъни маълум бир нарса-ходиса номланади) ва шу белги ўз



адресатига эга (яъни бирор кишига йўналтирилади) ҳамда шу йўсинда унинг онгида бирор бир ғоя, тушунча туғдиради. Ч. Пирс “интерпретант” деб атаётган ходиса объектни такрорламасдан ёки тамоман қамраб олмасдан, балки шаклланаётган тушунча ва белги учун асос (the ground of representamen) хизматини ўтайди [Пирс 2000, т.2.:318-319; Қиёсланг: Сухачёв 2003: 53-54]. Айтилган фикрларга таянадиган бўлсак, янги маъно-мазмуннинг қандайдир бир “бўшлиқдан” ёки йўқ жойдан пайдо бўлмаслигига, унинг қиёфа олишида прототип маъно билан бўлган муносабат ўз ўрнига эга эканлигига яна бир бора ишонмоғимиз даркор. Шу сабаб бўлса керак-ки, луғат-таржимоннинг доимий ҳамроҳи. Луғат табиатан ўзига хос лингвистик музейни эслатса-да, лекин унинг экспонатлари қандайдир “алмисокдан қолган нарсалар” бўла олмайди, чунки музей экспозицияси тартиботни, узлуксиз янгиланишни, қайта изохлашни ёқтиради. Аммо музейдаги экспонатни ҳар бир тамошабин ўзича қабул қилиши, идрок этиши ва тавсифлаши мумкин бўлганидек, тил бирлигининг алоҳида қўлланишларидаги маъносининг тавсиф-изоҳи ҳам ўқувчи-коммуникантларнинг идрокига боғлиқ.

Маъно ходисаси гуманитар фанларнинг афсунланган нуқтасига айланди ва бу “дарди бедаво”дан қутулишнинг йўлини излаш давом этмоқда. Рухшунослар ва уларга эргашган психоллингвистлар энг самарали йўллардан бирини фаоллик назарияси татбиқида кўрмоқдалар. Инсон нарса-ходисаларнинг хусусиятларини ўз фаолияти доирасида идрок этади, уларнинг моҳиятини, бошқача айтилганида, маъносини англаб этади. Бундан ташқари, маънонинг жараён сифатидаги талқини ҳам ботиний ҳодиса кўринишида бажарилаётган фаолият муҳитида шаклланади. Тил бирликлари семантикаси улар восита сифатида қўлланилаётган фаолиятнинг қандай йўналиш олиши билан боғлиқ ва маъно фаолиятнинг “ўзгартирилган шакли”дир. “Маънонинг психологик структураси,—деб ёзган эди А.А. Леонтьев,— дастлабки

ўринда, сўзларнинг нуткий фаолият жараёнида ўзаро муносабатларида намоён бўладиган фарқловчи белгилари тизимидир. Бу тизим қандайдир мавҳум лисоний тузилма кўринишида қаралмасдан, балки мулоқот динамикасида, сўзнинг руҳий ва ижтимоий шартланишида қаралиши керак” [Леонтьев 1971:11]. Психоллингвист Алексей Алексеевич Леонтьевнинг падари бўлмиш психолог А.Н.Леонтьев эса, “семантик структурада психологик маъно ва шахс мазмуни” (личностный смысл) фарқланиши тарафдори. Ота-Леонтьевнинг таъбирича, психологик маъно борлиқнинг, индивидуал муносабатдан ҳоли ҳолда, объектив боғланишлар, алоқалар кўламида акс топишидир. Шахс мазмуни эса, аксинча, алоҳида шахснинг индивидуал фаолияти тизимида ҳосил бўлади ва шунга нисбатан унга субъектив хусусият хосдир. А.Н.Леонтьев психологик маънонинг фарқли жихатини “борлиқнинг ҳеч қандай индивидуал идроксиз, шахс билан боғлиқ бўлмаган ҳолда акс топишида” кўрса, шахс маъносини эса инсоннинг индивидуал фаолияти тизимида ҳосил бўладиган, “субъектнинг оламга нисбатан шахсий муносабати рамзи” сифатида тавсифлайди [Леонтьев А.Н. 1975:147;299]. Назаримда, рухшунос олимнинг қайдлари ажратилган турдаги семантик ходисаларнинг муносабатини етарли даражада ёритаётгани йўқдек. Биринчидан, шахс мазмуни бу қадар психологик маънога қарши қўйиб, уни маълум жамоанинг тарихий-маданий тажрибаси, унинг воситасида юзага келадиган дунёқарашидан йироқ қўйиш ва қандайдир “индивидсиз”, “норуҳий” ҳодиса кўринишида талқин қилиш ҳақиқатга мос келмайди. Иккинчидан, ушбу турдаги мазмуннинг субъективлиги, биртарафлигига интеллектуал фаолият жараёнидан руҳий мундарижага эга бўлган қатор ҳолатларни сиқиб чиқаришга олиб келади. Ҳолбуки, ассоциатив боғланиш, образли тасаввур, ҳиссиёт каби ҳолатлар, биринчи навбатда, шахснинг воқеликка субъектив муносабатини акс эттиради. Ушбу хусусиятларнинг, шунингдек,



ассоциатив фикрлашнинг оламни “шоирона” идрок этишда ва уни тилда образли баён этишда қанчалик муҳим эканлиги назарий тилшуносликнинг дарғалари сафига интилаётган Дурдона Лутфуллаеванинг яқинда нашрдан чиққан монографиясида моҳирона исботлаб берилди [Лутфуллаева 2017: 64-79].

Айтиш жоизки, ассоциатив фикрлаш нафақат ижодкорлар, балки ҳар бир инсонга хосдир. Сўзсиз, ижодкорнинг фикрлаш қобилияти бошқаларникидан фарқ қилади ва бу фарқ тиллар, маданиятлар қиёсида янада яққолроқ кўзга ташланади. Оламнинг идроки яшайдиган муҳит, инсоният тараққиёти давомида тўпланадиган кадриятлар, жамланган билим каби кўплаб омиллар билан боғлиқ бўлганидан сўнг идрок ва лисоний воқеланишдаги турфаликдан қочиб бўлармикан? Сиз билан бизнинг вазифамиз (мақсадимиз ҳам) маъно-мазмунни шакллантирувчи омилларни, адабиётшунос Тревер Итон тасаввур қилаётганидек, қандайдир бир тартиботсиз курама-агломерат кўринишда тасвирлашдан қочишдир. Қўрама ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, унинг бўлақларининг жойлашуви, бажарадиган вазифалари, ўзаро бирикуви табиат назоратида, систем-синергетик

қонуниятлар қамровида эканлиги фанда ўз исботини топган. Яхшиси, Т.Итоннинг “Миямиздаги семантик филтрлар гўдакнинг илк йиғисидан бошлаб катталарнинг ўлим олдидаги фарёдига қадар инсонлигимизни шакллантирувчи кучдир ва онгимизни бошқариб борадиган доимий лисоний қистовдир” [Eaton 2010:3], деган қайдига эргашиб қўя қолайлик. Инсоннинг доимий ҳамроҳи бўлган маъно ўз пойдеворига, лозим бўлса-қўрғонига эга бўлиши – оддий ва шу пайтнинг ўзида қонуний талаб. Лингвистик фалсафа оқими вакиллари маъно-мазмун ифодасида объектнинг онтологик хусусиятларини четга суриб қўйиб, уни тамоман субъектнинг идроки, лисоний тузилмаларнинг контекстда қўлланишига боғламоқдалар [масалан, қаранг: Селиверстова 2001:295]. Бу даъвонинг мағзида ҳам бир ҳақиқат мавжуддек: нутқда узатилаётган ахборотнинг кадр-қиймати кўп жиҳатдан уни қабул қилувчининг тушуниш қобилияти билан боғлиқ. Лекин, айти пайтнинг ўзида лисоний тузилма шу контекстга мослашадиган бирор бир нарсага эга бўлиши керак-ку. Акс ҳолда, ахборотнинг моҳияти йўқолиб, маънони ҳар ким ўз чилдирмасига ўйнатиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Адабиётлар:

1. Baker M. In Other Words: a Coursebook on Translation. – London: Routledge, 1992.
2. Blackburn S. Oxford Dictionary of Philosophy. – Oxford and New York: Oxford University Press, 1996.
3. Butaev Sh. English-Uzbek and Uzbek-English Dictionary. – Toshkent: O'qituvchi, 2015.
4. Delisle J. Translation Approach. - Ottawa, London: University of Ottawa press, 1988.
5. Derrida J. “This Strange Institution Called Literature”: An Interview with Jacques Derrida. In: Attridge D. Jacques Derrida: Acts of Literature. – New York and London: Routledge, 1992.
6. Eaton T. Leterary Semantics. – Cambridge: Melrose Books, 2010.
7. Fodor J.D. Concepts. Where Cognitive Science Went Wrong. – Oxford: Clarendon Press, 1998.
8. Fodor J.D. The Language of Thought. –Hassocks: Harvester Press, 1976.
9. Frege G. On Sense and Reference. In: M.Black and P. Geach (eds). Translations from the Philosophical Writings of Gottlob Frege. – Oxford: Basil Blackwell, 1952.
10. Frege G. Über Sinn und Bedeutung // Zeitschrift für Philosophie und Philosophische Kritik, 1892. B. 100.- S. 25-50.
11. Hönig H. Positions, power and practice: Functionalist approaches and translation quality assessment // Translation and Quality. –Clevedon, 1998.-P.6-35.



12. Ingarden R. Das Literarische Kunstwerk. – Tübingen: Niemeyer, 1931/ 1972.
13. Jackendoff R. Foundations of Language. – Oxford: Oxford University Press, 2002.
14. Jackendoff R. Languages of the Mind. Essays on Mental Representation. – Cambridge, Mass.: The MIT Press, 1996.
15. Jacques Derrida: Acts of Literature. – New York and London: Routledge, 1992.
16. Langacker R. Concept, Image, and Symbol. The cognitive Basis of Grammar. – Berlin, New York: Mouton de Gruyter, 2002.
17. Langacker R. Grammar and Conceptualization. – Berlin, New York: Mouton de Gruyter, 1999.
18. Langacker R.W. Foundations of a Cognitive Grammar. Vol. 1. – Stanford: Stanford University Press, 1987.
19. Larson M.L. Meaning – based Translation. A Guide to Cross – Language Equivalence. – New York and Oxford: University Press of America, 1998.
20. Neubert A. and Shreve G.M. Translation as Text. – L.: Kent State University Press, 1992.
21. Nida E. and Taber Ch. The Theory and Practice of Translation. Leiden: Brill, 1969.
22. Nida E.A. Componential Analysis of Meaning. An Introduction to Semantic Structure. The Hague: Mouton, 1974.
23. Nida E.A. Language and Culture. Contexts in Translating. – Shanghai Foreign Language Education Press, 2014.
24. Nida E.A. Language, Culture and Translating. – Shanghai: Shanghai Foreign Language Education Press, 1993.
25. Nida. E.A. Translating Meaning. – San Dimes, CA: English Language Institute, 1982.
26. Nord Ch. Translating as a Purposeful activity: Functionalist Approaches Explained. – Manchester: Jerom Publishing, 1997.
27. Scewmaker E.F. Shakespeare’s Language. A Glossary of unfamiliar words in his plays and poems. – New York, 2008.
28. Schäffner C. From good to functionally appropriate: assessing translation quality // Translation and Quality. – Clevedon, 1998. – P.1-5.
29. Vermeer H.J. Ein Rahmen für eine allgemeine translationtheorie // Lebende Sprachen, 1978. 23 (1). – S. 99-102.
30. Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова // Вопросы языкознания. 1953. №5.-С. 3-29.
31. Воҳидов Эркин. Сўз латофати. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014.
32. Выготский Л.С. Мышление и речь. – М.: Хранитель, 2008.
33. Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. – М.: Искусство, 1991.
34. Гумбольдт В.фон. Избранные труды по языкознанию – М.: Прогресс, 1984.
35. Гуссерль Э. Логические исследования. Картезианские размышления. – Минск, 2000.
36. Европейская поэтика от античности до эпохи Просвещения. Энциклопедический путеводитель. - М.: Intrada, 2010.
37. Карасик В.И. Языковая кристаллизация смысла. – Волгоград: Парадигма, 2010.
38. Карим Баҳодир, Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Т.: Академнашр, 2014.
39. Кобрина Н.А. Проблемы представления (репрезентации) в языке. Типы и форматы знаний. Москва-Калуга: Эйдос, 2007.
40. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – м.: ЭТС, 1990.
41. Комиссаров В.Н. Теория перевода. – М.: Высшая школа, 1990.
42. Қозоқбой Йўлдош. Нозиклашув жараёни//Ёшлик. 2014. 10-сон. – Б.34-37.
43. Леонтьев А.А. Психологическая структура значения // Семантическая структура слова. – М.: Наука, 1971.
44. Леонтьев А.Н. Деятельность, сознание, личность. – М.: Политиздат, 1975.



45. Лутфуллаева Д.Э. Ассоциатив тилшунослик назарияси. Т.:MERYIS, 2017.
46. Михайлов В.А. Смысл и значение в системе речемыслительной деятельности. – СПб.,1992.
47. Нурмонов А.Сўз мулкига сайр//Шарқ юлдузи, 2014. 6-сон. – Б. 133-140.
48. Пиаже Ж. Психогенезис знаний и его эпистемологическое знание//Семиотика. – М.: Прогресс, 1983.-С. 90-102.
49. Пиаже Ж.Речь и мышление ребенка. – М.: Педагогика-Пресс, 1994.
50. Пирс Ч.С. Логические основания теории знаков. –СПБ., 2000.
51. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. – М.: Педагогика, 1976.
52. Саломов Ф. Таржима назариясига кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1978.
53. Сафаров Ш. Семантика. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2013.
- Маҳмудов Н. Зиддият ва маъно тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти, 2014. 3-сон. – Б. 16-24.
54. Селиверстова О.Н. «Когнитивная» и «концептуальная» лингвистика: их соотношение // Язык и культура. Факты и ценности. – М.: Языки славянской культуры, 2001.
55. Соболева Н.В. Английская абсурдная поэзия: проблемы поэтики и перевода (На примере творчества Э.Лира). Дисс... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2008.
56. Соссюр Ф.де. Курс общей лингвистики.-М.: УРСС, 2004.
57. Сухачёв Н.Л. Концепция языка в европейской философии (очерки о Г.В.Ф.Гегеле, Ч.С.Пирсе, М.Хайдеггерре//Acta Linguistica Petropolitana.Т.3.Ч.2.– Санкт-Петербург, 2009.
58. Сухачев Н.Л. О семантике Ч.С. Пирса. Тройственный знак в универсуме репрезентаций. – СПб.: Наука, 2003.
59. Фрега Г. Логика и логическая семантика. – М., 2000.
60. Холина Д.А. Григорий Кружков – переводчик – исследователь: о поэзии нонсенса, пропавшей рукописи Н. Гумелева//История переводов: мастер и мастерство. – Воронеж: Изд-во ВГУ, 2011.-С.64-87.
61. Хромихин А.Д. Концепты в международных отношениях// Лексикология и Фразеология (Романо-германский цикл). – Санкт-Петербург, 2012. – С.78-83.
62. Худойберганова Д, Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. – Т.:-Turon zamin ziyo, 2016.
63. Шекспир В. Сайланма (Жамол Камол таржимаси) I-III жилдлар.-Т.:Фан, 2008.

Сафаров Ш. Значение и проблема перевода. В статье рассматриваются вопросы, касающиеся соотношения явления значения и проблемы перевода. Основное внимание уделено определению референтного значения языковых высказываний и репрезентацию этого значения в текстовом пространстве.

Safarova Sh. Meaning and problems of translation. The article is a sample of investigation of interaction between the phenomenon of meaning and problems, concerning translation activity. The author tries to present detailed analysis of the semantic features of literary texts and peculiarities of their interpretation.



ЖАМИЯТ ТАРИХИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА ТАРЖИМОНЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

Тухтасинов Илҳом,
СамДЧТИ ф.ф.н., доцент

Калит сўзлар: таржимон, компетенция, халқлар, лингвокультурология, маданиятлараро, мулоқот, ўргатиш, тил, лугат.

Иқтисодий глобаллашув, мамлакатлараро ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилиши, маданиятларнинг яқинлашуви ва уйғунлашуви “*умумий уйимиз*” – деб аталмиш улуг заминда яшаётган турли маданият вакиллари ўртасида инсонпарварлик, мурувватпарварлик “*кўприкларини*” кўриш вақти етиб келганлигидан далолат бермоқда.

Турли халқларнинг бир-бирлари билан мулоқот ўрнатишлари учун хорижий тиллардан бирини эгаллашлари тақозо этилади ва бу катта ижтимоий аҳамият касб этади. Бу жараёнда хорижий тил турли халқ вакиллари ўртасида фикр алмашишнинг асосий курули ва муомала воситаси вазифасини бажаради.

Асримизнинг бошларига келиб, чет тил ўқитишда содир бўлган катта ўзгаришлар натижасида чет тилни тили ўрганилаётган тил маданияти тўғрисидаги маълумотларни ўргатиш орқали эгаллашга эътибор кучайди. Бу ҳодисани Америкада *cultural literacy* ва *crosscultural communication* номлари билан атадилар.

Мулоқот – маданият субъектлари ўртасидаги алоқа сингари кўп қиррали тушунча. “Бугунги кунда фикрлаш тарзи ўзгармоқда – зиёли, билимли одам маданиятли инсонга айланиб бормоқда, ўз тафаккурида бир-биридан узоқ маданиятлар ва фаолиятларни уйғунлаштирмоқда”.¹ Кўп миллатли Марказий Осиё ҳудудларида яшаш тарзи, тарихий воқеликлар, диний мансублик қатор маданиятлар ўртасидаги узвий алоқа ўрнатилишига восита саналган.

Чет тил ёрдамида талабаларга тили ўрганилаётган мамлакатларнинг миллий тили ва маданиятини ўргатиш ва уларни табиий мулоқотга тайёрлаш орқали ахборот алмашиш малакаларини ривожлантириш ҳозирги кунда ғоят долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу нарса, бир томондан, тили ўрганилаётган мамлакатнинг нафақат тарихи, давлат тузилиши, шу билан бирга миллий маданияти ҳақидаги ахборотларни берса, иккинчи томондан, хорижий тиллардаги матнларни ўқиш жараёнида хос сўз (реалия)лар, яъни муқобилсиз тил бириклари, фразеологик бирикмалар афоризмларини таржима қила олиш, нутқ маданиятидан нутқий мулоқотда фаол ва эркин фойдаланишга ўргатади.

Лингвомаданиятшунослик муаммоларига доир илмий ишлар тахлили натижасида унинг умумий маданият, миллат, миллий маданият, тил, миллий тил, менталитет тушунчалари билан мазмунан боғлиқлигининг гувоҳи бўламиз.

Лингвокультурология – лингвистика ва маданиятшунослик ўртасида вужудга келган янги мустақил фан. У халқлар маданиятининг вужудга келиш тарихи ва унинг тилда акс этиш қонуниятларини ўрганади.

Лингвокультурологиянинг ривожланиш даврини иккига бўлиш мумкин: биринчи давр – фаннинг вужудга келиш даври. Бу, асосан, В. Хумболт, Я. Гримм, А.А. Потенбня, Э. Сэпир ишларида ўз аксини топган. Иккинчи давр – лингвокультурологиянинг мустақил фан деб тан олиниш давридир. (“Лингвокультурология” тушунчаси илк бор В.В. Воробьев, В.Н. Телия ва В.А. Маслова ишларида қайд этилган).

Лингвокультурологиянинг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

¹ В.С. Библер. Кант – Галилей – Кант. Разум Нового времени в парадоксах самообоснования. М., 1991.



1. Ижтимоий гуруҳлар, халқлар маданиятини лингвокультурологик контекст (вазоят) ларини тадқиқ қилиш (В. Хумболт, А.А. Потебня, Э. Сепир, А. Вежбицкая, В.Н. Телия).

2. Қиёсий лингвокультурология. Бу соҳа бир неча ишлардагина ўз аксини топган, холос (С.Г. Тер-минасова, В.Н. Телия, В.А. Маслова, Д.Ў. Ҳошимова, Г. Маҳкамова, З. Утешова, Ш. Убайдуллаев ва б.).

3. Диахроник лингвокультурология давр ўтиши билан халқларнинг лингвокультурологик ҳолатининг ривожланишини ўрганади (Н.Д. Арутюнова, Э. Бенвенист, Ю.С. Степанов).

4. Лингвокультурологик лексикография – шу соҳага оид луғатлар тузиш билан шуғулланади (Н.В. Чернова, Д.Г. Мальцева, В. Муравлева, Г.Д. Томахин, Х.Р. Раҳимов ва б.).

Лингвокультурологиянинг тадқиқот объектлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: лингвомамлакатшунослик лингвокультурологиянинг бир қисми бўлиб, қуйидаги масалалар билан шуғулланади: (1) муқобилсиз лексика ва хос сўзлар (реалия), (2) мифология, урф-одат, анъана, маросимлар, (3) метафора ва тилнинг тасвирий ва образли воситалари, (4) фразеологик бирликлар, (5) тилдаги эталон, стереотип ва рамзий воситалар, (6) нутқ маданияти, нутқ одоби (В. Воробьев, В. Маслова).

Ҳар бир халқнинг ўзига хос ҳаёт тарзи билан боғлиқ бўлган сўзларни қуйидагича таснифлаш мумкин: а) муайян географик ҳудуд (давлат, шаҳар, қишлоқ, кўча, майдон) номи билан боғлиқ хос сўзлар; б) этнографияга доир хос сўзлар: кийим-кечак, озиқ-овқат, урф-одат, тўй маросимлари ва б. (С. Флорин, С. Власов, И.К. Мирзаев).

Таржимонликка ихтисослашаётган талабалар оғзаки нутқини ўстириш бошқа фан ўқитувчисининг ҳам асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бўлғуси таржимон-талаба нутқини ўстириш тили ўрганилаётган мамлакат тили ва

маданиятини бир вақтда ўргатишдан бошланади.

Ҳар қандай таржима жараёни икки тил – икки маданиятнинг ўзаро мулоқотидир. Таржиманинг яхши бўлиши учун маданиятлараро мулоқот тўғри, холис талқин қилиниши керак.

Маданиятлараро мулоқот назарияси ва амалиёти қандай илмий соҳа эканлигига, унда қандай муаммолар тадқиқ этилиши хусусидаги масалаларга батафсилроқ тўхталмоқчимиз.

“Маданиятлараро мулоқот” тушунчаси ҳозирги кунга келиб педагогик, психологик, дидактик адабиётларда кўп қўлланилмоқда. Бу фанлар маданиятлараро мулоқот феноменини турли нуқтаи назардан тадқиқ қилади. Шу боис ҳам “маданиятлараро мулоқот” тушунчаси қўлланиш жиҳатидан фарқ қилиши мумкин. Таълимшунослик (лингводидактика)да “маданиятлараро мулоқот” ўзига хос тушунчани ифодаламақда.

Маданиятлараро мулоқот тушунчасини илмий жиҳатдан тўғри тасаввур этиш учун “Маданиятлараро мулоқот назарияси ва амалиёти” номи билан юритиб келинаётган янги соҳани, филология, маданиятшунослик, педагогика, психология, этнолингвистика фанлари билан алоқасини ўрганиш ва унинг мавқеини аниқлаш муҳим саналади. Ҳозирги кунга келиб, чет тилларни маданиятлараро мулоқот назарияси орқали ўрганиш ва ўргатиш ижобий натижаларга олиб келаётганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Бир қатор таржимашунос, тилшунос ва методист олимлар маданиятлараро мулоқот назарияси ва амалиёти соҳасини тилшуносликнинг махсус бўлими деб ҳисобласалар, бошқа бир гуруҳ олимлар уни педагогика таркибидаги махсус бўлим деб эътироф этишмоқда.

В.П. Фурмановнинг фикрича, таржима контекстида маданиятлараро мулоқот муомала жараёнида маданиятларнинг яқинлашуви бир маданият тасвиридан маданиятларни солиштириш, қиёслаш тасвирига ўтишдир.



Чунки бу жараёнда нуткий мулоқот турли маданият ва тилга мансуб кишилар ўртасида содир бўлади. Мулоқот жараёнида улар бир-бирларига, “бегона”, “нотаниш” эканликларини ҳис этиб турадилар.²

Бир мамлакатда турли маданият вакилларининг аҳил ва тинч-тотув яшашлари ҳақида Г.Д. Мальцева шундай ёзади: “Таржимонларни тайёрлаш шароитида талабаларни маданиятлараро ҳамкорликка тайёрлаш, уларни маданиятлараро мулоқотга ўргатиш, биринчидан, хорижий тилдаги турғун кодларни ўзлаштири олиш учун нуткий компетенция доирасидаги кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштириш, иккинчидан, турли маданиятга мансуб коммуникантлар билан учрашганда, уларнинг маданиятини интерференцияси тушунишлари учун респондент-суҳбатдошининг нуткий маданияти билан яқиндан таништириш орқали амалга оширилади. Хорижий тил ва маданиятни қиёслаб ўрганиш талабалар дунёқарашининг кенгайишига, тил хазинасининг ортишига хизмат қилади”.³

И.И. Халеева маданиятлараро мулоқот турли маданиятга ва тилга мансуб кишиларнинг ўзаро ҳамкорлигининг ўзига хос йиғиндиси, деб эътироф этади. Олиманинг ёзишича, шериклик, ҳамкорлик жараёнида турли маданиятга мансуб кишилар бир-бирларининг нафақат маданиятларидаги фарқни ҳис этиш, балки бир-бирларига “бегона”, “ёт”, “нотаниш” эканликларини ҳам ҳис қилиб турар эканлар.⁴

Маданиятлараро мулоқот назарияси ва амалиёти соҳаси айнан мана шу

коммуникантлар ўртасида бир-бирига нисбатан одатий бўлмаган ғайритабиийликни йўқотиш, олиб ташлаш муаммолари устида илмий тадқиқотлар олиб боришни ўзига мақсад қилиб қўяди. Фикримизча, маданиятлар ўртасидаги диалог иштирокчилари, турли маданиятга оид шахслар бўлганлиги боис, улар ўзаро тасаввурлари, ғоялари, қизиқишлари билан ўртоқлашиш, фикр алмашиш жараёнида ўз миллий маданияти орқали қўлга киритган маънавий бойликларини намойиш этадилар ҳамда уни бойитиб борадилар. Чет тил дарслари орқали ўқувчиларни маданиятлараро мулоқот жараёнига тайёрлар эканмиз, ўрганилаётган хорижий тил, янги маданият, уларнинг нафақат дунёқарашига, шу билан бирга, билим, идрок, хотираларини кенгайтиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблаймиз.

Маданиятлараро мулоқот йўналишининг АҚШда пайдо бўлишига, америкалик сиёсатдонлар, дипломат ва ишбилармонларнинг бегона тил ва маданиятга мансуб ҳамкорлар билан турли муаммоларни ҳал қилишда юзага келадиган зарурат туртки бўлган.

1946 йилда америкалик олим Эдуард Холл раҳбарлигида “Хорижда хизмат кўрсатиш институти” (Foreign Service Institute)нинг ташкил этилиши бу фаннинг янада ривожланишига олиб келди. 1959 йилда Э. Холлнинг “The Silent Language” китоби нашр қилинди ва у маданиятлараро мулоқотни ўргатишда дастур вазифасини ўтади. Э. Холл асарида маданият ва мулоқотнинг ўзаро алоқасини батафсил ёритиб беришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, чет тил ўқитувчиси ўз ўқувчиларига лингвистик компетенцияси доирасида тил материали (лексика, грамматика, фонетика)ни ўргатиш жараёнида нафақат уларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, шу билан бир вақтда, тили ўрганилаётган мамлакат(лар) маданияти билан яқиндан таништириш имконига эга бўлади.⁵

² В.П. Фурманов. Межкультурная коммуникация и лингвокультуроведение в теории и практике обучения иностранным языкам. - Саранск, 1993. 124 с.

³ Д.Г. Мальцева. Фразеологические единицы немецкого языка в лингвострановедческом аспекте и проблемы перевода: методическое пособие. М.: Всероссийский центр переводов, 1993. 136 с.

⁴ И.И. Халеева. Интеркультура - третье измерение межкультурного взаимодействия? // Актуальные проблемы межкультурной коммуникации. М.: МГЛУ, 1999. С. 5-15

⁵ A. Hall. The Silent Language. - NY. 1959.



Олимнинг ғояларини К. Клакхон, Ф. Стродбек, Л. Самовар, Р. Портерлар янада ривожлантиришди. К. Клакхон ва Ф. Стродбек шахсларнинг маданиятини, яъни инсон табиати (the human orientation), вақтга бўлган муносабати (the time orientation) ҳамда актив ва пассив томонлари (the activity orientation)ни ўрганганлар.

Яна бир йўналиш намояндалари Л. Самовар ва Р. Портер вербал ва новербал мулоқот билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этганлар.

Маданиятлараро мулоқот назарияси Германияда ҳам ўзига хос тарзда шаклланган. 1966 йили Берлинда бўлиб ўтган илмий симпозиум ташкилотчилари фанга янги йўналиш-маданиятлараро мулоқот кириб келаётгани, унинг амалий аҳамияти тўғрисида маълумот бергандилар. Шундан бери Германияда маданиятлараро мулоқот йўналиши бўйича катор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Натижада чет тил таълимини мамлакатшунослик ва маданият тўғрисидаги энг охириги маълумотлар билан боғлаб олиб боришга катта эътибор берилди бошланди.

Маданиятлараро мулоқот назарияси ва амалиёти “Маданиятлараро германистика” соҳасининг мақсад ва вазибалари, унинг асосий мазмуни ва ўрганадиган асосий масалалари тўғрисида Байрот университети профессори А. Вийрлахер (A. Wierlacher) шундай ёзади: “Бизнинг университет инсонлар ўртасида содир бўладиган ва сеҳрли “коммуникация” сўзи билан аталадиган, мураккаб жараёни ўрганади. Университет ўз олдида иқтисодий глобаллашув жараёнида турли маданият ва тилга мансуб шерикларнинг ҳамкорликда фаолият олиб боришлари, бир заминда яшашлари, ўзаро фикрлари, тасаввурлари, ҳис-туйғулари билан ўртоқлашиш, алмашиш жараёни ҳамда улар ўртасидаги ижобий муносабатни ўрганиш, яъни коммуникантлар ўртасидаги бир-бирига нисбатан одатий бўлмаган ғайритабиийликни йўқотиш муаммолари

устиди илмий тадқиқотлар олиб боришни асосий мақсад қилиб қўйган.”⁶

Таъкидлаш жоизки, германиялик тилшунослар томонидан маданиятлараро мулоқот доирасида олиб борилган ишларнинг кўп қисмини умумназарий масалаларга бағишланган тадқиқотлар ташкил этади.

Профессор А. Вийрлахер раҳбарлигида яратилган “Немис тили чет тил сифатидаги фан” деб аталган асар кейинчалик маданиятлараро мулоқот соҳаси учун илк ўқув қўлланма сифатида тавсия қилинди ва маданиятлараро мулоқот, мамлакатшунослик, хушмуомалалик, диний бағрикенглик, мурувватлилиқ муаммоларини ёритувчи рисоалар чоп этила бошланди.

XX аср охирига келиб, маданиятлараро дидактиканинг прагматик жиҳатлари фанда чуқур ўрганила бошланди. Олимлар маданиятлараро дидактиканинг ижтимоий ва маданий аҳволини ўрганиб чиқар эканлар, маданиятлараро дидактика педагогиканинг талабларини бажаришдан ташқари, маданий, сиёсий ва иқтисодий мавқега эга эканлигини ҳам батафсил ёритиб берадилар. Уларнинг фикрича, прагматик, таълимга йўналтирилган дидактика мақсади бировнинг конкрет фикрига эмас, балки ўзи мустақил фикр юрита олиш компетенциясини ривожлантиришга қаратилиши зарур.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда бугунги кунга келиб, чет тилни бўлғуси таржимон тайёрловчи восита сифатида ўрганиш, яъни грамматик категорияларни эгаллаш, яхши таржимон бўлиш учун тили ўрганилаётган мамлакат вакили билан мулоқот қилишнинг ўзи етарли бўлмай қолади. Чет тил дарслари самарадорлигини ошириш дарсларда мамлакатшуносликка оид материаллардан кенг фойдаланишни тақозо эта бошлади. Шу ўринда таълим жараёнига Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш,

⁶ A. Wierlacher. Zur Kulturspezifität interkultureller Kommunikation // Jahrbuch Deutsch als Fremdsprache. 1992. - № 18. - S. 157- 169.



Ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги
умумэтироф этилган халқаро меъёрлар
(CEFR – Common European Framework of
Reference) ва Ўзбекистон

Республикасининг узлуксиз таълим
tizимида чет тилларни ўрганишга
қўйиладиган талаблар татбиқ этилди.

Адабиётлар:

1. Л. К.Латышев., В.И. Провоторов. Структура и содержание подготовки переводчиков в языковом вузе. М. - Курск: НВИ-Тезаурус, 2001. 135 с.
2. В.С. Библер. Кант – Галилей – Кант. Разум Нового времени в парадоксах самообоснования. М., 1991.
3. В.П. Фурманов. Межкультурная коммуникация и лингвокультуроведение в теории и практике обучения иностранным языкам. - Саранск, 1993. 124 с.
4. Д.Г. Мальцева. Фразеологические единицы немецкого языка в лингвострановедческом аспекте и проблемы перевода: методическое пособие. М.: Всероссийский центр переводов, 1993. 136 с.
5. И.И. Халеева. Интеркультура - третье измерение межкультурного взаимодействия? // Актуальные проблемы межкультурной коммуникации. М.: МГЛУ, 1999. С. 5-15
6. A. Hall. The Silent Language. - NY. 1959.
7. A. Wierlacher. Zur Kulturspezifik interkultureller Kommunikation // Jahrbuch Deutsch als Fremdsprache. 1992. - № 18. - S. 157- 169.

Tuxtasinov I. Essential issues of training translation specialists in actual stage of social development. The article considers the necessity of training high skilled specialists as well as the main problems of training translation specialists in actual stage of social history developing. Also the article summarizes general questions on theoretical and practical competence of translators in the sphere of intercultural dialogues.

Тухтасинов И. Вопросы подготовки переводчиков на современном этапе общественного развития. В статье освещена потребность подготовки высококвалифицированных специалистов и актуальные проблемы подготовки переводчиков на современной стадии исторического развития. Также статья обобщает основные вопросы, касающиеся сферы межкультурного диалога переводчиков.



ЯНА НУТҚНИНГ МИНИМАЛ БИРЛИГИ ҲАҚИДА ЁКИ ГАП ВА ЖУМЛА МАСАЛАСИ ХУСУСИДА

*Хайруллаев Хуршид,
СамДЧТИ доценти*

Таянч сўзлар: сатҳ, тил бирлиги, нутқ бирлиги, иерархик муносабат, тил, нутқ, парадигматик муносабат, синтагматик муносабат.

Ф.де Соссюр томонидан илмий асослаб берилган “Тил ва нутқ” дихотомияси лингвистик бирликларни - тил ва нутқ бирликларини классификация қилишда ниҳоятда муҳимдир. Мазкур назария бугунги кунда ҳам ана шундай аҳамият касб этмоқда. Лингвистик бирликларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатлари билан бир қаторда иерархик муносабат ҳам айнан “Тил ва нутқ” дихотомияси қонуниятларига асосланган ҳолда тавсифланиши лозим. Зеро, ҳар қандай бирлик ўз лингвистик мақомига эга бўлишида мазкур назариянинг ўрни бекиёсдир. Қуйида ушбу назариянинг аҳамиятини гап ва унинг лингвистик мақомини белгилаш билан боғлиқ айрим масалалар ечими мисолида ёритишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, нутқ лингвистикаси ҳақида баҳслар кескин тус олган бугунги кунда нутқ бирликларига нималар киради, деган савол долзарб бўлиб қолмоқда. Мазкур савол жавобини гап тушунчасидан бошлашга тўғри келади, чунки у нутқнинг асосий бирлигидир. Бироқ гап аксарият ишларда тил бирлиги сифатида тавсифланади. Гапни В.Г.Гак тилнинг минимал коммуникатив бирлиги сифатида тавсифлайди [Гак В.Г. 1981:58].

В.И.Кодухов уни тилнинг синтактик сатҳи бирлиги деб кўрсатади [Кодухов В.И.1974:142]. В.А.Кочергина унинг модели, формуласига устуворлик қаратиб, тил бирлиги деб тавсифлайди [Кочергина В.А. 1979:178]. А.Нурмонов уни асосий синтактик бирлик тарзида тавсифлайди ва синтактик бирликларни эса тил бирликлари деб атайди [Маҳмудов Н., Нурмонов А.1995: 8-9].

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, тил системасида тайёр ҳолдаги гаплар йўқ. Чунки гап коммуникатив жараёнда шаклланади. Рус тилшунослигидаги Ф.Ф.Фортунатов, А.А.Шахматовлар ҳам гапни тафаккур ифодасини сўз орқали вокелантирувчи нутқ бирлиги деб таърифлаган эдилар [Синтаксис современного русского языка. 2008:68]. Мазкур мулоҳаза В.В.Виноградовнинг қуйидаги сўзларида янада аниқроқ ўз ифодасини топди: «Предложение—это грамматически оформленная по законам данного языка целостная единица речи» [Синтаксис современного русского языка. 2008: 68].

Америкалик тилшунос Л.Блумфилд ва француз тилшуноси Л.Теньер каби машҳур олимлар гапни «синтагматик муносабат занжири» деб атаганларида ҳақли эдилар [Синтаксис современного русского языка. 2008:69]. Бу ўринда гапнинг лингвистик мақоми янада асослироқ ўз ифодасини топганини кўраемиз.

Эмил Бенвенист тадқиқотларида эса бу нарса янада аниқроқ кўзга ташланади: «Гап нутққа тегишлидир. Айнан ана шу тарзда унинг мақомини аниқлаш мумкин: гап нутқ бирлигидир»[Бенвенист Э. 1974:140]. Олим гап ҳақида мулоҳаза юритганида уни бир пайтнинг ўзида ҳам маъно англатувчи, ҳам хабар (референция) берувчи тўлақонли бирлик сифатида тавсифлайди, унинг муайян муҳитга (ситуацияга) муносабати ҳам муҳим аҳамиятга эгаллигини алоҳида эслатиб ўтади. Бундан ташқари, гап орқали вокеланаётган нутқда тилнинг реал қўлланиши амалга ошишини таъкидлайди. Э.Бенвенист таълимотида яна шу нарса характерлики, олим гапнинг тил белгиси эмаслигини ва у бир неча белгилар



мажмуаси орқали, ёхуд биргина белги воситасида ҳам ифодаланиши мумкинлигини тўғри кўрсатиб бера олган [Бенвенист Э. 1974: 139-140].

Бизнингча, бу жуда муҳимдир, чунки гап тил белгиларининг нутқий фаоллик олиши учун объект вазифасида келади. Шу сабабли уни биз нутқ бирлиги деб атамоқдамиз. Агар у тил белгиси бўлганида, мазкур бирлик мақомини ололмаган бўларди. Ана шулардан келиб чиқиб, В.Г.Гакнинг жумлани (высказывание) тил белгиси тарзида талқин этиши масала тавсифини бирмунча мураккаблаштиради, деб ўйлаймиз [Гак В.Г. 1973: 353-355].

Нутқ лингвистикаси тилшунослик фанининг мустақил соҳаларидан бири сифатида том маънода шаклланаётган ҳозирги пайтда гапнинг лингвистик мақомини белгилаб олиш ўта муҳим аҳамият касб этиши изоҳ талаб қилмайди, албатта. Чунки гап нутқ бирлиги тарзида нутқ лингвистикасининг марказий унсури сифатида фаолият кўрсатади.

Шуни ҳам айтиш керакки, **жумла** тушунчасининг ноқулайлик томонлари ҳам бор. Буни биринчи галда унинг ҳажми ноаниқлигида кўраимиз. З.Харриснинг таъкидлашига кўра, жумла бир сўздан тортиб 600 бетлик романгача бўлган ҳажмда бўлиши мумкин [Харрис З. 1965:217-218]. Шу боис анъанавий тадқиқот ишларининг кўпчилигида **жумла** термини ҳажмига кўра **гап** термини орқали ифодаланувчи синтактик қурилмадан қарийб фарқланмайди. Улар ўртасидаги фарқ, В.Г. Гакнинг фикрича, гап билан жумла ўртасидаги фарқ асосан, қуйидагиларда кўзга ташланади: **гап** хабарнинг ички структураси билан (субъект, предикат) узвий боғланади, **жумла** эса хабарнинг воқеликка муносабатини акс эттиради ва бунда хабарнинг ростлиги, ёлғонлиги, зарурлиги, эҳтимоллиги ва ҳ.з. каби белгилар ўз ифодасини топади [Гак В.Г. 1973:349].

Назаримизда, бу ўринда ҳам айрим ноаниқликлар мавжуд кўринади, зотан, жумла орқали ифодаланувчи юқорида эслатиб ўтилган модаллик белгилари гап

шаклида ҳам воқеланиши мумкин. Ш.Балли: «Модаллик – бу гапнинг жонидир. ...Демак, жумлага, агар унда модаллик ифодаси бўлмаса, гап мақомини бериб бўлмайди», – деган эди [Балли Ш. 1955:44]. Ана шундай қараш С.Н.Кузнецовда ҳам кузатилади. Унинг фикрига кўра, субстантив ва феъл гуруҳларининг қўшилиши ҳали гап эмас, балки унинг протоструктурасидир. Мазкур структурани модаллик позицияси билан тўлдиргандагина гап шаклланади [Кузнецов С.Н. 1984:203]. Гап воқеликка муносабат билдиради. Фикримизча, юқоридаги В.Г.Гак мулоҳазасида ҳар иккала терминга ҳам айна пайтда тил нуқтаи назаридан эмас, балки мантиқий нуқтаи назардан ёндашилмоқда.

Умуман олганда, **жумла** тушунчасини юқорида эслатиб ўтилган дескриптив тилшуносликдаги маънода қўллаш асослидир. Шундай экан, ундан **гап** тушунчаси маъносиди ҳам фойдаланса бўлади. Ю.С.Степановнинг бу ҳақдаги фикри қуйидагича: «Агар ўта аниқлик талаб этилмаса, жумлани нутқда сезиларли паузалар орасидаги, ёзувда эса нуқталар орасидаги синтактик бутунлик тарзида белгилаш мумкин. Аксарият ҳолларда эса жумла гапга тенгдир» [Степанов Ю.С. 1983:8]. Албатта, бир сўзли, эллиптик (ноэллиптик эмас) ҳамда бошқа кўринишлардаги узук-юлук қурилмаларга нисбатан **жумла** термини кўпроқ мос келади. Бироқ нутқ материали таҳлилида уларнинг қайси бирини қўллаш масаласи, назаримизда, муҳим аҳамиятга эга эмас.

Юқорида баён этилган мулоҳазалар масаланинг бир томонини ташкил этади. Унинг иккинчи томони эса одатдаги синтактик таҳлил муаммоси билан боғлиқдир. Маълумки, Аристотель яшаган даврлардан бери гап синтактик режага кўра **субъект**, **предикат** терминлари доирасида таҳлил қилиниб келинмоқда. Ваҳоланки, мазкур терминлар грамматик тушунчаларни ифода эта олмайди. Улар мантиқий мақсадларни кўзда тутувчи тушунчалардир [Турниёзов Н., Хайруллаев Х. 2006:36]. И.Ф.Вардуль бу ҳақда мулоҳаза юритганида қуйидагиларни



таъкидлайди: «Маълумки, мазкур назария (гап бўлаклари ҳақидаги назария – Х.Х.) жиддий нуқсонларга эга. Уларни биринчи галда кўпгина тушунчаларнинг ноаниқлиги ва бир-бирига зидлигида кўрамиз» [Вардун И.Ф. 1977:189]. Бу эса ўз навбатида, гапнинг анъанавий синтактик таҳлили тамойиллари изоҳталаб эканлигидан далолат беради.

Айни пайтда шуни ҳам айтиш лозимки, кейинги пайтларда гапга тил бирлиги мақомини бериш мақсадида «структур схема» тушунчасини тадқиқотлар кун тартибига киритиш масаласи ҳам оммалашиб бормоқда.

Рус тилшунослигида «структур схема» тушунчаси дастлаб В.В.Виноградов томонидан истеъмолга киритилган эди. Бунда В.В.Виноградов ҳар қандай гапнинг ҳам асосида муайян грамматик шаклланиш намунаси (структур схемаси, предикатив асоси) ётишини назарда тутган эди. Масала тавсифига бу тарзда ёндашиш, албатта, гапни бир пайтнинг ўзида нутқ ва тил бирлиги сифатида эътироф этишга ундайди. Н.Ю.Шведова гапнинг структур схемаси ҳақида мулоҳаза юритганида В.В.Виноградовнинг ана шу фикрига таянади [Синтаксис современного русского языка. 2008:69].

Бундай мулоҳаза чех тилшуноси В.Матезиус томонидан ҳам айтилган эди: «Гапни тўлиғича нутққа тегишли деб бўлмайди. У ўзининг шаклий тузилишига кўра тилнинг грамматик системаси билан ҳам узвий боғлиқдир» [Матезиус В. 1967:237].

Гапнинг структур схемаси, албатта, биринчи галда минимал модель асосида изоҳланади. Буни икки хил тушуниш мумкин: 1. Предикатив бирлик сифатидаги формал характерли модель. 2. Мазмуний (семантик) жиҳатлар билан боғлиқ номинатив характерли модель [Современный русский язык. 1989:634-636]. Мазкур моделларнинг биринчиси, яъни гап шаклланишининг формал жиҳатлари билан боғлиқ модель изоҳ талаб қилмайди. Бироқ гап схемасини унинг мазмуний салмоғи билан боғловчи номинатив модель анъанавий гапнинг бош

бўлаклари сирасига тўлдирувчини ҳам киритишни талаб қилади [Современный русский язык.1989:636].

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, гапнинг «структур схемаси» тушунчаси нафақат назарий, балки амалий нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, тилшунослик фани таракқиётининг ҳозирги даврида компьютер техникаси ҳаётимиз мундарижасидан муносиб ўрин эгаллаб турган пайтда гапнинг схемаси масаласи устувор аҳамиятга эга. Зотан, компьютер техникаси гапнинг схемасига тааллуқли алгоритмларга катта эҳтиёж сезади. Бундан ташқари, систем-структур тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам гап моделларини, хусусан, унинг энг кичик қолипни белгилаш масаласи алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Фикр далилини биргина V – туб структура, $N + V$ – таянч структура, $N + X + V$, $X + N + V$ ва ҳ.к. – ҳосила структураларнинг дериватологияда ёки гапнинг энг кичик қолипни акс эттирувчи **WPm** формуласининг систем-структур йўналишдаги тадқиқотларда катта нуфузга эга эканлигида кўришимиз мумкин.

Равшанки, гапнинг схемаси ва умуман, тилшуносликда қўлланиладиган схемаларда символлар лотин алифбосидаги ҳарфлар билан белгиланади. Бошқача айтганда, жаҳон тилшунослигида схемаларнинг лотин алифбосидаги символлар воситасида ифодаланишидан асосий мақсад мазкур схемалардан умумий тилшунослик доирасида бир хилда фойдаланиш зарурати билан боғланади. Масалан, **Adj** формуласининг сифатга, **Adv** формуласининг равишга ёки **c** ва **d** символларининг ёрдамчи (детерминатив) воситаларга тааллуқли эканлиги барча тилларда бир хил аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, схемаларнинг баъзилари (масалан, **Adj**, **Adv**, **c**, **d** ва ҳ.к) тил бирликларини, айримлари эса нутқ бирликларини (масалан, $N XV$, SVO , SOV ва ҳ.к) тақозо этади. Бу, албатта, схема орқали акс эттирилаётган бирликнинг лингвистик мақоми билан узвий боғланади.



Юқоридагилар билан бир қаторда яна шу нарса характерлики, нутқ бирликларининг формуласини тақозо этувчи схемаларнинг мавжудлиги ва қўлланилиши инсон омили билан узвий боғлиқдир. Мазкур схемалар муайян тилда сўзлашувчи кишининг кўп йиллик сўзлашув тажрибаси ва нутқий кўникмаси маҳсули сифатида унинг онгида яшайди. Тил системасида эса бу тарздаги схемалар мавжуд эмас. Демак, схемалар (албатта, бу ўринда гап схемаси назарда тутилмоқда) инсон омили орқали тилга кўчирилади. Инсон омили эса ўз навбатида, прагматик восита саналади, унинг тил системаси ичида ўрни йўқ. Масала тавсифига когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашилса, мазкур воқелик изоҳ талаб қилмайди. Ана шуларни эътиборга оладиган бўлсак, назаримизда, гапнинг схемасини тил бирлиги сифатида тушуниш гоёси шубҳа остида қолади.

Умуман олганда, машҳур тилшунос олимлар Ф.де Соссюр, А.А.Шахматов, Ф.Ф.Фортунатов, Л.Блумфилд, Л.Теньер, В.В.Виноградов, Э.Бенвенист, А.И.Смирницкийлар гапнинг нутқ бирлиги эканлигини мукамал изоҳлаб берганликларига қарамай, уни гоҳ тил ва нутқ бирлиги деб аташ, гоҳ унга соф тил бирлиги мақомини бериш масала моҳиятини чигаллаштиради, холос. Шу боис гапнинг структур схемасини ҳам, назаримизда, нутқ жараёни билан, унинг шаклланиши билан боғлаб ўрганиш мақсадга мувофиқроқ бўларди.

Бу ўринда яна шуни ҳам алоҳида таъкидламоқ керакки, тилшунослик фанининг ҳозирги тараққиёти даврида, агар таъбир жоиз бўлса, Соссюр башорат қилган «Тил ва нутқ» дихотомиясининг ҳар икки қирраси ҳам ўз мақомига тўлиқ эга бўлди дейиш мумкин. Нутқ лингвистикасининг илмий асосланганлиги эса кўпгина масалалар талқинига фақат

тил ҳодисаси нуқтаи назаридан ёндашишга монелик қилиши табиийдир.

Дарҳақиқат, гапнинг нутқ бирлиги эканлиги бугунги кунда синтактик қурилмалар таҳлиliga бошқача ёндашишни тақозо этмоқда. Иккинчи томондан эса нутқ лингвистикаси тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида эндигина оёққа турмоқда [Савченко А.Н. 1986:62-73]. Шу боис унинг таҳлил усуллари ҳам ҳали ишлаб чиқилгани йўқ. Одатдаги синтактик таҳлил усули, албатта, нутқ материали учун яроқсиздир. Демак, ҳозирги тилшуносликда нутқ бирликлари таҳлили усулларини илмий асослаш кечиктириб бўлмайдиган ўта долзарб масалалардандир. Фикримиз далилини Ю.В.Ванниковнинг куйидаги сўзларида кузатиш мумкин: «Понятие предложения как предмета лингвистического исследования может быть сформулировано лишь после решения вопроса о принципах лингвистической организации речевого материала, о соотношении различных аспектов его организации» [Ванников Ю.Н. 1979:12].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нутқ бирликлари ва уларни белгилаш масаласи тилшунослигимизда тадқиқотлар кун тартибига ҳали ҳам том маънода қўйилгани йўқ, мавжуд баъзи ишларда эса масала тавсифи чегараси гапдан нари ўта олмаяпти. Тўғри, гап нутқ бирлиги сифатида алоҳида сатҳни ташкил этади. Бироқ нутқнинг гапдан катта бирликлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири нутқнинг лингвистик табиати нуқтаи назаридан изоҳланмоғи лозим деб ўйлаймиз. Бу борада ҳам «Тил ва нутқ» дихотомияси қонуниятларига изчил амал қилиш, назаримизда, кутилаётган натижанинг аниқ ва тўғри бўлишига эришишда мустақкам таянч вазифасини ўташи шубҳасиздир.

Адабиётлар:

1. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка.–М.: Изд. иност. литературы, 1955, - С.416.
2. Бенвенист Э. Общая лингвистика.–М.: Прогресс, 1974, - С.447.



3. Ванников Ю.Н. Синтаксис речи и синтаксические особенности русской речи. – М.: Русский язык, 1979, - С. 295.
4. Вардуль И.Ф. Основы описательной лингвистики (синтаксис и супрасинтаксис). –М.: Наука, 1977, - С. 351.
5. Гак В.Г. Высказывание и ситуация// Проблемы структурной лингвистики -1972. –М., 1973.-С.353-355.
6. Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. –М.: Высшая школа, 1981, - С. 208.
7. Кодухов В.И. Общее языкознание.–М.: Высшая школа, 1974, - С.303.
8. Кочергина В.А. Введение в языковедение. Основы фонетики-фонологии. Грамматика. –М.: Изд. МГУ, 1979, - С. 208.
9. Кузнецов С.Н. Теоретическая грамматика датского языка. Синтаксис. –М.: Наука, 1984, - С. 224.
10. Матезиус В. О системном грамматическом анализе// Пражский лингвистический кружок. – М., 1967.- С. 559.
11. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 228 б.
12. Савченко А.Н. Лингвистика речи // Вопросы языкознания, 1986, №3.-С.62-73.
13. Синтаксис современного русского языка. –Санкт-Петербург, 2008, - С. 345.
14. Современный русский язык. –М.: Высшая школа, 1989, - С. 800.
15. Степанов Ю.С. В мире семиотики // Семиотика. –М., 1983.
16. Турниёзов Н., Хайруллаев Х. Нутқ лингвистикаси ва у билан боғлиқ баъзи масалаларга доир // Қиёсий тилшунослик: анъаналар ва истиқбол. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. –Самарқанд, 2006, 35-36 б.
17. Харрис З. Метод в структуральной лингвистике. В кн.: Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях, ч. II. –М., 1965. -С. 217-218.

Хайруллаев Х. К вопросу о минимальной единице речи (предложение и высказывание). В данной статье особое внимание уделяется классификации лингвистических единиц. В представленной классификации в качестве минимальной единицы речи рассматривается предложение. Научная разработка обосновывается дихотомией «язык и речь», которая основывается на парадигматических и синтагматических условиях речевого акта. Источником является обзор научной литературы.

Xayrullayev X. On the question of the minimum unit of speech (sentence and utterance). This article is devoted to classification of linguistic units. The sentence is considered as a minimum unit of speech in the presented classification. Scientific research is substantiated by the dichotomy "Language and Speech", which is based on the paradigmatic and syntagmatic conditions of the speech act. The source is scientific literature.



ГРАДУОНИМ КОМПОНЕНТЛИ ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ МУҚОБИЛЛАРИ

Джумабаева Ж.Ш.,

ЎзМУ фил.ф.д., доц.,

Абдуллаева Н.Э.,

ЎзМУ таянч докторанти

Калит сўзлар: градуонимия ҳодисаси, семантик ҳамда стилистик, синонимия, антонимия, омонимия, полисемия, гипонимия.

Тилнинг мураккаб бирликларидан бири бўлган мақол ўзига хос хусусиятлари билан бошқа фразеологик birlikлардан ажралиб туради. Бошқа тил birlikларида айнан мақолдаги каби семантик хилма-хиллик, халқ маданиятини яққол ўзида намоён қилувчи культуремаларнинг мавжудлиги, стилистик бўёқдорлик ва лингводидактик хусусиятларни учратиш қийин десак хато бўлмайди. Мақол жаҳон тилшунослигида кўплаб илмий тадқиқот ишларининг объекти бўлган ва унинг семантик, стилистик, структур ҳамда лингвомаданий хусусиятлари ўрганилган ва ҳали-ҳануз ўрганилмоқда. Лекин мақолларнинг таркибидаги градуонимик муносабатлар янги мавзу бўлиб, мазкур мақолада ушбу мавзу ўзбек халқ мақоллари таркибида мавжуд градуонимик муносабатлар ва уларнинг инглиз тилидаги эквивалентлари мисолида кўриб чиқилади.

Ўзбек тили турли-туман мавзудаги мақолларга бой эканлиги профессор Ў.Қ.Юсупов [1] каби бир қанча тилшунос ва адабиётшуносларнинг ишларида таъкидлаб ўтилган. Ўзбек тилидаги мақолларнинг турли характердаги ва турли ҳажмдаги тўпламлари (Н.Остроумов (1895), Б.Раҳмонов (1924), Ш.Жўраев (1926), Ҳ.Зарифов (1939, 1947), Б.Каримов (1939), Ш.Ризаев, Ў.Азимов, Ў.Холматов (1941), М.Афзалов, С.Иброҳимов, С.Худойберганов (1958, 1960, 1965, 1978), Р.Жуманиёзов (1964, 1967, 1970), Э.Сиддиқов (1976, 1986), Б.Саримсоқов, И.Ҳаққулов, А.Мусоқулов, Р.Зарифов (1978), Б.Саримсоқов, А.Мусоқулов, М.Мадраҳимова (1981, 1984), Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов (1987, 1990, 2001), Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов,

А.Мусоқулов (1989) ва бошқалар), уларнинг бошқа (шу жумладан, инглиз, рус, форс, немис) тиллардаги муқобиллари билан бирга қилинган нашрлари (У.Повали (1975), Н.Гацунаева (1988), М.Содиқова (1993, 2005), К.М.Кароматова ва Ҳ.С.Кароматов (2000), Ш.Мирзо (2000), Ҳ.Иброҳим (2002), М.Абдусаматов, Ф.Хамидхонова (2006) ва бошқалар) чоп этилган бўлиб, бу тўпламлар ўзбек тилидаги кўплаб мақолларни ўз ичига қамраб олган. Ўзбек халқининг нутқида турли-туман мақолларни тез-тез учратамиз ва ҳар гал улардаги маъно бўёқдорликнинг такрорланмас кучини ҳис қиламиз.

Тилшунос олимлар Т.Мирзаев, А.Мусоқулов ва Б.Саримсоқов томонидан 2005 йил чоп этилган “Ўзбек халқ мақоллари” [2] тўпламининг қайта тўлдирилган нашрида ўзбек тилидаги мақоллар 70 га яқин мавзуларга ажратилган. Ушбу тўпламда 9 мингга яқин мақоллар жамланган бўлиб, ҳар бир мавзудаги мақоллар сони ҳисоблаб чиқилганда “яхшилик ва ёмонлик” мавзусида 470 та, “меҳнатсеварлик ва иш ёқмаслик” мавзусида 359 та, “донолик ва нодонлик” борасида 300 та, “оила ва қўшничилик” мавзусида 251 та, “фаросат ва фаросатсизлик” борасида 250 та, “эҳтиёт ва эҳтиётсизлик” мавзусида 241 та, “кадр-қиммат ва кадрсизлик” бўйича 234 та ва шу каби бошқа мавзуларда ҳам кўплаб мақоллар келтириб ўтилган бўлиб, мазкур мавзулар орасида “ғурур ва ҳушомад” мавзусига оид мақоллар 22 тани ташкил этади. Миқдор жиҳатидан кўп сонли мақолни ўзида қамраб олган “яхшилик ва ёмонлик” мавзуси нафақат



Ўзбек тилида, балки бошқа тилларда ҳам кўплаб мақолларни ўзида бирлаштиради.

XX асрнинг бошланиши замонавий тилшуносликнинг янгидан-янги турли соҳаларининг пайдо бўлиши ва ривож топишига гувоҳ бўлди. Бунга, энг аввало, тилшуносликда эмпирик даврдан диалектик даврга ўтиш ҳолати сабаб бўлган бўлса, кейинги асосий сабаб бу – тилга мураккаб тизим сифатида қараш бўлиб, унга кўра тил бирликлари алоҳида бир-биридан ажратилган ҳолда эмас, балки улар ўзаро боғланишга эга лисоний бирликлар сифатида ўрганила бошланди. Мазкур ҳолат ўз навбатида, тилшунослик тадқиқотлари оқимини янги асос ва йўللарга – методологияга кўчирилиши учун сабаб бўлди.

Тилшуносликда лисоний бирликларнинг ўзаро лексик-семантик муносабатлари турли кўринишларга эга бўлиб (синонимия, антонимия, омонимия, полисемия, гипонимия ва бошқалар), мазкур парадигмаларда тил бирликлари уларнинг денотатив ва коннотатив семаларига таянган ҳолда классификация қилинади. Замонавий лингвистикада мазкур парадигмалар қаторига градуонимия (даражаланиш) парадигмасини ҳам қўшиб қўйиш вазифаси юклатилади. Даражаланиш ҳодисаси борлиқда турли-туман кўринишда мавжуд эканлиги гносеолог олимлар томонидан исбот қилинган. Буюк мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий ҳам ўз асарларида бир-бирига маънодош муносабатга эга бўлган сўзларнинг маъноларида белги даражасининг ортиб ёки камайиб боришини таъкидлаб ўтган ва мисоллар билан бу ҳолатни далиллаб берган.

Градуонимия (даражаланиш) илмий атамаси асосида лисоний бирликларнинг тилдаги маълум бир белгиси ошиб-камайиб боришига кўра зидланиши тушунилади. Ўзбек тилшунослигида ҳозир “градуонимия”, “градуонимик муносабат” ва “даражаланиш” атамалари деярли синонимлар сифатида қўлланилмоқда.

Градуаллик, маъно даражаланиши, градация каби мавзулар борасида жаҳон тилшунослигида М.Бирвич, М.Кресвел, Д.Болингер, С.Колесникова, С.Д.Кацнельсон, О.Еспероен, Ю.С.Степанов каби олимлар томонидан тадқиқот ишларида муайян ғоялар келтириб ўтилган.

Ўзбек тилшунослигида градуонимия мавзусига бағишланган тадқиқотлар XX асрнинг 70-йилларида бошланди (Ҳ.Неъматов, С.Ғиёсов каби тилшуносларнинг ишлари). Р.Сафарова (1990) ўз ишида даражаланишни илмий фараз сифатида берган бўлса, Ш.Ғ.Орифжонова (1996) ўзининг номзодлик ишида уни атрофлича тадқиқ қилиб, мазкур парадигманинг ўзига хос хусусиятларини очиб берди. О.Бозоровнинг докторлик диссертацияси (1996) [3] ҳам даражаланишни чуқур ўрганишга асос бўлиб хизмат қилди. Бундан ташқари мазкур мавзуда М.Нарзиева, Н.Воҳидова, Ж.Ш.Джумабаева ва яна бир нечта тилшунослар илмий изланишлар олиб борганлар. Хусусан, Ж.Ш.Джумабаеванинг “Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия” (2016) номли докторлик ишида мазкур ҳодиса икки тилда батафсил чоғиштирилди [4].

Градуонимия ҳодисаси нафақат тилнинг содда бўлақларида, балки мураккаб бирликларида ҳам мавжудлиги тилшунослик учун янги ҳодиса эмас. Фразеологизмларга оид семантик даражаланишлар Ш.Раҳматуллаев томонидан 60-йиллардаёқ алоҳида мавзу сифатида ўртага ташланди. Унинг фраземалар таҳлилига бағишланган ишида эмоциянинг кучли-кучсиз даража семасини ажратиш зарурати борлиги айтилиб, “*таъби хира*”, “*дили сиёҳ*”, “*бағри қон*” фразеологик бирликларнинг фарқларини хафалик белгисининг даражаланишларида эканлигини таъкидлаб ўтади [5]. Фразеологик бирликларнинг даражаланиш ҳодисаси ҳақида А.Абдуллаев, И.Расулов, О.Бозоров ва



Ж.Ш.Джумабаеванинг ишларида ҳам кузатиш мумкин.

Фразеологик бирлик сифатида мақоллар ҳам ўз таркибида градуонимик муносабатларни сақлайди. Айнан ўзбек тилида уларнинг миқдори 100 тадан кўп эканлиги тадқиқотимиз давомида ўз исботини топди.

Бирлашган дарё бўлар, тарқалган ирмоқ бўлар.

Ҳамжихатлик тўғрисидаги мазкур мақолда *дарё* ва *ирмоқ* сўзлари табиий сув ҳавзаларининг ҳажм белгиси семаси асосидаги градуонимик қаторнинг градуонимлари бўлиб, мазкур градуонимик қаторни қуйидагича келтириш мумкин: *кўл – ирмоқ – дарё – денгиз – океан.*

Ўт билан ўйнашмоқ тентакнинг иши, юрт билан ўйнашмоқ аҳмоқнинг иши.

Ушбу мақолда эса ақлан суслук даражасини ошиб бориши қаторидан (*гўсхўр – тентак – аҳмоқ – нодон*) жой олган *тентак* ва *аҳмоқ* градуонимларини кўриш мумкин.

Дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам қиши битмас.

Ёз бор, қиш бор, дангасада на иш бор.

Ёз бўйи ётар, қиш бўйи қотар.

Дангасалик ҳақидаги мазкур мақолларда *циклик (айланма) градуонимик қаторнинг* аъзолари қатнашган: *қиш – баҳор – ёз – куз*. Мазкур *циклик градуонимик қаторнинг* барча аъзолари юқорида келтириб ўтилган мақолларда кўрсатилмаган бўлсада, уларнинг мазмунидан тушиб қолган градуонимларни ҳам тушуниб олиш мумкин. Фасллар кетма-кет келиши сабабли уларнинг ҳар бирини келтириб ўтилиши шарт эмас, қишнинг келиши ундан кейин баҳор, ёзнинг келиши эса ундан сўнг куз келишини англатади ва мақолларда икки фаслнинг берилиши тўлиқ йилга тенг вақтни англата олади.

Қимирлаган қир ошар, тигизлаган тоғ ошар.

Бу мақолда ернинг баландлиги ошиб бориши бўйича даражаланган табиий ер ландшафти турларининг градуонимик

қатори аъзолари қатнашган: *баландлик – тепалик – қир – адир – тоғ – чўққи.*

Миқдорни билдирувчи сон сўз туркуми ўз ҳолича даражаланишни ўзида намоён қилади. Сонлар қатнашган мақоллар ўзбек тилида кўпчиликни ташкил этади:

Бир калнинг ҳийласи қирқ кишини чарчаттар.

Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи.

Ўғрининг ўзи – битта, кўзи – юзта.

Бирники мингга, мингники – туманга.

Яхши бир тавба қилади, ёмон – юз.

Минг ёвдан бир душман ёмон.

Мақоллар ўзида халқнинг маданиятини, урф-одатларини ва ўзига хос тушунчаларини намоён қилгани сабабли, уларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш жараёнида уларнинг иккинчи бир тилдаги муқобилини (эквивалентини) топиш таржима жараёнидан қутилган натижани бера олади. Ўз навбатида бирор-бир мақолнинг бошқа тилдаги муқобили унинг семантик, стилистик ва лингвопрагматик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танланади. Ўзбек тилидаги градуонимик муносабатларга эга мақолларнинг инглиз тилидаги муқобилларида ҳар доим ҳам градуонимлар мавжуд бўлавермайди. Буни юқорида кўриб чиқилган ўзбек мақолларининг инглиз тилидаги муқобиллари мисолида кўриш мумкин:

Бирлашган дарё бўлар, тарқалган ирмоқ бўлар. – Better lose a jest than a friend.

Ўт билан ўйнашмоқ тентакнинг иши, юрт билан ўйнашмоқ аҳмоқнинг иши. – Give a fool rope enough, and he will hang himself.

Дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам қиши битмас. – A lazy sheep thinks its wool heavy.

Ёз бор, қиш бор, дангасада на иш бор. – Idle folks lack no excuses.

Ёз бўйи ётар, қиш бўйи қотар. – Idleness rusts the mind.

Қимирлаган қир ошар, тигизлаган тоғ ошар. – No pain, no gain.



Бир калнинг хийласи қирқ кишини чарчатар. – One scabby sheep will mar a whole flock.

Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи. – A good dog deserves a good bone.

Ўғрининг ўзи – битта, кўзи – юзта. – A thief passes for a gentleman when stealing has made him rich.

Бирники мингга, мингники – туманга. – A drop of poison ruins the bottle of wine.

Яхши бир тавба қилади, ёмон – юз. – What is got over the devil's back is sent under his belly.

Минг ёвдан бир душман ёмон. – Of two evils choose the least.

От ясовчи морфемалар таржимаси ҳақида бевосита фикр юритишдан олдин

инглиз тилидаги от ясовчи морфемалар ҳақидаги маълумотларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Инглиз тилида энг қўлланиладиган от ясовчи морфемаларга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

-er, -or, -ar, -ist, -ian, -ing, -ment, -ion, -ism, -ess, -able, -al, -dom, -en, -ence, -hood, -ness, -ish, -ship, -th ва ҳоказо.

Морфеманинг маъноларига келсак улар отнинг сифати, ҳолати, жараённи, касб эгасини, йўналиш, соҳа ва шу каби маъноларни ифодалаш учун қўлланади.

Таржима бирлиги сифатида қабул қилинган морфема таримада доим ҳам морфема билан берилмаслиги мумкин. Бунга асосий сабаб, биринчидан, инглиз ва ўзбек тиллари қариндош бўлмаган тиллар сирасига кирса, иккинчидан, улар ўртасидаги типологик фарқлар ҳисобланади. Иккита қариндош бўлмаган, турли тизимли тиллардаги айни битта сўз туркуми, айни сўз туркумини ҳосил қиладиган морфемаларнинг фарқи таржимада турли грамматик муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Морфемаларнинг таржима бирлиги сифатида кўриш морфеманинг қайси турдаги жанр, матн ва услубдалигига боғлиқ бўлади.

Бунинг учун биз иккита турли услубга тегишли матнлардаги гапда қўлланган от морфемасига эга сўзлар таржимасини қараб чиқамиз.

Бизнинг фикримизча, бадий матн билан илмий матнда қўлланган морфемалар ёрдамида ясалган отлар таржимаси чоғиштириб чиқиш объектив хулосалар чиқариш имконини беради.



Масалан, инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинган қуйидаги мисолга мурожаат қилайлик:

If the machinery of the Law could be depended on to fathom every case of suspicious, and to conduct every process of inquiry, with moderate assistance only from the lubricating influences of oil of gold, the events which fill these pages might have claimed their share of the public attention in a Court of Justice. (Collins: 33)

Юқорида келтирилган парчада бизни тўртта сўз – **machinery, inquiry, assistance, attention** - эътиборимизни тортди.

Юқоридаги парчанинг таржимаси қуйидагича:

Агар қонун дастури ҳар бир шубҳали вазиятга чуқурроқ ёндашиб, масалага алоқадор шаҳодатларни жаранглаган олтинлар билан хаспўшлашга йўл қўймасдан олиб борилганда эди, ушбу саҳифаларда баён қилинган воқеалар адолат маҳкамасидаёқ эл қулоғига етган бўларди. (Коллинз: 7)

Матнда диққатимизни тортган тўртта сўз таржимасини кўриб чиқамиз. Аслиятдаги “**machinery**” сўзи – у морфемаси ёрдамида конкрет оддан ясалган мавҳум от ўзбек тилига дастур (форсча даст – «қўл» ҳамда – ур морфемасидан ясалган от) сўзи билан берилган. Аслиятдаги “**machinery**” сўзининг луғавий маъноси “қурол, аппарат, девон” бўлиб, сўз таржима тилида кўчма маънода қўлланган. Иккинчи сўз “**inquiry**” ҳам – у морфемаси ёрдамида феълдан от ясалган сўз бўлиб, у таржимада “эл қулоғига етган бўларди” деб фразеологик бирикма билан ўзбек тилига таржима қилинган. Учинчи “**assistance**” сўзи эса ўзбек тилида “хаспўшлаш” сўзи билан берилган. Инглизча сўзнинг луғавий маъноси “кўмак, ёрдам”. Бу ерда ҳам от сўз туркуми ҳаракат номи билан алмаштирилган. Сўнги тўртинчи от сўз туркумига кирувчи бирлик “**attention**” бирлиги бўлиб, у таржимада иккинчи сўзнинг бир элементи сифатида фразеологик бирликка сингдириб юборилган.

Инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишда грамматик муаммолардан бири инглиз тилидаги предлоглар ҳисобланади. Маълумки, герман тилларида предлогларнинг, туркий тилларда кўмакчиларнинг мавжудлиги, яъни уларнинг турли тизимли бўлиши таржимада муаммо сифатида қаралиши мумкин. Тадқиқотчи А.Сайфуллаев инглиз ва ўзбек тиллари материалида предлог ва кўмакчиларнинг номинатив-синтагматик ва типологик структуравий мақоми тадқиқотида юқорида тилга олинган грамматик ходисалар таржима нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқилган. Масалан, предлогли мажҳул нисбатдаги қурилмалар ўзбек тилига аниқлик майли орқали таржима қилиниши қурилманинг функциясига боғлиқлиги очиб берилган. Инглиз тилидаги **from** предлоги ўзбек тилига – лик сўз ясовчи қўшимчага мос келиши кўрсатиб ўтилган. Инглиз тилидаги **with** предлогининг биринчи луғавий маъноси ўзбек тилидаги *билан* боғловчисига тўғри келади. Энди мана шу маънони ўзбек тилидан инглиз тилига матнда таржимасини таҳлил қилиб кўрамиз. Қуйидаги мисолга эътиборингизни қаратамиз:

- Танишдиришдан сўнг Отабек билан қутидорнинг кўзлари бир-бирларига тез-тез учраша бошладилар. (Абдулла Қодирий *Ўткан кунлар*. – Тошкент, 2017. – 13-бет).

Инглизча таржимаси:

“Those attending were Hamid, Rahmat, and Hasan Ali as well as individuals previously introduced – all were assembled in Otabek’s honor”.¹⁵

Иккинчи таржимада:

“After getting acquainted with the guests? Otabek and Qutidor’s eyes met now and then.” (Edward Reese)¹⁶. Танланган

¹⁶ Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи америкалик ўзбек адабиётининг мухлиси Марк Эдвард Рис томонидан 2017 йилда инглиз тилига таржима қилинган. Юқорида унинг таржимаси қўлёмасидан таҳлил учун фойдаландик. Мазкур асарнинг И.Тухтасинов ва У. Йўлдошев томонидан ҳам 2017 йилда инглиз тилидаги таржимаси чоп



гапнинг биринчи таржимасида ўзбек тилидаги “билан” боғловчиси тушириб қолдирилган, иккинчи таржимада эса сақланган. Мана шу қисқа таржима таҳлилининг ўзи ўзбек тилидаги боғловчи таржимада сақланиши ёки таржимоннинг қўллаган усули натижасида сақланмаслиги мумкинлигини кўрсатади. Таржиманинг адекват бўлиши биринчи навбатда таржимоннинг тажрибаси ҳамда дунёқараши кенглигига, яъни таржима қилаётган мавзу билан боғлиқ бошқа қўшимча маълумотларга эга бўлиши муҳимдир.

Битта мақола доирасида таржиманинг грамматик муаммоларини бутунлай қамраб олишнинг имкони бўлмаганлиги учун ушбу муаммоларни санаб ўтиш билан кифояланамиз. Таржиманинг грамматик муаммоларига сўз тартиби, сўз туркумларини, пунктуацион белгиларни таржимада бериш, сўз ва сўз бирикмалари, турли гап бўлаклари, гап турлари ва бошқа қатор масалаларни санаб ўтиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, морфема таржима бирлиги сифатида аксарият ҳолларда илмий матнларда реал кўринади. Морфемалар бадий матнларда айрим ҳоллардагина таржима бирлиги сифатида намоён бўлиши мумкин. Бунга сабаб бадий услуб хусусиятлари, унда қўлланадиган ифодали сўзлар, миллий хос сўзлар, контекстуал маънога эга бўлган сўзлар ва ҳоказолар. Илмий матнларда морфема таржима бирлиги сифатида аниқ намоён бўлади. Чунки илмий матнларда асосан терминлар қўланади. Терминлар одатда бир маъноли, лотин ва юнон тилидан кириб келган, улардаги морфемалар сони ва функциялари аниқ. Илмий матнларда аксарият ҳолларда от ясовчи морфемалар терминлар таркибида аниқ ажралиб туради. Бундан ташқари терминлар таржимасида калькаш, транскрипция ҳамда транслитерация таржима методидан фойдаланилади. Бу методлар лотин ва грек

тилларидан кирган сўзларни (терминларни) морфемалари билан бирга беришни тақозо этади. Демак, морфеманинг таржима бирлиги сифатида қўлланиши матн тури ва услубига бевосита боғлиқ экан.

этилган. Маълумотларга кўра, ҳозир Абдулла Қодирийнинг бу машҳур асари Туркия ва Германияда ҳам инглиз тилига таржима қилинган.



Адабиётлар:

1. Абдулла Қодирий Ўткан кунлар. Роман. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. -Тошкент, 2017. – 392 б.
2. Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М.: Международные отношения, 1973.
3. Вилки Коллинз Оқ кийинган аёл: роман / Вилки Коллинз; инглиз тилидан А.Иминов таржимаси. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, - 2010. – 652 б. Collins, Wilkie The Woman in White. Edited with an Introduction and notes by Julian Symons. Penguin Books. Made and printed in Great Britain, 1974/ - 658 p.

Камбаров Н., Суннатиллаев О. Грамматические проблемы перевода. Данная статья посвящена изучению грамматических проблем перевода на примере английского и узбекского языков. Описываются лингвистические проблемы перевода на морфологическом уровне, где морфема рассматривается как единица перевода.

Kambarov N., Sunnatillayev O. Grammatical problems of translation. The present article is devoted to studying grammatical problems of translation in the example of the English-Uzbek and Uzbek-English languages. Grammatical problems of translation are studied on morphological level where a morpheme is considered as a translation unit.



ТАРЖИМАДА РОМАНТИК ДУНЁ ПОЭТИКАСИНИНГ ҚАЙТА ЯРАТИЛИШИ

Кенжаев Аваз,

СамДЧТИ таянч докторантура (PhD)1-босқич докторанти

Калит сўзлар: таржима, романтизм, романтик дунё, поэтика, байронона поэма, мутаржим, қайта яратиш, мисра, аслият, озодлик, инсоннинг руҳий қарамлиги, ёввойи табиат.

Кўплаб рус шоирлари Андре Шенье, С.Кольридж, В.Гюгонинг романтизм руҳида ёзилган асарлари ва байронизмнинг эрксевар ғоялари билан В.А.Жуковский ҳамда А.С.Пушкин ижоди орқали танишганликлари каби ўзбек шоирлари ҳам илк бора Пушкин романтик поэмалари таъсирида европа романтизмидан баҳраманд бўлдилар.

Б.В.Томашевский шундай ёзади: «Пушкиннинг жануб дostonлари таъсирида рус адабиётида байронона поэма жанри пайдо бўлди, шу билан бирга мазкур дostonларнинг Байрон ижодига боғлиқлик даражаси кўпчилик ҳолларда улардаги мавжуд бўлган байронона ўзлашмалар ҳиссаси билан белгиланади. Узок вақт рус байронизми инглиз тилидаги асл нусхадан келиб чиқмаган ҳолда фавкулотда Пушкин ўзлаштирган романтик поэтика унсурлари билан озикланиди».

Аммо тез орада шу нарса маълум бўлдики бу таққослаш Байрон ва Пушкин ижодида катта фарқ борлигини очиб ташлади. Аввал бошданок Пушкин устозига нисбатан ички қаршилик ва кураш ҳисси билан Байрон мактабига боғланган эди. Айниқса, уларнинг асарларидаги ўша биз билган ташқи ўхшашликлар бу асарларнинг бадиий моҳияти ҳамда услубида ўзгача кўриниб турувчи фарқ борлигини кўрсатиб берди. Пушкин йўли Байроннинг романтик субъективизмидан унинг кейинги асарларида кузатиладиган мукамал холис реалистик маҳоратга олиб келди. Пушкиннинг эпик жанрдаги, аввало, «Полтава» ҳамда «Евгений Онегин» асарлари ва Байроннинг шоирлик сифатига берилган танқидий фикр-мулоҳазалари бунга далилдир.

Б.В.Томашевскийнинг фикрини тасдиқлаб рус романтизмнинг тадқиқотчиларидан бири Е.А.Маймин шундай ёзади: «Русий ва байронона руҳи билан ажралиб турувчи «Эда» поэмаси муаллифи, Баратынский, шубҳасиз, «Кавказ асири» ҳамда «Бокчасарой фонтани» поэмалари таъсирида ижод қилди. Кейинчалик Пушкиннинг жануб поэмалари, энг аввало, «Кавказ асири» таъсирида Лермонтовнинг нафақат ўсмирлик даврида ёзилган, балки кейинчалик кўплаб поэмалари яратилди».

XIX асрнинг 20-йилларида Европанинг барча адабий жанрларида байронизм даврининг илғор кишилари ақли ҳамда юракларини уйғотадиган нафақат жўшқин адабий, балки ижтимоий воқеликлардан бирига айланди. Бу хусусда Пушкиннинг дўсти, унинг шеърияти ихлосмандларидан бири П.Вяземский шундай ёзади: «Афтидан, бизнинг замонамизда романистлар В.Скотт каби, шоирлар Байрон каби ижод қилишлари шартдек туюлади. Истеъдод қанчалик асл ва буюк бўлмасин фаолият соҳаси ҳамда танланган йўли маълум восита ва вазиятга қараб уларнинг ихтиёридадир». П.Вяземский жаҳон шеъриятини четлаб ўтишни истовчи баъзи танқидчиларнинг сохта ватанпарварлигига жавобан шундай дейди: «Бизга тажриба, бағишловлар керак: биз учун йўқотишлар эмас, балки тўхтаб қолиш, бир жойда қотиб қолиш хавфлидир». Шу маънода у «Кавказ асири» поэмасини камолот чўққисига чиққан асар деб ҳисобламаса-да қизгин кутиб олди. «Мазкур асарнинг мазмуни жуда оддий, балки ғоят табиий – деб ёзади П.Вяземский, - ўқувчи учун унинг баён услуби жуда қизиқарли, аммо таъсири унчалик эмас. Муаллиф поэманинг



драматик қисмига кўпроқ тўқималар илова қилганида у янада мукамалроқ ҳамда кизиқарлироқ бўлар эди».

Ўзаро чуқур ҳурматга асосланган пок ва беғубор дўстликни мадҳ этиш романтик поэманинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Пушкиннинг илк романтик поэмаси – «Кавказ асири», шоирнинг энг яқин дўстларидан бири Н.Н.Раевскийга бағишланади. Поэманинг бағишлов қисмида дўстига қарата Пушкин шундай ёзади:

*Тебе я посвятил изгнанной лиры
пенье
И вдохновенный свой досуг.
Когда я погибал, безвинный,
безотрадный,
И шепот клеветы внимал со всех
сторон,
Когда кинжал измены хладный,
Когда любви тяжёлый сон
Меня терзали и мертвили,
Я близ тебя ещё спокойство
находил;
Я сердцем отдыхал – друг друга мы
любили.
И бури надо мной свирепость
утомили,
Я в мирной пристани богов
благословил.*

Поэма муаллифининг дўстлик туйғуларини барча нозик ранглари-ю жилоларини мутаржим томонидан таржимада моҳирона қайта тикланганлиги ғоят муҳим маъно касб этади. Ўзбек лирик шоири Ҳамид Олимжон рус шеърляти даҳосининг романтик ҳис-туйғуларига эҳтиром ила ёндашиб бу сатрларни ўз она тилида мафтункор янграшига муваффақ бўлди:

*Бағишладим сенга қувгин сознинг
сасини
Ва илҳомда ширин ўтган
дамларимни мен.
Мен бегуноҳ, қайгу ичра бўларкан
ҳалок,
Чор атрофда кезар экан гийбат ва
бўхтон,
Хиёнатнинг ханжарлари дилни
этиб чок,*

*Муҳаббатнинг оғир туши мени
беомон
Ҳалокатга судраб қийнаб сўраганда
жон,
Мен ёнингда ором топиб яшардим
бедод;
Биз дўст эдик – топиб қалбим
сендан тасалло:
Узоқлашар эди бошда қутурган
бало,
Этдим нажот соҳилида
тангриларни ёд.*

Манбалардан маълумки, Раевскийлар оиласи билан буюк шоирнинг борди-келди ришталари жуда самимий эди. Раевскийлар унга ҳамиша хайрихоҳлик ва меҳрибонлик билан муносабатда бўлар ҳамда оғир дамларда қўллаб-қувватлар эдилар. Раевскийларнинг кичкина кизи Мария Николаевнанинг гўзаллиги-ю ақлу одоби Пушкинни жозибатор асарлар яратишга илҳомлантирарди. Шоирнинг энг сара шеърларидан кўпгинаси («Не пой красавица при мне», «На холмах Грузии...», «Редет облаков летучая гряда», «Буря» ва бошқалар) унинг номи билан боғлиқ. Н.Н.Раевский ва унинг синглиси билан бўлган бу самимий дўстлик шоир ҳаётининг сўнгги дамларигача давом этди ва чуқур маънавий илдизларга эга эди. Кавказ асири поэмасининг бағишлов қисмида Пушкин кўтаринки руҳдаги сатрларда дўсти билан фахрланиш туйғуларини ифода этади:

*Мы в жизни розно шли: в объятиях
покоя
Едва, едва расцвел и вслед отца-
героя
В поля кровавые, под тучи вражьих
стрел,
Младенец избранный, ты гордо
полетел.*

Ана шу бандда мавжуд бўлган ҳар бир сўзнинг нозик маънолари ўзбекча таржимада тўлалигича сақланганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга бутун банднинг ва айниқса «мы в жизни розно шли» жумласининг мазмуни бир қадар кучайтирилади; айнан шу нарса «в объятиях покоя» жумласида ҳам кузатилади.



*Ҳар хил йўллар билан кетдик бу
ҳаётда,
Сен фароғат қучоғида сал топиб
камол,
Яшнадинг-ку – ботир отанг изидан
дарҳол
Ёв ўқининг булутлари остида
парвоз
Эта кирдинг қон чўллари ичра, эй
шоввоз,
Сен орзулар вафодори ва азиз
қурбон...*

Аслият маъносининг нозик оҳанглари билан қайта яратилиши, банднинг ҳар бир деталининг мукамаллиги, ҳамда она тилининг поэтик равшанлиги ва маънодорлиги ўзбек ўқувчисини ҳайратда қолдиради. Айниқса, «орзулар вафодори» жумласининг маъноси жуда яхши берилган. Агар ушбу ифода бошқа ҳолатда қўлланганда эди, у нотабиий манзара касб этар эди. Бу сатрда эса «орзулар вафодори» ибораси чуқур маъно касб этади: ватандошлари катта умид ва ишончлар боғлаган кимса уни оқлаши зарур, лекин, афсус бундай ишончлар оқланмайди. Бу ерда орзулар вафодори – таржимон томонидан жуда мос ўгирилган нодир эпитетдир.

*Мечты знакомые, знакомые
страданья
И тайный глас души моей*

сатрларининг таржимаси эса (Ҳамда менинг бу руҳимнинг сир тўла зори) ўзбек тилида жозибадор жаранглайди ва ғамгин кўнгилнинг туганмас қайғусини ёрқин ифода этади.

Табиат ва инсон қалбининг сирли дунёсини очиб бериш –романтик шеъриятнинг, умуман бутун романтизм адабиётининг қонуниятларидан биридир. Шу маънода А.Шенье, Шатобриан, Кольридж, Шелли, Байрон ва Китслар ўзларининг романтизм жанридаги асарлари билан романтик ижодкорларнинг кўплаб авлодларини илҳомлантирувчилари бўлиб келдилар.

С.Т.Кольридж («Поэма о старом моряке», «Кубла хан»), И.В.Гёте («Фауст»нинг II қисми), А.Мцкевич («Дзяды», «Свитезянка»),

В.А.Жуковскийларнинг («Варвик», «Адельстан», «Замок Смальгольм») лирик балладаларидаги романтик ҳиссиётларнинг сирли дунёси Пушкиннинг романтик шеъриятига ҳам самарали таъсир кўрсатди. «Жуковскийнинг балладалари Гёте, Шиллер, Вальтер Скотт, Саути, Уланда ва Бюргернинг сюжетлари асосида ёзилган...», – деб ёзади Е.А.Маймин. – Улар мардлик ва инсон қадр-қимматини, юксак севги ҳамда севгига содиқликни, шоирлару шеъриятни мадҳ этиб кўкларга кўтардилар. Уларнинг бари у ёки бу йўл билан гўзаллик ва эзгуликка ишontiриб инсонларни эзгу мақсадлар сари етаклайдилар».

Ғалати ва ажойиб, сирли табиат манзарасига нафақат Байрон мурожаат қилди. Француз романтиги Шатобрианнинг ёш Гюго ғоят завқланиб мафтун бўлган «Рене» ва «Аталу» сини, Вальтер Скоттнинг шотланд поэмаларини, Кольриджнинг «Кристабель» ва «Кубла Хан»ини ёдга оламиз. Ҳатто Байрон романтизмдан узоқлашиб танқидий реализмга яқинроқ бўлган «Чайльд Гарольд» асарида ёввойи табиат тасвиру таърифига муносиб баҳо берганлигининг шоҳиди бўламиз.

Бу ҳақда В.Жирмунский шундай ёзади: ««Чайльд Гарольд»да ёввойи табиатни, қалин ўрмонларни, қор билан қопланган баланд қояли тоғларни, тик ва чуқур жарликларни, денгиз қояларидан шовуллаб қуйилаётган сувларни ҳамда гўзал Испания ёки албан тоғликлари халқи ҳаётининг рангдор, ёрқин манзарасини шоирнинг ва у ўйлаб топган ўхшаш образ кўнгил кечинмаларига ҳамоҳанг бўлган ҳолат каби тасвирлаб Байрон ўз асрининг бадий услубига хос ижод қилди ва шу билан бирга кўнгиллар ҳокимига айланди, яъни жозибадор ғайритабиий поэтика адабий байронизмнинг доимий белгиларидан бири деб ҳисоблаган кўплаб шоир ҳамда ўқувчилар учун илҳом манбаи бўлди. Албатта, шу маънода Пушкин нафақат Байрон асарларидан завқланиб илҳом олди: ундан олдин ижод қилган шоирлардан ўрганди, уни романтик санъат деб аталмиш бадий муҳит, ўша давр



услуги, унинг ўзгарувчанлиги-ю илҳомлари тарбиялади».

Ҳамид Олимжон поэмани таржима қилар экан унда тасвирланган ёввойи табиат манзарасини ўз она тилида қайта тиклашга катта эътибор қаратди. 1937 йил А.С.Пушкин вафотига юз йил тўлиши муносабати билан иқтидорли ўзбек шоирларидан бир гуруҳи деярли бир йил давомида Чимён тоғларида яшаб, у ерда адиб асарларининг таржималари билан шуғулландилар ва якунида шоир танланган асарларининг тўрт жилдлигини нашрга ўзбек тилида тайёрладилар. Табиийки, Чимённинг тоғли манзараси, мағрур тик қоялари, илон изи йўллари ва шарқироқ дарёси шоир-таржимонларнинг романтик кайфиятига бирмунча кўтаринки руҳ бағишлади. Ҳамид Олимжон томонидан ўғирилган «Кавказ асири» поэмасида, айниқса, тоғли манзаранинг романтик тасвири шоирона руҳда аслиятга яқин тикланган. Шоир-таржимон Ҳамид Олимжон «Кавказ асири» поэмаси муқаддимаси романтик руҳини айнан сақлаб, мисраларнинг вазнига риоя қилмаса-да тоғликларнинг қизғин суҳбатини эркин баён услубида беришга муваффақ бўлади:

*Давра қуриб бўсағаларда,
Лақиллашар бир талай черкас,
Кавказнинг эр ўғилларига
Бўлмиш эди бу кун мавзу баҳс:
Жанглардаги таҳлика, гавго,
Арғумоқ от, ҳаёт ва жўшқин
Ҳирс кечирган ишрат ва савдо,
Мозийдаги даҳшатли босқин
Қишлоқларки, талонда буткул
Яксон бўлган, ёниб бўлган кул,
Алдов билан кун кўрган виждон,
Жинояткор маккор улуглар,
Қиличидан тирқираган қон,
Сўз бўлади бари ҳақида
Ва шахло кўз асира дилбар,
Ҳикояга монанддир жуда.
Жимжитликда ўтарди суҳбат
Ой сузарди тун туманида...*

Айнан шундай романтик руҳият Ҳ.Олимжон қаламига мансуб «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд» поэмасида ҳам ўз ифодасини топганининг гувоҳи бўламиз.

Юқорида келтирилган парчада «Кавказ асири» поэмасининг аслиятида бўлмаган қуйидаги мисралар таржимон ижодига мансуб:

*Мозийдаги даҳшатли босқин,
Қишлоқларки талонда буткул,
Яксон бўлган, ёниб бўлган кул,
Алдов билан кун кўрган виждон,
Жинояткор маккор улуглар,
Қиличидан тирқираган қон...*

Бу мисраларнинг шунчалик аслият руҳиятига мос келиши ҳайратланарлики, ҳатто Пушкин поэмасида тасвирланган табиат манзарасини ўзбек тилида юқоридаги мисраларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сабаби, олдимизда поэманинг оддий механик таржимасини эмас, балки ҳақиқий санъаткор шоир томонидан таржима қилинган, аслият поэтикасини айнан сақланган нусхасини кўрамиз. Буюк рус шоири А.С.Пушкин ҳам ўзининг айрим поэтик таржималарида, айниқса, жанубий славянларнинг романтик шеърларида шу каби усуллардан фойдаланган. Европа романтикларидан фарқли ўлароқ, Пушкиннинг романтик поэмаларида ўта фантастик кўринишлар учрамайди («Руслан ва Людмила», «Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртак», «Шоҳ Салтан ҳақида, унинг азамат ва шавкатли ўғли баҳодир князь Гвидон салтанзода ҳам сулув шоҳқиз оққуш ҳақида эртак» дostonлари бундан мустасно.) Шунга қарамай, унинг реалистик шеъриятга яқин бўлган романтик поэмаларида табиат ва қаҳрамоннинг маънавий кечинмаларида кўпгина сирли воқелик кузатилади.

Бундай сирлилик ва ажиблик ҳолатлари «Кавказ асири» поэмасининг бошидан то охирига қадар матнда сезилиб туради. Бағишловнинг ўзида ҳам сирлилик мавжуд:

*...где рыскает в горах
воинственный разбой
И дикий гений вдохновенья
Таится в тишине глухой?
Ты здесь найдёшь воспоминанья,
Быть может, милых сердцу дней,
Противуречия страстей,*



*Мечты знакомые, знакомые
страданья*

И тайный глас души моей.

Мазкур сатрларнинг ўзбек тилидаги таржимасида мутаржим бир қадар эркинликларга йўл қўяди:

*У тоғларки, қароқчилар
санқир, сақлар жон*

*Ва илҳомнинг у ёввойи асов даҳоси
Сукунатнинг қучоғида топмишдир
макон!*

Бу ерда сўзларнинг ранг-баранглиги ўз қиёфасини бир қадар ўзгартиради. Пушкинда «Где рыскает в горах воинственный разбой», Ҳ.Олимжонда «У тоғларки, қароқчилар санқир, сақлар жон». Бу ерда таржимон мисраларнинг поэтик, ифодали жарангини бир оз пасайтиради. Ҳатто тиниш белгилари баъзида мисраларнинг маъносини ўзгартириб юборади. Пушкинда учинчи мисра охирида сўроқ белгиси бор, Ҳамид Олимжонда эса – ундов. Тўғри, Пушкинда ҳам сўзларнинг тизими сўроқ белгисини талаб қилмайди, лекин бу белгида нимадир акс этган. У орқали айнан ёввойи табиат шоирни улуғ ижодга илҳомлантирувчи умид ифодаланади. Таржимада эса бундай сўроқни билдириб турувчи нозик фарқ кўзга ташланмайди. Лекин Ҳ.Олимжонда куплетнинг охирида сирлилик ва охиригача айтмаганликни кучайтирувчи поэтик рангларнинг барча жиҳатлари алоҳида жилоланиб туради:

*Балки, юрак учун ошно севимли
дамлар,*

*Хуш кунларнинг топилажак бунда
асари*

*Ва ҳирсларнинг зид, беомон ором-
озори*

*Учрар таниш ўй-хаёллар, ошно
ситамлар*

*Хамда менинг бу руҳимнинг сир
тўла зори.*

Бу мисраларда фақатгина «хирсларнинг» деган сўз уйғунликни бузиб турибди. Бу сўз ҳам поэтик бўлмаган, балки кўпол, жангари ҳиссиётларни англатади. Бу ерда «эхтироснинг» деган сўз ишлатилганда эди, янада ўринлироқ бўлар (арабчадан

олинган бу иккала сўзнинг маъноси бир-бирига яқин бўлса ҳам) эди.

Озодлик – романтикларнинг байроғи ва унинг муқаддас меҳроби учун улар барча азиз нарсасини, ҳатто ҳаётини беришга тайёрдирлар. Масалан, инглиз романтик шоири Байроннинг барча асарларида озодлик мадҳи уфуриб туради. У барча мазлум халқларнинг озодлиги учун курашди ва ўз ҳаётини шу йўлга тикди. Масалан, Пушкиннинг «Погасло дневное светило» шеъри таҳлилида тилга олинган Байрон билан унинг алоқасига урғу берган Е.А.Маймин бу алоқа Пушкиннинг бошқа асарларидаги каби алоҳида оҳангларда, поэтик фикрнинг ўхшаш оқимида эмас, балки эрксевар пафоснинг умумлигида намоён бўлишини таъкидлайди. Озодлик ва эрксеварлик мавзуси нафақат «Погасло дневное светило» элегиясида, балки Пушкиннинг барча романтик лирикасида асосий ўрин тутувчи мавзулардан ҳисобланади. Бу ҳолат Пушкин томонидан турли: шахсий, поэтик ва бевосита инсоний, озодлик орзуси, унга бўлган иштиёқли эҳтиёж, сиёсий, ижтимоий-психологик ва фалсафий муносабатлар замирида ёритилади. Рылеевдан фарқли равишда Пушкиннинг эрксевар лирикаси Пушкин учун шу мавзу билан боғлиқ бўлган асосий муаммолардан бири – инсоннинг руҳий қарамлиги муаммосидир. «Кавказ асири» поэмасининг қаҳрамони, эркидан айрилган рус кишиси, шоирнинг ўзига руҳан яқин. У ҳам Пушкин каби Ватанидан айрилган, Россияга элтувчи йўлга термулади:

*... где пламенную младость
Он гордо начал без забот;
Где первую познал он радость,
Где много милого любил,
Где обнял грозное страданье,
Где бурной жизнью погубил
Надежду, радость и желанье
И лучших дней воспоминанье
В увядшем сердце заключил.*

Поэма қаҳрамони фалсафасини тушуниб етган таржимон ҳаётдан бахт ва қониқиш топмаган, аристократлар доирасидан чиққан кишининг мустақил



образи хусусиятларини таржимада қайта тиклайди:

*Шўх ёшлигин унда бахтиёр
Ва бетавиш бошлаганди ул;
У илк шодлик беролган диёр,
Унда севган бор назокатни,
Изтиробдан кўкси бўлган чок,
Бутун истак, армон, шодликни
Саёқ турмуш этмишидир ҳалок.
У хуш кунлар эсдаликларин
Синиқ қалбга кўммишидир барин.*

Поэмадаги айнан шу элегик мисралар, уларнинг жўшқинлиги ҳамда теранлиги шоир замондошларининг қизғин баҳсларига учради. Пушкиннинг бундай «хасисона» мисралари образнинг тўла шаклланишини беради. Кейинчалик буни биз Лермонтовнинг «Замонамиз қахрамони» асаридаги Печорин образидан янада юксалтирилганлигини кўрамыз.

Таржиманинг айниқса қуйидаги мисралари муваффақиятли ўтирилган:

*Унда севган бор назокатни,
Изтиробдан кўкси бўлган чок...*

Бу ерда аслиятдаги каби атиги бир нечтагина сўз бутун ҳаётни ифодалайди. Албатта, бу ҳаёт ҳақидаги бадиий тасвир эмас, балки у ҳақда бор-йўғи бир тўмтоқ ҳикоя. Ҳаётдан қоникмаган “ортиқча” одам фаолиятининг барча кўринишларини кейинчалик Пушкин “Евгений Онегин” романида бадиий тасвирлаб берди. Лекин «Кавказ асири» поэмаси қахрамонининг юксак орзуси бор, у зодагонлар таомилини инкор этиб, озодликни ҳамда адолатли ҳаётни кўмсайди:

*Людей и свет изведал он
И знал неверной жизни цену.
В сердцах друзей наших измену,
В мечтах любви безумный сон,
Наскуча жертвой быть привычной
Давно презренной суеты,
И неприязни двуязычной,
И простодушной клеветы,
Отступник света, друг природы,
Покинул он родной предел
И в край далёкий полетел
С весёлым призраком свободы.*

Қахрамоннинг бундай аниқ ва лўнда биографик тавсифи Байрон шеърлятида ҳам ўз аксини топган. Академик В.М.Жирмунскийнинг ёзишича: «Ҳаётга ишончини йўқотган қахрамонни тасвирлаш Пушкиннинг илк тажрибаларидан ҳисобланган «Кавказ асири» поэмасидаги асирнинг биографик тавсифида Байрон ижоди билан ғалати ўхшашликлар мавжуд. Атрофдаги одамлар билан содда, ишонувчанлик муносабати, кейинчалик инсоннинг маънавий ғурурига ишончини йўқотиш билан алмашилиб, йигитлик эҳтироси орқасидан келган совуқ ҳис-туйғулар «Корсар» ва «Чарльд Гарольд»даги қахрамонни асирнинг биографик иқроллари билан яқинлаштиради, биографик реминисценциянинг композицион функцияси, яъни Байрон «Шарқ поэмалари» ва Пушкиннинг «Кавказ поэмалари» ўртасидаги алоқага урғу беради». (Таржима бизники. А.К.)

Адабиётлар:

1. Томашевский Б.В. Пушкин. Кн.2-я. М. –Л., 1961, с.368.
2. Маймин Е.А. О русском романтизме. - М., 1975, с. 75.
3. Жирмунский В.М. Байрон и Пушкин. - Л., 1978,с.169.
4. «Пушкинист». «Пушкинские произведения на узбекском языке». //газ. «Қизил Ўзбекистон», 1936, 28 ноябрь.
- 5.Хамид Алимджан «Привет, Пушкин!» // Журн. «Литературный Узбекистан», 1937, кн. – 1. – Ташкент: Госиздат, с. 57-58.
- 6.Иззат Султанов. «Пушкин и узбекская литература». // газ. «Правда Востока», 1949. 5 июня.
7. Пушкин А.С. Полное собрание сочинений. – Москва: Издательство «Правда». 1954. С.35.
8. Пушкин А.С. Танланган асарлар . 2 -том. - Тошкент . 1949. б 268.



Кенжаев А.Л. Воссоздание поэтики романтического мира в переводе. В данной статье рассматривается поэтическое воссоздание романтического мира поэмы А.С.Пушкина «Кавказский пленник» в переводе Хамида Алимджана на узбекский язык. В ней анализируется перевод некоторых строф поэмы с точки зрения её идейного содержания.

Kenjaev A.L. Recreation of the romantic world of poetics in translation. This article researches romantic world of poetics on the material of the poem “Caucasian prisoner” by A.S. Pushkin in translation into Uzbek done by H.Alimdjan. Translation of some stanzas of the poem is analyzed from the point of its ideal content.



ФРАЗЕОЛОГИК ИБОРАЛАРНИНГ ДЕРИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ

Шодиев С.Э.,

СамДЧТИ катта ўқитувчиси

Калит сўзлар: сўз бирикмаси қолипидаги фразеологик ибора, гап қолипидаги фразеологик ибора, таянч структура, туб структура, семантик деривация, структур деривация.

Фразеологик иборалар синтактик деривацияси масаласини уларнинг нутқдан ташқаридаги ҳолатида ўрганамиз. Чунки ибора тил бирлиги бўлганлиги учун у нутқда ҳам ўзгаришсиз қўлланади. Нутқда кўшимча тарзда ибора таркибига киритиладиган сўзлар эса унинг маъносига нутқнинг талабига кўра қандайдир кўшимча (кўпроқ экспрессив) маъно илова қилади, холос. Баъзи нутқ муҳитлари бўладик, фразеологик ибора компонентлари орасига бир неча кўшимча сўз ва ҳатто жумлалар кириши ҳам мумкин. Лекин шундай бўлса-да, иборанинг деривацион тамойили ўзгармайди. Бошқача айтганда, мазкур кўшимчалар фразеологик маънони таъкидлаш, унинг қайсидир жиҳатларига аниқлик киритиш учун хизмат қилади: **Йўқ, бу илиқ меҳр қиз дилида ундан ҳам олдин, Гулсум опалар шаҳардан кўчиб келганда ва жуда билимдон кўринган Машраб ҳеч кимни менсимай юрган чоғлардаёқ уйғонган (О.Ёкубов. Эр бошига иш тушса).**

Келтирилган мисолда **меҳр уйғонган** тарзида шаклланган фразеологик ибора мавжуд бўлиб, унинг гап қолипида келганини кўрамыз.

Фразеологик ибора гап қолипида келганда унинг деривацион хусусиятлари сўз бирикмаси қолипидаги иборалардан бирмунча фарқ қилади. Буни биринчи галда гап қолипидаги ибора синтактик деривациясининг таянч структурага, таянч структура эса туб структурага асосланишида кўрамыз. Сўз бирикмаси қолипидаги иборалар деривацияси эса ҳар доим ҳосила (дериват) структурани тақозо этади. Шу боис бу ўринда туб ва таянч структуралар ҳақидаги тушунча кун тартибига қўйилмайди. Мазкур қоидага

нафақат турғун сўз бирикмалари, балки эркин сўз бирикмалари ҳам бўйсунди. Чунки сўз бирикмаси деган тушунча фақат ҳосила структураларга нисбатан қўлланади. Гап эса ҳосила тарзидагина эмас, балки туб структура асосида шаклланган таянч структура қолипида ҳам келади. Турғунлик мақомидан қатъи назар, гап қолипида келган фразеологик ибораларнинг деривацион хусусиятларини ўрганишда ҳам ана шу тамойилга амал қиламиз:

1. Буни кўриб Розиковдан уялган Қудратовнинг тепа сочи тик бўлиб кетди (И.Раҳим.Оқибат).

2. Қариялар севиниб бошлари осмонга етарди (И.Раҳим.Оқибат).

Берилган мисолларнинг биринчисида гап қолипида келган **тепа сочи тик бўлиб кетди** ибораси қўлланилган бўлиб, айти пайтда у ҳосила (дериват) қурилгани тақозо этади. Мазкур ҳосила **сочи тик бўлиб кетди** тарзида шаклланган таянч қурилмага асосланмоқда¹[Кацнельсон С.Д.,-М.,1986. -С. 142].Таянч қурилма эса **бўлмоқ** феъли орқали ифодаланган туб структура замирида воқеланмоқда. Агар символ воситасида берадиган бўлсак, туб структура V белгиси орқали белгиланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, туб структура минимал шаклли бўлиб, у

тафаккур структурасини ёки таянч структурани вужудга келтирувчи ички семантик воситани тақозо этади²[Яхшибоев Ғ.Х.-Самарқанд, 2004].

Туб структурада ҳар доим тўлдирилиши лозим бўлган бўш ўринлар бўлади ва шу боис мавҳум характер касб этади [Маматов А.Э.-Ташкент. 1991, -С. 44-45.]. Туб структура шунинг учун ҳам



ички семантик ёки тафаккур структураси деб юритилади.

Туб структурадаги бўш ўринлар таянч структурада ва у орқали ҳосила структурада тўлдирилади. Унинг таянч структурада тўлдирилиши қуйидаги кўринишда бўлади: **N+V (сочи тик бўлиб кетди)**. Бироқ таянч структура- бу ҳали ҳосила дегани эмас. Ҳосила деганда, таянч структурадан шаклланган синтактик курилмани тушунамиз. Бундай курилма таркибида албатта (ҳеч бўлмаганда битта) **X** унсурлар қатнашади. Буни символлар воситасида қуйидагича кўрсатиш мумкин: **XNV (ёки NXV): Тепа сочи тик бўлиб кетди**.

Юқорида келтирилган иккинчи мисолда **бошлари осмонга етарди** фразеологик ибораси қатнашмоқда. Бу ўринда гапнинг туб структураси **етарди** феъли орқали ифодаланаётганини кўрамиз.

Таянч структура эса ана шу туб структура асосида шаклланмоқда: **етарди -V; бошлари етарди - таянч структура: NV**. Мазкур таянч структурадан ҳосила курилма шаклланмоқда: **бошлари осмонга етарди: XNV**.

Гап қолипида келган фразеологик ибораларнинг синтактик деривацияси аксарият ҳолларда морфологик ифодали реал операторга асосланади. Қуйида буни фактик тил материали асосида кўриб ўтамиз:

1. Нимага даминг ичингга тушиб кетди? (Й.Шамшаров.Чироқ).

2. Саиданинг юрагига қил сиғмас эди.(А.Қаҳҳор. Синчалак).

Берилган мисолда даминг ичингга тушиб кетди ибораси мавжуд бўлиб, у уч операнд синтактик муносабатидан ташкил топган дериватни тақозо этмоқда. Синтактик деривация оператори айни пайтда **-га (ичинг+га)** операторига асосланганини кўрамиз. Бу ўринда деривацион жараённи қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

1. Тушиб кетди - туб структура (V).

2. Даминг тушиб кетди - таянч структура(NV).

3. Даминг ичингга тушиб кетди - дериват -ҳосила структура (NXV).

Иккинчи мисолда **юрагига қил сиғмас эди** тарзидаги гап қолипли фразеологик ибора берилмоқда. Бу ўринда деривацион жараён қуйидагича рўй берганини кўрамиз:

1. Сиғмас эди - туб структура (V).

2. Қил сиғмас эди - таянч структура(NV).

3. Юрагига қил сиғмас эди - дериват -ҳосила структура (XNV).

Айни пайтда ибора синтактик деривацияси **-га (юраги+га)** операторига асосланмоқда.

Гап қолипида келган фразеологик ибора синтактик шакли ҳосила структурани тақозо этмаслиги ҳам мумкин. Бундай вазиятда фақат туб ва таянч структуралар ўртасида содир бўлган синтактик муносабат, бошқача айтганда, субъект предикат муносабати кузатилади:

1. У туни билан шу ҳақда ўйлади, ўйлади-да, ўйига етолмади. Калаваси чуваланиб кетди (И.Раҳим. Оқибат).

2. Шу кучга таянган қудратовчиларнинг ҳамма жойда қўли узун бўлиб қолди (И.Раҳим. Оқибат).

3. Шундай бўлса ҳам, Лариса боғни кўриб, оғзи очилиб қолди (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

Келтирилган мисолларнинг бирортасида ҳам ҳосила (дериват) шаклини тақозо этувчи ибора мавжудлигини кўрмаймиз. Айни пайтда фақат туб структураларга асосланган минимал шаклли синтактик курилмалар кузатилади:

Туб структуралар:

1. Чуваланиб кетмоқ. 2. Узун бўлиб қолмоқ. 3. Очилиб қолмоқ.

Минимал шаклли синтактик структуралар:

1. Калаваси чуваланиб кетди.

2. Қўли узун бўлиб қолди.

3. Оғзи очилиб қолди.

Таъкидлаш лозимки, берилган мисолларнинг барчасида туб структурадаги бўш ўриннинг тўлдирилиши ва минимал ҳажмли синтактик структуранинг шаклланиши **-и** эгалик аффикси иштирокида содир бўлмоқда. Аммо мазкур морфологик



восита дериват ясовчи унсурлар жумласига кирмайди ва шу боис бу ўринда ибора синтактик деривацияси хусусида сўз юрита олмаймиз.

Баъзи фразеологик иборалар кўшма гап қолипида келади. Бундай вазиятда ибора синтактик деривациясининг операндлари дериват синтактик структурасининг алоҳида таркибий қисмлари саналади:

Одатда оламни сув босса, тўпиғига келмайдиган Акмал ҳам бугун бошқачарок.... (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

Агар мазкур мисолдаги иборани алоҳида **Оламни сув босса, тўпиғига келмайди** тарзида олиб қарайдиган бўлсак, у ҳолда ибора синтактик деривациясининг оператори **–са (босса)** аффикси эканлигини кўрамиз. Мазкур аффикс нафақат ибора шаклидаги дериват оператори, балки устпредикативлик белгисини вужудга келтирувчи морфологик омил вазифасини ҳам бажаради. Бошқача айтганда, унинг ёрдамида полипредикатив характерли ибора таркибий қисмларининг умумий ҳолда воқеликка муносабат билдириши ана шу аффикс воситасида шаклланади. Бундай хусусият кўшма гап қолипида келувчи **гаҳ деганда қўлга қўнадиган бўлмоқ, ер ёрилса, ерга киргудай бўлмоқ, ер тагида илон қимирласа билмоқ** каби фразеологик ибораларда ҳам кузатилади. Бироқ мазкур иборалар нутқ доирасида қўлланганда аксарият ҳолларда таркибли аниқловчи, ҳол ва ҳ.к. сингари гап бўлаклари вазифасида келади. Буни юқорида берилган мисолда ҳам кўришимиз мумкин: **оламни сув босса, тўпиғига келмайдиган Акмал**. Айни пайтда ибора таркибли аниқловчи вазифасида келмоқда.

Шуни ҳам айтиш лозимки, кўшма гап қолипидаги фразеологик ибора гап бўлаги вазифасида келганда, унинг юқорида эслатиб ўтилган устпредикативлик белгиси ҳамда том маънодаги деривацион хусусиятлари ҳақида сўз юритиш қийин. Чунки бундай вазиятда мазкур ибора қатнашаётган

жумланинг предикативлик белгиси ёки деривацион хусусиятлари устувор аҳамият касб этади. Фразеологик ибора эса мазкур жумланинг таркибий қисми сифатида фаоллик кўрсатади.

Бундай вазият нафақат кўшма гап қолипидаги, балки гап қолипидаги барча фразеологик ибораларнинг нутқий фаоллашувида кузатилади. Қуйида ана шу ҳақда фактик нутқ материалларига мурожаат этамиз:

1. Мавлуданинг ўқиши, Исоқнинг авзойи ҳали ҳам бузуклигидан домлага ахборот бериб, кўчага чикди (Й. Шамшаров. Чирок).

2. Хотин киши от минмабдими? Шундай учирайки, куёвингиз оғзини очиб қолсин (Й. Шамшаров. Чирок).

3. Бир маҳал янги ҳамроҳ хаёли жойига тушгандек сўраб қолди (О.Хусанов. Тақилмаган узук).

4. ...айниқса “бувиджон” деб хитоб қилишлари кўнглини эритиб юборарди (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

Келтирилган мисолларнинг барчасида гап қолипидаги **авзойи бузилмоқ** ибораси **авзойи ҳали бузуклигидан** тарзида келиб, анъанавий формал тўлдирувчи (воситали) вазифасини бажармоқда. Агар **Исоқнинг авзойи ҳали ҳам бузук** эди шаклидаги гап воқеланганда эди, унда **авзойи –эга, бузук** кесим функциясини бажарган бўларди.

Иккинчи мисолда гап қолипида **оғзи очилиб қолмоқ** тарзида қўлланиши лозим бўлган ибора нутқнинг талабига кўра оғзини очиб қолсин шаклида яхлитлигича формал кесим вазифасини бажармоқда.

Учинчи мисолда берилётган **хаёли жойига тушгандек** ибораси ҳол функциясида келмоқда. Мазкур ибора қўлланишида асар муаллифи фразеологик иборанинг нутқий фаоллашувида қисман меъёрий нуқсонга йўл қўйганлигини кўрамиз. Зотан, тилда **кўнгли жойига тушмоқ** ибораси мавжуд. Бироқ қандай қўлланилганлигидан қатъи назар, бу ўринда эга-кесим муносабатини тақозо этувчи гап қолипидаги фразеологик ибора нутқда ўзгача вазифада, гапнинг иккинчи



даражали бўлаги фаоллашаётганини кўрамиз.

Тўртинчи мисолда **кўнглини эритиб юборарди** тарзида қўлланилган ибора гапда кесим вазифасини бажармоқда. Мазкур ибора **кўнгли эриб кетди** шаклида қўлланилганда, гап қолипида келган бўларди. Айтиш пайтда эса нутқий эҳтиёжга кўра гап бўлаги функциясида фаоллашмоқда.

Фразеологик иборалар деривацион хусусиятларини тадқиқ этишда шунга аҳамият бериш лозимки, бу ўринда фақат синтактик деривация эмас, балки семантик деривация ҳам муҳим аҳамият касб этади. Агар синтактик деривация қонун-қоидалари иборанинг формал нуктаи назардан шаклланишини кўрсатса, иборанинг умумий маъно салмоғи унинг семантик деривацияси демакдир. Шу боис бу ўринда синтактик ва семантик деривациялар ўзаро узвий муносабатда бўлади. Бошқача айтганда, улар кесишади. Фикр исботи учун қуйидаги мисоллар таҳлилига эътибор қаратайлик:

1. Овим юришмаганига тарвузим қўлтиғимдан тушиб муюлишда турувдим, кўчада Исоқ кўринди (Й. Шамшаров. Чирок).

2. ...вужудини қамраган аниқлик баттар ортди, атрофидаги муҳит бегона, ёт туюладиган, кечалари мижжа қокмайдиган бўлиб қолди (Й. Шамшаров. Чирок).

Биринчи мисолда берилган **тарвузим қўлтиғимдан тушиб** ибораси қатнашиб, унинг синтактик деривацияси оператори **қўлтиғимдан** сўзи таркибидаги **–дан** аффиксидир. Мазкур оператор воситасида уч операндли дериват шаклланмоқда ва улар ўртасида бекам-кўст синтактик алоқа воқеланмоқда. Бу жиҳатдан иборанинг формал-синтактик структурасида бирор камчилик сезилмайди. Бироқ ана шу синтактик деривация замирида шаклланаётган маъно салмоғи ибора компонентларининг лексик маъноси синтезидан ташкил топмаётганини кўрамиз. Айтиш пайтда **умидлари пучга чикқанлик, кайфият сўниши, иштиёқ йўқолганлиги** каби маънолар

воқеланмоқда. Бу ходисани семантик деривация деб тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Айтиш лозимки, бу ўринда ҳам семантик деривация оператори идиоматик ифода маъносини бераётган тил муҳитидир. Зотан, ҳар бир тилда идиоматик маъно ифодаси унинг ички муҳити қонун-қоидалари асосида вужудга келади.

Иккинчи мисолда **мижжа қокмайдиган** ибораси қатнашиб, унинг синтактик деривацияси оператори ноль ифодалидир. Негаки, айтиш пайтда деривация операторини **мижжани қокмайдиган** тарзида тасаввур этиб бўлмайди. Ибора семантик деривацияси бу ўринда **ухламайдиган** тарзида шаклланаётган идиоматик маъно билан боғланмоқда.

Синтактик ва семантик деривацияларнинг бир пайтда содир бўлиши аксарият ҳолларда фразеологик ибора ва парафразалар шаклланишида кузатилади. Эркин сўз бирикмалари материалида эса бундай вазиятни кўрмаймиз. Қиёсланг:

1. У Чавандознинг хонасида бир ўзи ўтирарди (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

2. Агар мени ёш бола деб ўйласангиз ... чучварани хом санабсиз! (О.Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

Олдинги мисолда берилган **Чавандознинг хонаси** шаклида берилган эркин сўз бирикмасига эътибор қаратсак, бу ўринда **–нинг** оператори воситасида воқеланаётган дериватни кузатамиз. Бирикма ноидиоматик характерда бўлгани учун айтиш пайтда семантик деривация масаласини қун тартибига қўйиб бўлмайди. Кейинги мисолда эса ибора иштирок этмоқда: **Чучварани хом санабсиз**. Мазкур иборанинг синтактик деривацияси **–ни** операторига асосланмоқда, семантик деривацияси эса **нотўғри гапирмоқ, нотўғри хулосага келмоқ** деган бирикмаларнинг идиоматик маънолари билан узвий боғлиқдир.



Кўринадики,	фразеологик	ҳам,	семантик	деривациянинг	ҳам
ибораларнинг	нутқ	истеъмолига	воқеланишини	тақозо	этади.
киритилиши	синтактик	деривациянинг			

Адабиётлар:

1. Кацнельсон С.Д., Общее и типологическое языкознание.-М., 1986.-С.142.
2. Яхшибоев Ғ.Х.Ҳозирги ўзбек тилида содда гап деривацияси // Номз.дис.автореф. - Самарқанд, 2004.
3. Маматов А.Э. Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском языке // Автореф.докт.дис.-Ташкент. 1991,-С. 44-45.

Шодиев С. Деривационные особенности фразеологических единиц. Статья посвящена деривационным особенностям фразеологических единиц. Автор анализирует некоторые отрывки с целью дифференциации глубинных и поверхностных структур. Кроме того, статья разъясняет и описывает различие между семантическими и структурными деривациями фразеологических единиц.

Shodiyev S. Derivational peculiarities of phraseological units. The article is devoted to the derivational peculiarities of phraseological units. The author demonstrates analysis of some extracts for deep structures and surface structures to differentiate them. The article also clarifies and describes the differences between semantic and structural derivation within phraseological units.



ГРАДУОНИМЛАР ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИНИ ТУЗИШ МАСАЛАЛАРИ

Джумабаева Ж.Ш.

ЎЗМУ, филология фанлари доктори, доцент.

Калим сўзлар: лексикография глоссарий вокабулярия, информатсион технологиялар, синонимлар, антонимлар, фразеологик бирликлар, этимологик.

Лексикография инсоният қадим замонлардан бери шуғулланиб келаётган фаолият турларидан ҳисобланади. Агар биз Шумер маданиятига мурожаат қиладиган бўлсак, эрамиздан олдинги асрлардаёқ инсонлар тушуниши қийин бўлган ҳодиса ва ҳолатларни англашга ҳаракат қилиб, уларни ифодалашда ишлатиладиган сўзларнинг рўйхатини тузишган. Улар шу рўйхат ва ундаги изоҳларни *глоссарий* ёки *вокабулярия* деб аташган. Луғатларнинг ҳозирги кўриниши XVI асрда пайдо бўла бошлаган. XX асрга келиб луғатшуносликда жуда катта тажриба тўпланди, буни ҳар хил турдаги луғатларнинг чоп этилишида кўришимиз мумкин. XX асрнинг ўрталарига келиб эса лексикографик назария яратиш зарурати туғилди ва яратилди. В.В.Морковкиннинг фикрича, лексикография назарияси куйидагиларни ўз ичига олади:

- лексикография тушунчасининг ҳажми, мазмуни ва структурасини қайта кўриб чиқиш;
- луғат турлари ва жанрлари ҳақидаги таълимот;
- элемент ва параметрлар ҳақидаги таълимот;
- лексикографик қурилиш асослари ҳақидаги таълимот ва компьютерлаштириш имкониятлари;
- одатий луғат материаллари ҳақидаги таълимот;
- луғат ишини режалаштириш ва ташкил этиш бўйича таълимот;
- луғат тузиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва шакллантириш [1; 7-б].

Бугунги кунга келиб яратилган назариялар, тўпланган тажрибалар асосида луғатларимиз янада мукамаллашган ҳолда чоп этилиб, қулайлиги, улардаги сўз

ва ибораларнинг кўплиги олдингиларидан фарқ қилади.

Назарий лексикографиянинг пайдо бўлиши назарияларнинг умумлашуви натижасида чоп этилган куйидаги ишлар билан боғлиқ: Махмуд Кошғарийнинг “Девону-луғотит-турк”, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”, Х. Касареснинг “Введение в современную лексикографию”, Л.В.Щербанинг “Опыт общей теории лексикографии”, В.Виноградовнинг “Лексикология и лексикография”, П. Ступин “Лексикография английского языка”, F.W.Householder and Sol Saporta “Problems in Lexicography”, J.Dubois C.Dobois “Introduction a’la Lexicographie: le dictionnaire”, L.Zgusta “Manual of Lexicography”.

Ҳозирги кунда лексикография жадаллик билан ривожланар экан, буни ўқув ва илмий-техникавий луғатларнинг сони ва салмоғи кўпайиб, тобора оммалашиб бораётганлигида кўришимиз мумкин. Бу борада олиб борилаётган фундаментал тадқиқотлар ҳам шунинг яққол намунаси. Масалан, рус лексикографияси соҳасида илмий изланиш олиб борган олим В.В.Морковкиннинг “Основы теории учебной лексикографии” (илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси, 1990) ва С.В. Гринев-Гриневиичнинг “Введение в терминографию” илмий ишлари (1996) шулар жумласидандир.

Информатсион технологиялар, компьютердан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган бир даврда онлайн луғатларининг турлари кўпайганлиги ва уларнинг қулайлиги нафақат тилшунослар учун, балки чет тилларни ўрганишда муҳим манба ва омил сифатида роль



ўйнамоқда. Айниқса, ҳозирги кунда инглиз тилини ўрганишга талабгорлар кўпайганлиги сабабли, улар учун қулай ва оммабоп луғатларнинг яратилишига ҳам эҳтиёж ортмоқда.

Ўзбек тили изоҳли луғатининг (5 жилдли) яратилиши ҳам ўзбек тилшунослиги ҳамда луғатшунослигининг ривожланишига туртки бўлди. Бундан ташқари, яратилган синонимлар, антонимлар, фразеологик бирликлар, этимологик луғатларни ҳам янгилаш даври келди.

“...Шарафиддин Абу Ҳайян Маҳмуд бин Юсуф бин Али бин Ҳайян туркий тиллар хусусидаги ёзган китобида шундай ёзган: Ҳар бир тилни билиш уч нарсани ўзлаштириш билан ҳосил қилинади. Биринчиси: ҳар бир сўз маъносини ўзлаштириб олиш. Бу қисм *луғатшунослик* деб аталади. Иккинчиси: сўзларнинг айрим-айрим ҳолдаги хусусиятларини ўрганиш. Бу қисм *илми сарф* деб юритилади. Учунчиси: сўзнинг бир-бирига боғланишига доир хусусиятларини ўрганиш. Бу қисм арабча *илми наҳв* дейилади” [2; 9-10-б].

Демак, луғатшунослик биринчи ўринда турар экан, албатта, ҳар бир тил луғатлари мукамал, барча лексик хусусиятларни ўзида мужассам этган бўлмоғи лозим. Ўзбек тилида ҳозирги кунгача мавжуд А.Ҳожиёвнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати” (1974), Ш.Раҳматуллаев, Н.Маматов, Р.Шукуровларнинг “Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати” (1980) кабилар қаторида “Ўзбек тили градуонимларининг изоҳли луғати”ни яратиш мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу луғат икки хил тузилишда яратилиши мумкинлиги тавсия этилади:

1. Алифбо тартибидаги ҳар битта сўздан кейин изоҳли луғатдаги каби қайси сўз туркумига кириши кўрсатилиб, унга изоҳ берилади, берилган сўз градуонимик қатордан қайси ўринни эгаллаши ёзилади ва ГР. қисқартмасидан кейин градуонимик қатор тўлиқ берилади. Бунда яна бир муҳим жиҳатни унутмаслик керак: агар ижобийликнинг, ҳажмнинг, кўламнинг

кенгайишига ёки ошишига кўра қатор берилса, “→” белгиси градуонимлар орасига қўйилади, камайишига кўра, ижобийликдан салбийликка кўра градуонимик қатор берилса “←” белгиси орқали градуонимик қаторлар берилиши лозим бўлади. Масалан, ўзбек тилида:

Кенг. *сифат*. бирор бир предмет-нарсанинг сиғими нормал ҳолатдан юқори бўлиши, тарқалиш кўлами ортганда ишлатилади, м-н: *кенг уй, кенг имконият*. ГР. *кенг←ўрта←тор* ёки *тор→ўрта→кенг*

Инглиз тилида:

Wide. *adjective*. 1. of great or more than average width. 2. having a particular width. 3. open to the full extent. 4. including a great variety of people or things. 5. spread among a large number or over a large area. E.g. *wide street, wide view, wide opportunity*. GR. *wide←normal←narrow*

narrow→normal→wide

2. Сўз туркумлари бўйича бўлимларга ажратиб бериш, яъни бунда от сўз туркумига оид сўзларнинг градуонимик қаторлари алоҳида, феъл, сифат, олмош, равиш сўз туркумларига оид сўзларнинг градуонимик қаторлари алоҳида берилади. Бунда луғат 5 та бўлимдан иборат бўлиб, ушбу бўлимларда *Ижобийликнинг ошишига, салбийликнинг ошишига кўра, ҳажмнинг ортишига/камайишига, тезликнинг ошиши/камайишига кўра* каби сарлавҳалар остида алифбо тартибида сўзларнинг изоҳи, градуонимик қатори кетма-кетликда берилади.

Бу каби луғатларда бир вақтнинг ўзида ҳам синоним, ҳам антонимларни ўз ичига олган градуонимик қаторлар берилганлиги сабабли тил ўргатувчи ва ўрганувчиларга жуда қулайдир. Шу билан бирга, таржимонларнинг сўз танлашида, контекстуал маънони сақлаб қолишида, айнан таржима қилинаётган тил хусусиятидан келиб чиқиб, мос сўзни топишида муҳим ўрин тутаяди.

Юқоридаги фикрларимиз бир тилли луғат борасида бўлса, икки тилли луғат тузишда ҳам ҳар иккала типдаги луғатларни яратиш, улардан фойдаланиш



жуда қулай деб ҳисоблаймиз. Икки тилли луғатнинг яна бир афзаллиги шундаки, тадқиқотимиз давомида аниқланган ўхшаш ва фарқли жиҳатлар айнан шу икки тилли луғатда ўз аксини топади, бундан ташқари, уникалия ҳолатларини икки тилли луғатнинг охирида алоҳида ажратиб бериш

мақсадга мувофиқдир. Чунки унинг таржима қилинаётган тилда мавжуд бўлмаганлиги ёки, аксинча, оригинал матн тилида мавжуд эмаслигини кўрсатиб ўтиш ва исботлаш учун алоҳида, луғат охирида бериб ўтиш муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Морковкин В.В. Основы теории учебной лексикографии. Дисс.....д-ра.филол. наук.– М., 1990.– 162 с.

2. Ат тух-фатуз-закияту фил луғатит-туркия (Туркий тил (қипчоқ тили) ҳақида ноёб тухфа). Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. –Тошкент.: 1968. –9-10 б.

Djumabayeva J.Sh. Issues of graduonymic units' glossary compiling. This article considers problems of compiling dictionaries which include graduonymic lines in Uzbek and English. As it is less studied phenomenon, dictionaries must include interpretation of all members of graduonymic line.

Джумабаева Ж.Ш. Проблемы составления толковых словарей градуонимов. Статья исследует проблемы составления словарей, включающих градуонимные строки в английском и узбекском языках. Исходя из того, что это является наименее изученной проблемой, словари должны включать интерпретацию всех частей градуонимных строк.



ЖОМЕЪ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА БИР НАЗАР

Хуррамова З. С.,
СамДЧТИ ўқитувчиси

Калит сўзлар: шўро даври адабиёти, мумтоз анъаналар, зуллисонийлик, мусоввада, газал, бадиий маҳфат, тажнис, таърих-марсия.

Самарқанд адабий муҳотида яшаб ижод этган шоирлар қаторида қутлуғ номи то ҳануз кўпчиликка номаълумлигича қолиб келаётган истеъдод эгалари кам эмас. Булардан бири Абдулқодир ибни Абдулазиз (Кейинги манбаларда Абдуқодир Азизов шаклида учрайди)дир. Бу шоир ҳақида мустақилликдан олдин ёзилган баъзи асарларда йўл-йўлакай бир-икки жумла билан чекланиб ўтилган бўлиб, батафсил маълумотлар учрамайди [Ҳалимов С.1978. 36.]. Давлатимиз мустақиллигидан кейин бир гуруҳ самарқандлик ижодкорлар хусусида маълумотлар келтирилган “Тулистони адаб” мажмуасида Абдуқодир Азизов ҳаёти ва ижоди ҳақидаги дастлабки маълумотлар билан танишамиз [Аслиддин Қамарзода. 2007: 123-127]. Ёш олим С. Хўжакулов ҳам бир ўринда Нақибхон Тўғрал билан боғлиқ байтларини келтириб ўтади [Хўжакулов С. 2015: 339-340]. Шунингдек, матбуотда босилган бир-икки шеърларини ҳисобга олмаганда адабий мероси ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд эмас [Ҳақиқати Ўзбекистон 1964. 21-август].

Асосан “Жомеъ”(жамловчи, тўпловчи, ўз ичига қамраб олувчи), баъзан “Азизий” тахаллуси билан шеърлар ёзган Абдуқодир Азизов 1890 йилнинг январиди Самарқанд шаҳрида қосиб Ҳожи Абдулазиз хонадониди таваллуд топади [Унинг туғилган йили шахсий архивида сақланаётган манбаларда икки хил -1890, баъзиларида 1892 йил деб кўрсатилган. Биз муаллиф ўз қўли билан 1966 йилда ёзиб қолдирган хотираларига асосан 1890 йил деб олишни лозим топдик]. 1899-йилда отаси вафот этади. 15 ёшидан Мулло Абдулқарим саҳхоф (китоб муқоваловчи)га, яъни поччасига шогирд тушади [Шоир 1950-йилда ёзган таржимаи

ҳолида уста Юсуфжон қўлида саҳхоф – шогирд бўлиб иш бошлаганини ёзган. Бу факт А. Қамарзода томонидан берилган шоир ҳақидаги маълумотларда ҳам шундай келтирилган. Лекин 1966-йилдаги хотираларида муаллифнинг ўзи Мулло Абдулқарим, яъни поччаси қўлида саҳхофликни ўргана бошлаганини ёзган. Агарда 1950-йилда ёзилган таржимаи холи иккинчи марта қамалаётган вақтида ва давлат ташкилотларига маълумот сифатида тақдим этилаётганини ҳисобга олсак, демак у яқинлари ҳаётини хавф остига қўймаслик учун ўша вақтда ҳаёт бўлмаган бирор устанинг номини кўрсатган деб тахмин қилиш мумкин. Замон бироз тинчиган, қолаверса, оқланиб чиққанидан кейинги- 1966-йил маълумотлари ишонарли бўлиши табиий]. Шу касби сабаб мадраса талабалари, ўз даврининг кўплаб олиму зиёллари, фозил кишилари, жумладан, Тамҳид, Қурбий, Нақибхон Тўғрал [Валихўжаев Б. 1993:152 - 147] каби ижодкорлари билан танишади. Бир ўринда ўша вақтларда Нақибхон Тўғралнинг Тиллакори масжидида яшагани, саҳхофлик дўкони Панжакент кўчасининг бошида жойлашгани учун шоир Тўғрални тез-тез кўриб туришини, лекин 15-16 ёшлардаги тортинчоқ ўспирин бўлгани туфайли у киши билан суҳбатлашишга журъат этолмагани ҳақида ёзади. Ниҳоят, 1915-1916 йилларда Қори Масеҳо Тамҳид ёрдамида у киши билан яқиндан танишади. Кейинчалик унинг бир нечта ғазалларига ёзган мухаммаслари шоир Тўғралга бўлган ҳурмат ва ихлоси умр бўйи сақланиб қолганини кўрсатади. У ижод оламига кириб келаётган вақт талотўп замонларнинг бошланишига тўри келган эди. Кўп ўтмай мамлакатда юз берган сиёсий воқеалар унинг ҳам ҳаётини



ўзгартириб юборади. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам ўз билимларини оширишга ва атрофида бўлаётган ўзгаришларнинг фаол қатнашчиси бўлишга интилади. Дастлаб 1918йил муаллимлар тайёрлаш курсини битириб, 1922 йилгача Бехбудий номидаги кутубхонада мудир бўлиб ишлайди. 1922 йилдан 1937йилгача Самарқанд шаҳридаги турли мактабларда ўқитувчилик қилади, шу орада Самарқанддаги педагогика институтида 3–курсгача таҳсил олади. Қамокқа олингани боис институтни тугата олмайди. А. Азизов ҳам кўплаб зиёлилар қатори мустабид тузум сиёсати сабаб турли худудларда қамок ва асирлик азобларини чекишга мажбур бўлди. 1937 йил турли тухматлар билан қамокқа олинган ижодкорга 1938 йилда аввал 25 йил муддат белгиланади, сўнгра бу муддат 8 йилга камайтирилади. Қамок муддатини турли жойларда, хусусан, Свердловск вилояти меҳнат армиясида, 1943-1945 йилларда Шимолий Урал конида юк ташувчи бўлиб оғир ишларда ўтказилади. Қамокдан 1945 йилда чиқиб, Самарқандга қайтади ва 1950 йилгача шаҳардаги артелда қоровул бўлиб ишлайди. 1950-йилда иккинчи марта қамокқа олинади. Дастлаб Тошкентдаги қамокхоналарда сақланади. А. Азизов асирликда бўлган шу даврда рафиқаси дунёдан ўтади, фарзандлари ота-она меҳрига зор бўлиб қолишади. У 1955 йил озодликка чиқади, лекин расмий оқланмагани сабаб ишга жойлаша олмайди. 1955 йилдан бошлаб Тожикистон ФА луғатшунослик бўлимида штатсиз адабий ходим бўлиб ишлай бошлайди, луғат учун картотейкалар тузиш, шарҳлар ёзиш каби ишларга жалб этилади [Бу 2 жилдли луғат устидаги ишлар 1953 йилнинг охирида бошланган бўлиб, 1969 йил Москвада чоп этилган. Фарҳанги забони тожики. –Москва: "Советская энциклопедия". 1969.].

Унинг ўша вақтдаги юқори давлат ташкилотларига ёзган бир қатор аризаларидан кейин, ниҳоят 1962 йилда расман оқлангани ҳақидаги суд қарори қўлига тегади. А. Азизов 1986 йил табаррук 96 ёшида вафот этади.

Самарқанд муҳитига хос зуллисонайнлик ва мумтоз шеърятга бўлган азалий руҳий эҳтиёж сингари ижодий анъаналар муҳитида вояга етган Абдуқодир ўзидаги ижод аҳлига, шеър дунёсига бўлган чанқоклик ва иқтидор туфайли етук шоир бўлиб етишади. Унинг шеърлари орасида 20-йилларда ёзилганлари ҳам сақлаб қўйилганига қараганда, шеър ёзишни анча барвақт бошлаган дейиш мумкин. Гарчи мумтоз адабиётнинг йирик билимдони, маҳоратли шоир сифатида ёш тадқиқотчилардан тортиб, таниқли олим-у фозилларигача у кишининг уйига тез-тез бориб, суҳбатларидан баҳраманд бўлишган бўлса-да, бугунгача Жомеъ ҳаёт- фаолияти, лирик мероси хусусида батафсил маълумотлар учрамайди.

Шоир адабий мероси билан танишар эканмиз, кўхна Самарқанд замини яна бир маҳоратли шоир қалбини ўзида асраб келаётганига гувоҳ бўламиз [Шоирнинг адабий меросини асраб келган ва оталари ҳақидаги маълумотлари билан ёрдам кўрсатиб келаётган ўғиллари Нодир ака Азизовга миннатдорчилик билдирамиз]. Зеро, икки тилда юксак маҳорат билан битилган мумтоз жанрдаги кўплаб ғазал, қасида, рубоий, мухаммас, қитъа, марсия-таърих каби шеърлари Абдуқодир Азизовнинг ёрқин истеъдод соҳиби бўлганидан далолат беради. Шоир шеърлари мавзу ранг-баранглиги, мохирона сўз ўйинлари, ширали тили билан диққатни тортади. Унинг мустақил мухаммаслари билан бир қаторда устозлар (Носир Хисрав, Низомий, Камол Хўжандий, Навоий, Фузулий, Машраб, Ҳазиний, Тожуддавла, Қассоб) ва ўз даври шоирлари, (Нақибхон Тўғрал, Сипандий) ғазалларига ёзган мухаммаслари Жомеъ ижодининг ёрқин намуналаридир.

Шоир лирик меросининг катта қисмини ғазал ва мухаммаслар ташкил этади. Ғазалларининг асосий қисми ишқий мавзуда бўлиб, бунда маҳбуба таъриф-тасвифи, ҳаётсеварлик, дунё гўзалликларидан завқланиш билан бирга мусиқийлик ва оҳангдорлик уйғунлашиб кишини ром этади. Асрлар мобайнида



мавжуд бўлиб, ўз такомил даражасига етган шарқ мумтоз адабиётидаги тасвир ва ҳолатларни ўзгача етказиб бериш осон эмас, албатта. Бу ҳол ҳар бир ижодкордан шу соҳада чуқур билим ва юксак маҳорат талаб этади. Жумладан, туркий ва форс-тожик мумтоз адабиётида маъшуканинг баркамол қиёфасини тасвирлашга қаратилган сон-саноксиз қиёс, ташбеҳ ва бадийий приёмлар ўзининг юксак даражасига кўтарилган. Жомеъ ҳам ана шу анъаналар йўлидан борган шоир сифатида бу борада ўз маҳоратини намоён эта олган. Шоирнинг кўплаб ғазаллари ишқий мавзудалиги боис маъшуқа таъриф-тавсифи ва у билан боғлиқ ҳолат-тимсоллар марказий объектга айланган. Буни туркий шеърятнинг улўф намоёндаси Алишер Навоий ғазалида юксак поэтик тасвирини топган “мардум” сўзи ва синонимларини қўллашида унинг Навоий бадийий оламига муносабати сифатида намоён бўлганлигида ҳам кўриш мумкин. Шоирнинг ҳар икки тилдаги тасвирларида Навоий бадийий тафаккури ва маҳоратига эргашиш кўзга ташланади. Тажниси тақрир асосидаги куйидаги байтда шу ҳолни кузатиш мумкин. Омоним сўз (мардум) ҳар икки ўринда ҳам Навоий назарда тутган мазмун ва тартибга яқин келади:

Эй гўзалим, ёрим, айла мардумлиғ,
(Қаро кўзим келу, мардумлиғ эмди
фан қилғил)

Кўзларим мардумиға жо(й) қилғил.
(Кўзим қаросиға мардум киби ватан
қилғил)

Бу сўзнинг бир қатор маънолари бўлишига қарамай, аксарият ҳолларда кўз қорачиғи ва шу билан боғлиқ маънолар чизиғида тасвирланишига сабаб, айтиш мумкинки, Навоий шоҳбайтидан кейинги таъсир ва шу асосдаги талқинлардир. Жомеънинг ўзбек ва форс-тожик тилларидаги ғазалларида ҳам мардум сўзи маъшуқа ва у билан боғлиқ янгича тасвирлар юзага келишига сабаб бўлганлиги кўзга ташланади:

Ту ҳамчу тўтиё дар дидаи ман эй
гулираёно,

Биё биншин, ба чашмам, мардуми
чашмам бувад ч оят.

(Кўзимга тўтиёдайсан, эй гулираёно,
Келиб ўлтир кўзимга, кўз мардумим
бўлсин сенинг жойинг)

Кўзимга тўтиё ва гулираёно сифатлашлари билан бошланган мисра яна мардум сўзининг юқорида назарда тутилган маъносига боғланади. Қадимда кўз оғриганда ва кўзни равшан қилиш учун ишлатилган мис зангидан ҳосил бўлган кристалл-тўтиё ана шу хусусиятлари билан мумтоз адабиётда образ-тимсол сифатида ўз ўрнига эга бўлиб, бу деталь ҳар доим гўзал ва таъсирчан ташбиҳлар яратилишига сабаб бўлган. Бу ташбиҳлардаги асосий нуқта ёр босган изларнинг ошиқ кўзларига шифолиги, интизорлик, эъзоз ва ёруғлик каби маънолар жамлигидир. Баъзида бу деталь-образ Яъқуб ва Юсуф тимсоллари билан келиб Юсуфнинг кўйлагига рамз қилинган ўринлар ҳам учрайди. Навбатдаги ўринда шоир томонидан мардум сўзи замирида тўтиё сўзининг шифо берувчи маъноси назарда тутилади: ёр қорачиғи нуридан кўриш қобилиятини йўқотган ошиқ қорачиғи шифо топади, яна кўра бошлайди. Бунда мардум ва тўтиё сўзларининг ўзаро ички боғлиқликда қўлланганини сезиш мумкин:

Ёруттардим юлдузимни нуридин кўз
мардумин,

Айлар эрдим чашми нобиноми бино
кошки.

Яна бир кичик деталь-асо образининг ўз маъносини сақлаган ҳолда ёр киприклари билан ташбиҳ қилиниши гўзал манзара яратган:

Бул букук қаддимға бўлғон эрди
мулжони асо,

Қоши меҳробин қилур эрдим
мусалло кошки.

Ҳар икки тилдаги ғазал, мухаммас, рубоий ва марсия-таърихларида унинг шоирликмаҳорати бир хилда намоён бўлади. Жомеъ зуллисонайнлик асосида шаклланган мумтоз адабиёт анъаналарини ўзининг икки тилдаги шеърлари билан муваффақиятли давом эттирган деб эътироф этишга ҳақли шоирлардан



биридир. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, икки тилли ягона адабиёт анъаналари замирида шаклланган улкан билим ва маҳорат мактаби бир қатор ижодкорлар сингари Жомеъ шоирлик даражасини белгилашда муҳим омиллардан саналади. Унинг кичик деталь-образлардан фойдаланиши форс-тожик тилидаги шеърларида янада маромига етиб тасвирланади. Сарв (кипарис) тимсоли мумтоз адабиётимизда ҳар доим тик, гўзал қомат рамзини ифодалаб, ёр бўй-бастига қиёс қилинган. Жомеъ ташбиҳида ёр қадди -қомати биринчи даражага кўтарилиб, шоирлар томонидан мадҳ этилган сарв эса ёрнинг келишган қоматига ҳавасманд тарзида кейинги ўринда тасвирланади:

Сарв бо якпо ситода солхо, ки аз баҳри он,

Шояд ўро рўзе зулфи сиёҳат шона кард.

(Сарв қора сочларингни тараш учун йиллар давомида бир оёқда туради.)

Туркий шеърятдаги туюқ жанрининг форс-тожик тилида қўлланилиши муваффақиятли чиққанлигини таъкидлаш лозим:

Агар ту мардихуб **чорасози**,

Ба кори дустон кун **чорасози**,

Агарчи кори мо бечораги ҳаст,

Набошад кор хо бечора, **сози**.

(Агарда сен яхши одам бўлсанг ҳамма нарсанинг иложини топ, дўстлар ишига ёрдам бер, бизнинг ишимиз чорасизлик бўлса, иложи йўқ иш бўлмайди, бир чорасини топ.)

Шоирнинг “Соқийё, тун-кун йўлингда кўзларим чор-чор” деб бошланувчи ғазали унинг бадий санъатлардан усталик билан фойдаланиш маҳоратини ўзида мужассам этган. Тузилишига кўра пароканда бу ғазалнинг ҳар байт ва мисраси қайтариш - радд- ул-ажуз ил-ас-садр ёки рад-ул-ажуз мин-ас-садр, тақрир ҳамда тажнис санъатининг ажойиб намунаси асосида тартиб берилган. Гарчи ғазал матлаъси соқийга мурожаат билан бошланса-да, шоир кейинги байтларни ижтимоий масалалар тасвирига қаратади. Таносуб ёрдамида ҳосил қилинган бадийлик қайтариш ва тажнис орқали янада

равонлик касб этади. Натижада тақрир, тажнис ва таносуб санъатлари уйғунлигида поэтик гўзал байт юзага келади:

Соқийё, тун-кун йўлингда кўзларим **чор-чор**,

Маҳфили аҳбоба сунғил, **соғари саршор шор**.

Соқий (май сузувчи) сўзи мумтоз адабиётимиздапир, маҳбуба ва илохий файз рамзига айланган бўлиб, асосан орифона ва ишқий мавзудаги ғазалларда қўлланади. Пароканда ғазалда келтирилиши биланбу сўз асл ва рамзий маъносини бироз кенгайтирганини, ижтимоийлик касб этганини сезиш мумкин.

Тарсий, тақрир санъатлари шоирга ижтимоий-сиёсий фикрлари, хусусан, мустабидлик ва руслаштиришга муносабатини ифодалашга имкон яратади:

Тор-мор бўлсун элимни истаганлар, **тор-мор**,

Хору зор бўлсун гулимни истаганлар, **хор-зор**.

Кейинги байт қайтариш санъатининг радд-ус садр- илал- ажуз (мисра бошидаги сўзнинг кейинги мисра охирида такрорланиши) тури ва тажниси мукаррар асосида яратилган бўлиб, давр сиёсатининг асл моҳияти аниқ очиб берилган:

Дори дунё неъматидин **бизлари** маҳрум этиб,

Бизни ўлдурмоқ учун қурдурди **улғаддор дор**.

Ғазалнинг навбатдаги байтида мавзу кескин ўзгариб, сўз ишқ ўтига келиб боғланади:

Ишқи ўти бирла бағрин андоғ ёндириб,

Ул ҳароратдин бўлиб кўксига **зуннор¹⁷ нор**.

[Зуннор -қадимда мусулмон давлатларида яшовчи христианлар мажбуран белга боғлаб юрадиган маълум бир рангдаги чилвир]. Шоир бу ўринда “зуннор” сўзининг иккинчи маъноси, яъни христиан дини вакиллари томонидан



бўйинга осиб юриладиган хочни назарда тутиб, гўзал ташбеҳ яратган: ишқ ўтидан бағри куйган ошиқ бўйнидаги темир хоч нор-оловга айланган. Айтиш мумкинки, мумтоз адабиётимизда кўп ҳолларда биринчи маъноси назарда тутилган ҳолда турли рамзларга эга бўлган зуннор сўзи шоир назарда тутган хоч маъносида ўзига хос рамзийлик ва мантиқий юк ташиган.

Куйида қайтаришнинг радд-ул-хашв-илал-ибтидо шакли ва тажниси мукаррар, тақрир ва таносуб санъатлари шоирмаҳоратини кўрсатиши билан бирга юқоридаги ижтимоий-сиёсий мулоҳазаларига яқун ясайди. Амир оми бўлса, мамлакат омонат (бу ўринда “орият” сўзининг “омонат” маъноси назарда тутилган) бўлиб қолади, меъмор алдамчи бўлса, у тарҳини чизган иморат обод бўлмайди.

Оми бўлса **омири** бўлғай **иморат** орият,

Бўлмагай маъмур **иморат**, бўлса гар **меъмор мор**.

Жомеъ ғазаллари сингари мухаммас, марсия-таърих ва рубоий, тўртликлари ҳам алоҳида қимматга эга. Айниқса, устоз ижодкорлар, дўсту биродарлар, шоирнинг яқинлари вафоти муносабати билан ёзилган (Алишер Навоий, Абдурахмон

Жомий, Қассоб, Рожеъ, Нақибхон Тўғрал, Ғафур Ғулом, Максуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Усмон Юсупов, Набирахўжа Валихўжаев, Ҳабиб Юсуфий ва ҳ.з таниқли сиймоларга бағишланган) ўзбек ва форс-тожик тилларидаги марсия-таърихлари шоир маҳорати билан бирга унинг шахс сифатида ижод, илм аҳлига муносабатини белгилашда муҳимдир. Атоқли шоир Ғафур Ғулом вафоти муносабати билан ёзилган таърих-марсиясидан бир неча байт келтирамиз:

Агар ояд ач ал халосе нест,
Хоҳ зори куниву хоҳи зур.
Омаду аз миёни моҳон бурд,
Шоири хушбаёни Абдулғафур...
Торихи фавташ аз хирад ч устам
Гуфт бар ман, бигу, ки: ”Рафт
Ғафур”.

(Охирги сўзлардан 1966 йил чиқади)

Шоирнинг таъриф-тавсифга, мусиқийлик ва оҳангдорликка бой, ўзига хос лиризмга йўғрилган икки тилдаги назм намуналари нашрга тайёрланмоқда. Ўйлаймизки, 20-80-йиллар мобайнида мумтоз йўналишда ижод қилиш билан бирга зуллисонайлик анъанасини ҳам муваффақият билан давом эттирган шоир ижоди ўз баҳосига эга бўлади.

Адабиётлар:

1. Жомеъ-Абдулқодир ибни Абдулазиз лирик мероси кўлёзма нусхаси (мусаввада).
2. Ҳалимов С. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX сар бошларида ўзбек ва тожик алоқалари. –Самарқанд: СамДУ нашриёти. 1978.
3. Ҳақиқати Ўзбекистон. 1964-йил. 21-август.
4. Қамарзода Аслиддин. Гулистони адаб. –Тошкент: Фан. 2007.
5. Хўжақулов С. Адабиёти давраи бедории миллӣ . –Тошкент: “Ўз. милл. Энси.” 2015.
6. Валихўжаев Б. Хожа Аҳрори Вали. Ҳужжатли эссе.- Самарқанд: Зарафшон нашриёти. 1993.
7. Фарҳанги забони тожикӣ . – 1-2 томлар. Москва:”Советская энциклопедия”. 1969.

Хуррамова З. Взгляд на жизнь и творчество Жомеъ. В данной статье приведены подробные сведения о поэте Жомеъ, который жил в 80-е годы XX века и писал в классическом направлении, чья жизнь и творчество были практически не изучены. В статье также приведены мнения о художественных чертах лирического наследия, газелей, пятистиший (мухаммас) на узбекском и персидско-таджикском языках, которые до сегодняшнего дня сохранились в виде рукописей.

Xurramova Z. Glance at life and creative work of Jome'. The article analyses detailed information about the poet Jome', who lived in the 80's of the XXth century and wrote in classical direction, but his life and creative works have not been researched so far. The article also gives ideas about literary features of his lyric heritage, gazzelles, five-line stanza (mukhammas) in Uzbek and Persian-Tajik languages, which are preserved in the form of manuscripts up to date.



L'ÉPOQUE HEROÏQUE COMME UN HERITAGE CULTUREL DU PEUPLE FRANÇAIS

Dulce et decorum est pro patria mori

*Tursunova Nargiza,
professeur de l'ILEES*

Mot-clés: *le Moyen Age, un manuscript, une poème historique, les jongleurs, une mélodie, un décasyllabe, une assonance, La Chanson de Roland.*

Les origines de la littérature française remonte à l'époque où s'est formée la nationalité française et la langue française est apparue. La littérature médiévale attire vivement l'intérêt jusqu'à nos jours. Avant de parler de la littérature de l'époque, il est nécessaire de préciser la période médiévale ou du Moyen Age. Il s'agit d'une période qui a duré plus de mille ans et qui se situe entre la fin de l'Empire romain en 479 et la découverte de l'Amérique en 1492. L'expression « le Moyen Age » signifie un âge moyen, une époque transitive entre deux âges d'or : l'époque romaine et l'époque de Renaissance. C'était une étape difficile marquée de famines, de guerres, de maladies et de sécheresse, et d'autres périodes plus agréables qui permettent aux villes se développer : on construit des châteaux et des cathédrales. C'était une période du régime féodal : les seigneurs, nobles chevaliers se chargent de défendre leurs terres, les paysans de la cultiver, les clergés de prier. Le rôle de l'église dans la société à ce temps-là était très important, en plus, elle était très puissante.

Le premier document écrit du Moyen Age en français titré comme *Les Serments de Strasbourg* a été découvert en 842, où ils'agit de deux fils de Charlemagne qui s'étaient jurés fidélité et aide mutuelle. La littérature médiévale reflète aussi les rapports des classes du système féodal donnant naissance à plusieurs genres différents : épopée, poésie, lyrique, drame, etc. C'est l'épopée héroïque qui occupe une place à part parmi les autres genres de cette époque. Née au XI^{ème} siècle épanouit en France après 1100, épopée s'est conservée sous forme appelée chanson de geste (le mot « geste » signifie « exploit »). Dans ces poèmes d'aventures guerrières où font revivre les personnages de l'époque carolingienne. La chanson de geste

est basée sur un événement historique, et le sujet lui-même est complété par les scènes et les éléments fantastiques et imaginaires. Ces chansons de geste étaient composées et exécutées par des artistes professionnels : bardes, musiciens, et sorte de bouffons-saltimbanques, appelés jongleurs qui chantaient leurs poèmes en s'accompagnant du violon ou de la viole.

Aujourd'hui on possède une centaine de poèmes dont les plus anciens remontent au début du XII^{ème} siècle. Chansons de geste comptent chacun de mille à vingt mille vers groupés en strophe de longueur inégale, de 5 à 40 vers décasyllabiques. Ces poèmes étaient chantés d'un bout à l'autre sur une seule mélodie (une mélodie – une musique monotone et triste). Les vers de chaque couplet sont terminés par les assonances, c'est-à-dire, la dernière voyelle de chaque vers est semblable ; on ne tient pas compte des lettres qui suivent. Par exemple, on observe une assonance entre « France », « avenante », « exemple » ; dans les chansons plus récentes les assonances sont remplacées par des rimes.

Les chansons de geste se composent de trois cycles : geste du roi, geste de Garin de Monglane et geste de Doon de Mayence. Les poèmes du premier cycle sont une épopée héroïque populaire. Le personnage principal est toujours le roi qui défend sa patrie et son peuple. L'œuvre le plus remarquable de ce cycle est la *Chanson de Roland*. C'est un des plus anciens et un des plus célèbres monuments de la poésie épique française. Le manuscrit d'Oxford est une version qui date de la fin du XII^{ème} siècle. Comme toutes les chansons de geste la *Chanson de Roland* décrit un événement historique. En 778 Charles I^{er}, le roi des Francs organise une expédition en Espagne. Il



assiège Sarogosse, mais sans succès. Il revient en France par les Pyrénées, dans une vallée, à Roncevaux, l'armée a été attaquée par les Vascons (Basques). Les montagnards voulaient se venger des Francs qui avaient dévasté leurs champs. Parmi les Français a été tué un certain Hrodland, comte de la Marche de Bretagne. Cette bataille a été embellie par l'imagination populaire qui en a fait une légende héroïque. En fait les rois des Francs voulaient conquérir les terres d'Espagne et défendre les chrétiens espagnols contre les Arabes musulmans qui tâchaient de pénétrer en Europe. Alors, le clergé donnait à cette guerre féodale une couleur religieuse. Les

« Il est vaillant le roi de douce France...

...Il faut endurer pour lui la grande chaleur et le grand froid,

Et perdre enfin de son poil et de son cuir.

Frapper de grands coups, voilà le devoir de chacun,

Afin qu'on ne chante pas sur nous de mauvaise chanson !

Les païens ont le tort, le droit est pour les chrétiens.

Ce n'est pas de moi qui viendra jamais le mauvais exemple !

Si l'épopée de ce cycle est surtout empreinte d'héroïsme patriotique, la place d'honneur dans les poèmes du second cycle (geste de *Garin de Montglane*) est réservée à l'image d'un vassal parfait, qui sert son roi et sa patrie. Par contre le roi apparaît faible, indécis, incapable de trouver les solutions, de défendre sa patrie – son royaume – sans l'aide de ses vassaux énergiques. Guillaume d'Orange est une figure centrale de ce cycle.

Dans les poèmes du troisième cycle (geste de *Doon de Mayence*) on représente des conflits intérieurs. Ce sont des féodaux aux prises avec d'autres féodaux, ou des vassaux rebelles qui se liguent contre leur roi. Il y en a d'autres, par contre, où s'exprime

Vascons, tribu chrétienne sont devenus les Sarasins, les païens, d'après le sujet de la Chanson. La défaite de Charlemagne était un grand désastre après 7 ans de guerre victorieuse. A cause de cela on a inventé la trahison de Ganelon pour expliquer la défaite des Francs. Roland, le neveu de Charlemagne, le chevalier parfait, meurt pour défendre sa patrie, « France la douce ». Ainsi une guerre entre les Francs et Basques, devient l'héroïque bataille contre les infidèles ; le combat dans une vallée a été confondu avec la bataille de Charlemagne contre l'émir Baligant, chefs des Maures :

de la sympathie pour les vassaux rebelles tandis que le roi y est représenté sous un jour défavorable.

Ce qui caractérise l'épopée française dans son ensemble, c'est la grande variété de situations, de caractères et de sentiments. Mais le plus grand mérite de l'épopée héroïque française est qu'elle nous dresse un large tableau d'ensemble de la vie du peuple français, de sa lutte courageuse pour la liberté et l'indépendance de sa patrie. D'où l'importance de l'épopée française non seulement pour l'histoire de la littérature française, mais aussi pour la littérature mondiale.

Littérature à consulter :

1. И.С.Берлин, А.Д. Помогаева, Т.А. Угрюмова. Littérature française. Просвещение, Москва, 1972.
2. С.С.Мокульский, А.Д.Помогаева. Littérature française. Textes choisis. Edition pédagogique, Moscou, 1955.
3. www.larousse.fr. Dictionnaire de français Larousse.

Турсунова Н. Героическая поэма как историческое наследие французского народа. В средние века во Франции зарождаются такие литературные жанры как героическая поэма, лирическая поэзия, рыцарский роман. Один из героических эпосов «Песнь о Роланде» – это



поэма, основанная на реальных исторических событиях. Подобного рода эпические произведения исполнялись жонглёрами (странствующие комедианты и музыканты в средневековой Франции). Существовало несколько версий в интерпретации разных жонглёров. Версия, дошедшая до наших дней, основана на оксфордской рукописи, датируется XII веком.

Tursunova N. The heroic poem as a cultural heritage of French people. In the Middle Ages in France appeared heroic poem, lyric poem, romance. One of the heroic epics was the Song about Roland, a poem based on real historical events. These kinds of epic compositions were signed by jugglers (passionate comedians and musicians in medieval France). There were several versions in the interpretations of different jugglers. Version that exists nowadays is based on Oxford's manuscript dated in 12th century.



АСПЕКТУАЛ-ТЕМПОРАЛ СЕМАНТИКАНИНГ ВОҶЕЛАНИШИ ХУСУСИДА

*Жураев И.И.,
ЖДПИ PhD докторанти*

Калим сўзлар: категория, аспект (тус), темпораллик, семантика, замон, функционал-семантик майдон, концепт, воқеалик, вақт.

Маълум шакл ва мазмундаги ахборотни узатиш воситаси бўлган матн мазмунида аспект-замон кўрсаткичларининг мавжуд бўлиши муқаррар талабдир. Зеро, бундай кўрсаткичларга эга бўлмаган ахборот ҳеч қандай коммуникатив аҳамиятга эга эмас. Бири иккинчисини бевосита тақозо этадиган аспект-замон концептларининг бир-биридан фарқи шундаки, макон – уч ўлчовли ҳодиса бўлса, замоннинг ўлчови ягона, у ўтган даврни орқада қолдириб, келажак сари ҳаракат қилади. Макон бир пайтда мавжуд бўлган объектларнинг жойлашиш тартиби, замон эса бирин-кетин содир бўлаётган ҳодисалар кетма-кетлигидир. Замон (вақт) концептининг воқеликни билиш ва ўзлаштирилган ахборотни узатишдаги ролининг муҳимлиги шундаки, «биз борлиқдаги ақл-идрокимизга бўйсунадиган барча ҳодисаларни замон нуқтаи назаридан идрок этамиз» [Маслова 2006:77].

Ҳар қандай мавзу ва даврга оид бадий матннинг тил хусусиятлари текширилади, унда баён этилаётган воқеликка макон ва замон нуқтаи назаридан ёндашиш керак бўлади, чунки ҳар қандай асар давр ва ҳудуд билан боғлиқ ҳолда яратилади.

Матннинг замон, яъни темпораллик структураси унинг мазмун-мундарижасининг узвий бир қисми бўлиб, у мазмун яратиш ва уни тушуниш фаолиятлари учун ғоятда муҳимдир. Тилшунос олим Ш.Искандаровнинг таъкидлашича, темпораллик «семантик категория бўлиб, у инсон томонидан сўзловчи нутқи моментида ёки бошқа ҳисоб нуқтасига нисбатан белгиланаётган вазиятлар ва уларнинг элементларини

қабул қилиш ҳамда англашни ифодалайди» [Искандарова 2007:121].

Темпораллик категорияси бадий ва бошқа турдаги матнларда муҳим стилистик, коммуникатив, прагматик вазифаларни бажариш учун хизмат қилади. Бадий матнларда темпораллик коммуникатив-экспрессив мазмунни шакллантириш, бадий образлиликни таъминлаш, қолаверса, хронологик кетма-кетликни ифодалаш, ифодаланаётган ахборотнинг тушунарлилик даражасини ошириш учун хизмат қилади. Темпораллик бадий матнларнинг лисоний ва бадий, мантиқий яхлитлигини, ахборот ифодалаш ва уни ўқувчига етказишни маълум даражада осонлаштирувчи воситалардандир.

Темпоралликни ифодаловчи воситаларни тасвир жараёнида қўллашда сўзловчи албатта маълум коммуникатив мақсадни кўзлайди ва шу мақсадни муваффақиятли амалга ошириш учун у шаклланаётган мазмунни аниқ нутқий вазиятга мослаштиришга ҳаракат қилади.

Темпораллик маъноси турли бирликлар орқали ифодаланиши маълум. Темпорал лексика тадқиқотчиси М.Ҳақимова грамматик замон шаклларини темпорал майдоннинг ядроси сифатида эътироф этади [Ҳақимова 2004:105], вақт маъноли лексема ва фраземалар эса бу ядрога нисбатан периферик майдонни ташкил этади, деб ҳисоблайди. Тадқиқотчи «лексик-фразеологик периферик майдон ва унинг ядроси марказий ядрога мансуб бўлган феъл замон шаклларининг абстракт грамматик маъноларини конкретлаштиришга ёрдам қилади» деган хулосага келади.

«Замон категорияси матнда темпораллик маъноси ва структурасини



яратувчи мантикий-лисоний омилдир. Аммо ушбу структуранинг юзага келиши барча турдаги матнларда ҳам бир хилда кечавермайди. Зотан, турли вазилавий услубларда кўзланадиган коммуникатив мақсад бир хил бўлмаганлиги сабабли, матнларда темпораллик маъноси ҳам ифода услуби ва мундарижавий таркиби билан фарқ қилиши табиийдир. Бинобарин, бадиий матнларда замон шартли категориядир, чунки унинг воқеланиши ва бажарадиган вазилавий узатилаётган ахборотнинг нореал, тўқима воқеликни баён қилиш услуби билан боғлиқдир» [Боймирзаева 2009].

З.Я.Тураеванинг таъкидлашича, бадиий матнда замон дунёни ўзига хос идрок этиш услуби намунаси. Бадииятда замон реал вақт оралиғини бевосита акс эттирмайди, аксинча, у реал (воқеий) замон ҳақидаги бизнинг тасаввуримиз ва тушунчаларимизнинг натижасидир [Тураева 1979:48].

Бадиий матн темпораллик тизимини ўрганишда замон категориясининг моҳиятини белгиловчи хусусиятларни ажратиш билан бир қаторда, бадиий замон семантикасини ифодалаш имкониятига эга бўлган лисоний воситалар гуруҳини ҳам аниқлаш вазилавийни қўяди. Бадиий замон моҳиятини белгиловчи хусусиятлар барча тиллар учун умумийдир ва бу хусусиятлар негизда замон категориясининг матн сатҳида шартли характердаги маъно касб этиши билан боғлиқлиги ётади. Ушбу сатҳда бирор-бир аниқ нутқ лаҳзаси (моменти) замон категориясининг ўлчов бирлиги (нуқтаси) бўла олмайди. Бадиий матнда вақт ўлчови асар персонажлари бажараётган ҳаракатлар ва содир бўлаётган воқеалар кетма-кетлиги, давомийлигига асосланади [Москальская 1981-114]. Замон категориясининг матнда бу йўсиндаги давомийлик ва тартиб муносабатларини юзага келтиришдаги роли, ушбу категория таҳлилида парадигматик ва синтагматик муносабатлар доирасидан чиқиб, интеграцияни таъминловчи

муносабатларни эътиборга олишга ундайди [Тураева 1979:48].

Ўзбек тилшунослигида бу борада қуйидагича фикрлар мавжуд: «грамматик замон категорияси, деб ёзади А.Ҳожиёв, - ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини ифодалайди» [Ҳожиёв 1975:475-476]. Ёки «пайт валентлигига таъсир этиш орқали кесимни шакллантиришда иштирок этиш ва ундан англашилган воқеликнинг нутқ моментига муносабатини ифодалаш замон категориясига хос хусусиятдир» [Сайфуллаева 2007: 208-209].

Темпораллик майдонининг марказини феълнинг замон шакллари эгаллашини эътироф этган С.Боймирзаеванинг қуйидаги фикрларини эслатиш ўринлидир: темпораллик маъноси матн мазмуни яратилишининг энг асосий шартларидан биридир ва бу маънонинг яратилишида турли лисоний шаклларнинг ўзаро муносабати ҳал қилувчи вазилавий ўтайди. Бири иккинчисини тўлдириш (бажариладиган вазилавий жиҳатидан) шакллар орасида феъл шакли асосий ўринни эгаллайди. Чунки матн мазмуни ва структураси яхлитлигининг асосий шартларидан бири феъл замон шаклларининг режалаштирилган коммуникатив режа талабларига мос ҳолда матн таркибида жойлашувидир. Демак, грамматик замоннинг матн темпораллик структураси тузилишида тутган ўрнини бошқа турдаги лисоний шакллар «соя»сига ўтказиб қўйиш анъанасидан воз кечиш пайти келди десак ҳам бўлади. Шу сабабли бадиий матнда темпораллик майдонининг марказини нима ташкил этишини билиш муаммоси матн тилшунослигининг муҳим вазилавийларидандир. Бу муаммонинг ечимини топиш учун турли мазмун ва ҳажмдаги бадиий матнлар темпораллик структурасини батафсил тадқиқ этиш эҳтиёжи туғилади [Боймирзаева 2009].

Инглиз тили вақтни бевосита атовчи ва вақтга алоқадор предмет, воқеа-ҳодисаларни номловчи от лексемаларга эга. Вақтни бевосита предмет сифатида номловчи от лексемаларнинг семик таркибида “вақт” семаси етакчидир. Вақт билан алоқадор предмет, воқеа-



ходисаларни номловчи от лесемаларда эса «вақт» семаси куйироқ мавқеда жойлашиб, у ўзидан умумийроқ семаларни аниқлаб келади.

Вақтни предмет сифатида номловчи пайт отларини фарқли семалари асосида саккиз гуруҳга ажратиш мумкин. Соф вақтни мавҳум предмет сифатида ифодаловчи отлар (вақт, пайт, маҳал, давр), вақт ўлчови отлари (секунд, минут, соат), сутка қисмлари отлари (кун, тонг), ҳафта кунлари отлари (душанба, сешанба), ой номлари отлар (январь, февраль), фасл номларини ифодаловчи пайт отлари (бахор, ёз) вақтнинг ўрнини ифодаловчи пайт отлари (азал, ибтидо, келажак), муайян ишнинг мақсадга мувофиқ ёки ўзига хос рўёбга чиқиш вақтни ифодаловчи отлар (фурсат, маврид, хонаси...) каби.

Вақт билан боғлиқ предмет, воқеа-ходиса, ҳолатларни ифодаловчи отларнинг семантик структурасида «вақт» семасининг етакчилиги кузатилмайди. Бундай темпорал отларни ўн бир мавзу гуруҳга ажратиш мумкин: вақт ҳисобини англатувчи отлар (календарь тана), маросим отлари (уч, етти, йигирма), вақт билан боғлиқ овқатларни ифодаловчи отлар (сахарлик, нонушта), байрам ва тадбирларни ифодаловчи вақт семантикали отлар (наврўз, кеча, арафа), муайян вақт билан боғлиқ нашрларни ифодаловчи отлар (рўзнома, ойнома), сўзларнинг қўлланиш замонини ифодаловчи отлар (неологизм, архаизм), одамнинг ёш турларининг номларини ифодаловчи лексемалар (нинни, бола, чол), қариндошликни ифодаловчи отлар (фарзанд, ака, опа), табиий ва ижтимоий ходисалар билан боғлиқ муҳим даврларни ифодаловчи байналмилал отлар (палеол, мезолид каби), вақт билан боғлиқ мусобақа томошаларининг қисмларини ифодаловчи отлар (шарт, финал), вақт билан боғлиқ ҳолат билдирувчи отлар (болалик, ўспиринлик, йигитлик).

Вақт маъноли лексемалар муайян луғавий семантик ёки лексик-грамматик (сўз туркуми) системага «вақт» архисемаси асосида бирлашади. Аввало шуни айтиш

керакки, «вақт» лексемасида семема (мустақил қўллана олувчи маъновий бутунлик) ҳолатида бўлиб, унда объектив вақт ходисаси тафаккур ва тил ҳамкорлигида лексик семантикага айлантирилган. От лексема бўлган «вақт» лексемасининг семантик мундарижасида вақтнинг му-ҳим белгилари (семалари) акс этган. Бизнингча, «вақт» лексемасининг семемаси семаларини «нарса», «ҳаракат», «давомийлик», «ўлчанувчан», «галма-галлик», «алмашинув» кабилар ташкил этади. Демак, «вақт» лексемасининг маъносини «нарса ҳаракати давомийлигидаги ўлчанувчан галма-гал алмашинув» деб таърифлаш мумкин. Одатда вақт семантикасининг муҳим белгилари сифатида бир ўлчамлилик (йўналишлилик), қайтарилмаслик, чексизлик, бир жинслилик кабиларга эътибор берилади. Диққат қилинса, бу белгилар вақт семантикасида бевосита ва билвосита ифодаланади. Хусусан, бир жинслилик «галма-галлик» ўлчови семасида (дақиқа, соат каби), бир ўлчамлилик, чексизлик белгилари эса «давомийлик» (узлуксизлик) семасида акс этган.

От сўз туркумидаги темпорал лексемалар вақт маъноли равишлар, сифатлар, олмошлар, феъллар, кўмакчилар, боғловчилар, юкламалардан фарқланади. Вақт отларида «пайт» семаси «предмет» семасидан кейин туради ва шунинг учун ҳам улар нима? сўроғига жавоб бўлади. Биз қуйида вақт маъноли отларнинг семантик (семик) структураси ва лексик-семантик гуруҳларини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Инглиз ва ўзбек тиллари луғат таркибидаги вақт семантикали от лексемаларни таҳлил қилганимизда мазкур лексемаларда вақт ифодалаш даражаларининг турлича эканлиги маълум бўлди. Бу эса «вақт-time» семасининг турли семемаларнинг семик таркибида турлича ўринларда келиши билан белгиланади. Ўзбек тили барча тиллар каби бевосита вақтни, унинг кўринишлари ва бўлинишларини атовчи **вақт-time, палла-moment, фурсат, он, замон, кун-**



day, тун-night, соат, баҳор-spring, ёз-summer, якшанба-sunday, январь-january каби от лексемаларга ва шу билан бирга вақтга алоқадор предмет, воқеа-ҳодисаларни номловчи «тушлик-lunch» (туш пайтида ейладиган таом), «хроника-chronicle» (тарихий воқеаларнинг вақтий кетма-кетликда ёзилиши), «ойлик-salary» (хар ойда олинадиган иш ҳақи), «ҳамаср» (бирор кимса билан бир асрада яшовчи) каби от лексемаларга эга. Бевосита вақтни предмет сифатида номловчи от лексемаларнинг семантик таркибида «вақт» семаси етакчи семалардан бўлиб, агар В.Кузнецованинг илгари сурган семалаш усулига асослансак, мазкур «вақт» семаси вақтни бевосита номловчи от лексемаларда «предмет» категориал грамматик семасидан кейинги мавқедаги лексик-грамматик семадир.

Вақт билан алоқадор предмет, воқеа-ҳодисаларни номловчи от лексемаларда ҳам «вақт» семаси соф ёки коришиқ ҳолларда учрайди, лекин унинг етакчилиги кўзга ташланмайди. Мазкур лексемаларнинг семемасида «вақт» семаси кўйроқ позицияда жойлашиб, у ўзидан умумийроқ семаларни аниқлаб келади. Ўз-ўзидан маълумки, «вақт» семасининг ўрнини вақт билан алоқадор предметнинг умумий тавсифловчи семаси эгаллайди.

Инглиз ва ўзбек тилларида вақт семантикасини пайт равишлари, ҳолат ва миқдор равишларининг семантик суруктурасида кузатиш мумкин.

Пайт равишлари «вақт-time-temporality» ифодаловчи луғавий системага «вақт-time» умумий семаси билан киради ва айни пайтда унинг ўзи ҳам элементар микросистемадир. Бу микросистема элементлари «вақт» ифодаловчи луғавий системанинг бошқа ташкил этувчиларидан фарқли ўлароқ нисбатан соф вақтни ифодалайди. Пайт отлари вақтни предмет сифатида атаса, пайт равишлари ҳаракатнинг соф содир бўлиш вақтини билдиради ва қачон?, қачонгача?, қачондан бери? саволларига жавоб бўлади. Лекин пайт равишлари ҳаракат бажарилишининг аниқ вақтини кўрсата олмайди. Эътибор қилинса, «кеча»

сўзи «2004 йилнинг 3 феввали» деган жумладан ёки «кечкурун» сўзи «соат 20 дан 30 дақиқа ўтганда» жумласидан мавҳумроқдир. Лекин шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, пайт равишлари билдирган вақт морфологик вақт, яъни феъл замон формалари ифодалайдиган вақтга нисбатан аниқроқдир: ўқиш бошланди, кеча ўқиш бошланди. Демак, пайт равишларининг семантик мундарижасида «вақт» семаси ошкор ва етакчидир.

Пайт равишларини уларнинг вақт турларини ифодалашига кўра олти гуруҳга ажратиш мумкин. Булар объектив ва ҳаётий вақтнинг у ёки бу белги-хусусиятларини ифодалаш учун шаклланган:

1. Келаси замонни ифодаловчи пайт равишлари. Бу гуруҳга **эртага, кейин, кейинча, сўнг, сўнгра, энди, эндигина, эндиликда, ҳализамон** лексемаларини киритиш мумкин. **Кейин, сўнг, сўнгра** сўзлари ўзаро синоним бўлиб, уларнинг асосий семалари айнандир. Фарқликлар уларнинг услубий қўлланишидадир. Тавсифи: кейин – вақт, маълум вақт ўтгач, келаси; таърифи: маълум вақт ўтгач; **энди** – сўзлашув, вақт, кейин; таърифи: сўзлашув вақтидан кейин; **ҳализамон** – вақт, озгина вақт ўтгач, келаси; таърифи: озгина вақт ўтгач.

2. Ўтган замонни ифодаловчи пайт равишлари. Булар **боя, бошлаб, бошда, яқинда, яқиндан, аввал, бурун, илгари, олдин, дастлаб, даставвал, азалда, азалдан, ҳалигача, ҳали, ўша-ўша, шу-шу, кеча, бултур** каби лексемалардир. Ушбу лексемаларнинг кўпи ўзаро синонимик қаторлар ташкил қилади. Масалан, **аввал, олдин, бурун, қадим** сўзлари ўзаро синоним бўлиб, «ўтган вақт-(лар)да», «ҳозирги вақтга қадар» маъносини ифодалайди. Ушбу синонимик қаторда сўзлар кўшимча маъно нозикликлари ва қўлланишига кўра фарқланади. **Аввал, олдин** сўзлари ҳозирга яқинроқ ўтган вақтни, илгари сўзи кўпинча **аввал, олдин, қадим** сўзларига нисбатан ҳам узокроқ ўтмишни билдиради. Бу сўзлар услуб жиҳатдан ҳам фарқланади.



Семантик структураси: **аввал** – вақт, ўтган, ҳозирга қадар; таърифи: ўтган вақтларда, ҳозирги вақтга қадар. **Дастлаб, даставвал, аввал, олдин, бошлаб, аввали, аввалбоши, аввало, бошда** лексемалари ҳам ўзаро синонимик қатор ҳосил қилиб, «биринчи галда», «биринчи навбатда» маъносини ифодалайди. Маълумки, ҳодисалар вақтда галма-гал рўй берар экан, вақт ўрни тушунчаси ҳам шаклланади. Вақтда воқеа-ҳодисаларнинг биринчи навбатда содир бўлишини ушбу синонимик қатордаги сўзлар акс эттиради. **Дастлаб, даставвал, аввал, олдин, бошлаб, аввалги, аввалбоши, аввало, бошда** лексемаларининг семалари: вақт, биринчи галда. Таърифи: биринчи бўлиб, биринчи галда. Шунингдек, **боя** – вақт, илгари, бир оз; таърифи: бундан бир оз илгари; **ҳали** – вақт, илгари, бир оз; таърифи: бундан бир оз илгари; **яқинда** – вақт, илгари, бироз; таърифи: бундан бир оз илгари; **кеча** – вақт, сутка, бугундан олдин, ўтган; таърифи: бугундан олдин ўтган кун; **бултур**–вақт, йил, олдинги, ўтган. Таърифи: олдинги ўтган йил.

3. Ҳозирги замонни ифодаловчи пайт равишлари. Ушбу гуруҳга **ҳозир, ҳозирдан, ҳалитдан** лексемалари киради. Ўзбек тилида ҳозирги замонни ифодаловчи лексемалар оз бўлиб, борлари ҳам бир ўзакдан ясалган сўзлардир. Бу эса ҳозирги замоннинг чексиз вақт давомийлигидаги ўтган ва келаси замонни ажратиб турувчи қисқа бир нуқта эканлигидан дарак беради. Ушбу лексемаларнинг семик мундарижаси қуйидагича бўлиши мумкин: **ҳо-зир** – вақт, сўзланган пайт; таърифи: нутқ сўзланиб турган пайтда; **ҳозирдан** – пайт, шу пайт; таърифи: шу пайтнинг ўзида; **ҳалитдан** – шу пайт, бошламок; таърифи: шу пайтдан бошлаб.

4. Инкор пайтни ифодаловчи равишлар. Ушбу гуруҳга **ҳеч вақт, сира, минбаъд** лексемалари киради. **Сира** (минбаъд) – ҳеч, вақт, инкор; таърифи: ҳеч қачон, ҳеч вақт.

5. Гумон вақтни ифодаловчи пайт равишлари. Булар маълум иш-ҳаракат юзага чиқиш вақтининг гумон, тахмин эканлигини билдиради. Уларга **аллақачон,**

қачондир, бирда, эрта-индин, бугун-эрта, вақт-бевақт, авваллари лексемалари мисол бўлади. Ушбу лексемаларни қуйидагича семик таҳлил қилиш мумкин: **бирда** – вақт, кун, гумон; таърифи: қайси бир куни; **қачондир** – кун, келажак, гумон; таърифи: келажак кунларининг бирида; **авваллари** – вақт, ўтган; таърифи: ўтган вақтда; **аллақачон** – вақт, олдин, анча; таърифи: анча вақт олдин; **эрта-индин** – кун, келаси, гумон; таърифи: яқин кунларда; **бугун-эрта** – кун, яқин, гумон; таърифи: яқин кунларда; **вақт-бевақт** – пайт, исталган, ноаниқ; таърифи: исталган бир пайтда.

6. Узлуксизликни ифодаловчи пайт равишлари. Ушбу гуруҳга вақтдаги тўхтовсиз давомийликни ифодаловчи равишлар киритилади. Улар чегарасиз ва чегарали узлуксизликни ифодаловчи гуруҳларга ажратилди. Чегарасиз узлуксизликни билдирувчиларга **доимо, доим, мудом, ҳамиша, ҳар вақт, ҳар доим, ҳар қачон** сўзлари мансубдир.

Доим (доимо) – вақт, доимийлик, чексизлик; таърифи: ҳамма вақт, доимо; **ҳамиша, мудом, мангу, ҳамма вақт** – вақт, доимийлик, чексизлик; таърифи: ҳамма вақт.

Чегарали узлуксиз вақтни ифодаловчи равишларга **кунлаб, соатлаб, ойлаб, йиллаб, умрбод, туну кун, йилмайил, эртаю-кеч, уззукун, шаф-рўз, минутлаб, кундан-кунга, кунда, ойлаб-йиллаб** каби лексемалар киради. Семантик таркиби: **соатлаб** – соат, бир неча, давомли; таърифи: бир неча соат давомида; **кунлаб** – кун, бир неча, давомли; таърифи: бир неча кун давомида; **ҳафталаб** – ҳафта, бир неча, давомли; таърифи: бир неча ҳафта давомида; **ойлаб** – ой, бир неча, давомли; таърифи: бир неча ой давомида; **умрбод** – вақт, ўлгунча, давомли; таърифи: ўлгунга қадар; **уззукун** – кун, эрта, кеч, давомли; таърифи: кун бўйи, эртадан кечгача; **эртаю кеч** – эрта, кеч, давомли; таърифи: эртадан кечгача.

Хуллас, аниқ вақт ўлчовини англатувчи пайт отларининг лексик-семантик парадигмаси микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига



ўтишини акс эттирувчи система шаклига эга.

Баён этилаётган воқеа-ҳодисаларнинг аниқлигини, ишонарлилигини таъминлашда баъзан замон кўрсаткичларидан ташқари, вақтга ишора қилувчи сўзлар ва сўз бирикмалари ҳам иштирок этади.

Вақт маъносини ифодаловчи бирликлар бадий матнда ўзаро боғланиб, баён қилинаётган воқеа-ҳодисаларнинг континуумини, хронологик кетма-кетликни ифодалашга хизмат қилади. Ҳар қандай турдаги матнда вақт континууми бўлиши шарт, матн тури, услуби ва муаллифнинг прагматик мақсадига қараб вақт маъносининг ифодаланиши турли даражада, яъни аниқ ёки нисбатан ноаниқроқ берилиши мумкин. Вақт

континууми кўпроқ тарихий мавзудаги бадий матн турларида нисбатан ёрқин ва аниқроқ тарзда акс эттирилади. Матн компонентлари эса темпорал маънога эга сўзлар занжири билан узвий боғланади. Вақт маъноли лексемалар матнда гапларни ўзаро шакл ва мазмунан бирлаштиришга хизмат қилувчи асосий восита бўлиб хизмат қилади. Бир оз бошқача айтганда, улар гапларни мазмун ва синтактик жиҳатлардан боғлаган ҳолда матн шакллантириш имкониятига эга.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бадий ва бошқа турдаги матнларни яратиш ва унинг бадий ва лисоний яхлитлигини таъминлашда аспектиал-темпорал маъноли бирликларнинг аҳамияти катта.

Библиография:

1. Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику. -М.: Флинта-Наука, 2006. -296 с.
2. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. -Тошкент: Фан, 2007. - 152 б.
3. Ҳакимова М.К. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Фарғона, 2004. -23 б.
4. Боймирзаева С. Матн мазмунида темпораллик семантикаси. –Тошкент: ЎЗМЭ, 2009.
5. Тураева З.Я. Категория времени. Время грамматическое и время художественное. – М.: Высшая школа, 1979.
6. Москальская О.И. Грамматика текста. – М.: Высшая школа, 1981.
7. Ҳожиёв А. Фель //Ўзбек тили грамматикаси. Морфология. –Т.: Фан, 1975, 475-476 б.
8. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. –Тошкент: 2007, 208-209 б.

Jurayev I. Eventfulness of aspectual-temporal semantics. This paper considers eventfulness of the aspectual-temporal semantics. It overviews the temporality as one of the category of functional-semantic grammar. Herein are given statements on the matter of the tense, field and time notions.

Жураев И. О событийности аспектуально-темпоральной семантики. В данной статье рассматривается событийность аспектуально-темпоральной семантики. Описывается темпоральность как категория функционально-семантической грамматики. Здесь также предложены некоторые утверждения по вопросу понятий времени, поля и время.



БИЛВОСИТА НУТҚИЙ АКТЛАРНИ ТАЛҚИН ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ (ЭТНОПРАГМАТИК ОМИЛЛАР)

Шамахмудова Азиза,
СамДЧТИ (PhD) докторанти

Калим сўзлар: нутқий акт, имплицит, эксплицит, бирламчи иллокутив акт, иккиламчи иллокутив акт, адресат, интенция, перформатив феъл.

Кундалик мулоқот нутқимизда айрим ҳолларда билвосита нутқий фаолиятдан фойдаланишга тўғри келади: сўзловчи аниқ бир мақсадда билвосита нутқий тузилмани танлаб олади ёки ўз фикрини билвосита йўл билан баён этади.

Илк марта файласуф ва мантиқшунос олим Ж. Остин томонидан нутқий актлар назарияси назарий прагматиканинг марказий муаммоларидан бири сифатида талқин қилинган. Унинг фикрича лисоний бирлик нафақат мантиқ ва лисон нуқтаи назаридан рост ёки ёлғон бўлиши мумкин. Ж Серль нутқий актга уч босқичли фаолият сифатида қарашни таклиф этади. Бу босқичларда уч хил ҳаракат амалга оширилади: локутив, иллокутив ва перлокутив. Билвосита нутқий актлар тўғридан-тўғри иллокутив актлар билан боғлиқ бўлган ҳодисадир.

Ж. Серль билвосита нутқий актлар қандай қилиб сўзловчи айни бир нутқий тузилма воситасида, нафақат ундан келиб чиқадиган маънони, балки шунингдек бошқа бир мазмунни ифодалаши мумкин, [Падучева 1985: 63] деган муаммони ёритиб беришга ҳаракат қилган. Бир иллокутив акт бошқа бир иллокутив актни ифодалаш орқали амалга оширилади. Нутқий бирликларнинг структуравий тузилиши ва ифодалайдиган маъносига нисбатан фарқи билвосита нутқий актлар гуруҳини ажратиш имконини беради. Ўзаро мулоқот жараёнида грамматик ва фонетик жиҳатдан шакллантирилган қандайдир нутқий ҳаракат амалга оширилади. Сўзловчи тингловчига аниқ бир иллокутив таъсир ўтказишга ҳаракат қилади. Масалан, китоб дўконига кирган харидор тепадаги жавонда турган китобни кўриб чиқмоқчи. У бу хоҳишини икки хил йўл билан амалга ошириши мумкин.

1: *Traeme este libro, por favor.*

2: *¿Eres capaz de alcanzar el libro que está encima del estante?*

Биринчи мисолда *traeme* перформатив феъли илтимос маъносини билдиради. Иккинчи нутқий тузилма эса сўроқ лисоний бирлиги сифатида шакллантирилган бўлса-да, сўзловчи тингловчидан “ха” ёки “йўқ” жавобини кутмаяпти, балки тингловчига мурожаатида сўроқ орқали илтимосини баён этипти. Перформатив эксплицит ифодаланмаган, аммо иллокутив мақсад имплицит, яъни билвосита воқелантирилган. Нутқий тузилмада адресантнинг мулоқот мақсади иллокутив ҳаракат воситасида билвосита нутқий акт сифатида воқелантирилган.

Билвосита нутқий актларнинг таркиби икки иллокутив актдан иборат бўлади. Ж. Серль ва унинг издошлари уларни бирламчи ва иккиламчи иллокутив фаолият деб атаганлар. Бирламчи иллокутив акт нутқий тузилманинг ҳақиқий ниятини ифодалайди. Иккиламчи нутқий акт эса шаклий тузилишидан келиб чиққан иллокутив актни воқелантиради. Иккинчи мисолда *китобни олиб бериш* илтимоси бирламчи иллокутив акт, савол эса иккиламчи иллокутив акт ҳисобланади. Тингловчи ижобий ва салбий жавоб беришига қараб бирламчи ёки иккиламчи иллокутив актни танлаб олиши мумкин. Бу бевосита инкор вазиятида ноқулай вазиятнинг олдини олишга хизмат қилади ёки адресатга талаб қилинган ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқини беради. Масалан, Шимолий Америкадан Испанияга самолётда учаётган эр-хотиннинг суҳбатини олайлик:



- *Tu sabes, Susana, que yo no puedo dormir en un avión. No sé qué voy a hacer.*

- *Pues, si no puedes dormir, puedes leer el periódico. Pero yo voy a tratar de dormir*

[Wasserman 2009: 16].

Ушбу нутқий тузилмада Хавиер самолётда ухлай олмаслиги ҳақида хабар бериши шунчаки ахборот бериш мақсадида эмас, балки аёлини у билан суҳбатлашиб ўтиришга таклиф қилиш нияти билан боғланган. Аммо Сузана эрининг билвосита таклифини тушунган бўлса-да, унинг иккиламчи интенциясини асосий сифатида талқин этиш орқали рад жавобини беради. Билвосита нутқий актларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, сўзловчи талаб этилган ҳаракатни бажариш-бажармаслик тўғрисида қарор қабул қилишни тингловчи зиммасига юклайди. Агар адресат ундан кутилган ҳаракатни амалга ошириш нияти бўлмаса, руслар айтганидек “строить из себя дурочку”, яъни ўзини тушунмаганга солиб, вазиятдан чиқа олиш имкониятига эга бўлади.

Ўз хоҳиш-истагини билвосита ифодалаш жараёнида сўзловчининг билвосита нутқий актни лисоний жиҳатдан тўғри шакллантириши муҳим роль ўйнайди. Билвосита нутқий актлар конвенционал ва ноконвенционал гуруҳларга бўлинади [Формановская 2007 :22].

Конвенционал нутқий актлар деб сўзловчи томонидан шубҳасиз бир бутун семантик-грамматик бирлик сифатида қабул қилинадиган лисоний бирликларга айтилади. Масалан, савол шаклидаги илтимослар:

¿Puedes alcanzarme la sal?

¿Podrías estar un poco más callado?

¿Tú podrías estar un poco mas callado?

¿Tienes cambio de veinte duros?

[Серль 1986: 48]

Конвенционал нутқий актлар бир томондан фразеологизмларга ўхшаб кетади, аммо фразеологизмлар уларга бириктирилган аниқ маънога эга. Билвосита нутқий актлар эса бундан

мустасно, яъни мулоқот воқеланган вазиятга қараб турлича маъноларда акс этган бўлиши мумкин. Масалан, “*Хорманг*” нутқий тузилмасига “*Бор бўлинг*” деб жавоб қайтарилади. Аммо “*¿Puedes traducir este texto?* “Ушбу матнни таржима қила оласанми?” каби адресатнинг ҳаракатни бажара олиш имконияти билан боғланган нутқий тузилмаларга “*Ҳа, мен испан тилини яхши биламан*” деб жавоб бериш мумкин бўлади. Бу ҳолда тингловчи илтимос сифатида савол шаклидаги лисоний бирликларни қўллашдан сақланиши лозим.

Нутқий мулоқотда ушбу лисоний бирликларнинг билвосита иллокутив вазифаси – илтимоснинг хушмуомала ифодаланишидир. Иккиламчи иллокутив акт- савол, бирламчи иллокутив акт эса- илтимос.

Ўзбек тилида илтимос билвосита нутқий актларининг савол шаклида тузилиши кўп учрамаса-да, улардан маълум даражада фойдаланишимизни кузатишимиз мумкин. Уларда шарт ва конвенциаллик аломатлари намоён бўлади. “Илтимос” бирламчи иллокутив актлар ва “савол” иккиламчи иллокутив актлар орасида тизимли алоқа намоён бўлади.

Масалан:

1. Бўстонсарой кўчасига қандай боришни айта олмайсизми?
2. Эшикни ёпиб юборасизми?
3. Мабодо, ёнингизда ортиқча пулингиз йўқми? (-Оёқларнинг чигилини ёзмайсизми бир? (УУК - 11); - Азизлар, ташқари совук, биров бизни ишла деб мажбур қилмайди. Лекин бўйнимиздаги вазифамиз-да ... Бир уриниб кўрмаймизми? (РПК - 87); - Меҳри, кинога чикмаймизми? (КНЕ - 28) –“)

Нутқий мулоқотда ушбу лисоний бирликларнинг билвосита иллокутив вазифаси – илтимоснинг ҳурмат тамойили асосида ифодаланишидир. Иккиламчи иллокутив акт - савол, бирламчи иллокутив акт эса- илтимос. Ушбу келтирилган мисолларнинг бевосита ифодаланиши куйидагича шакллантирилади:



1. Бўстонсарой кўчасига борадиган йўлни кўрсатинг.
2. Эшикни ёпинг.
3. Менга қарзга пул бериб туринг.

Конвенционал билвосита нутқий актларга тескари равишда ноконвенционал нутқий актлар мавжуд бўлиб, уларнинг интенциясини тил соҳиблари томонидан матндан айри ҳолда тушуниб бўлмайди [Naverkate 1994: 96].

Ноконвенционал билвосита нутқий актнинг икки иллокутив акти ўртасида тизимли муносабат мавжуд бўлмайди. Улар шарт ёки конвенция табиатига эга эмас. Сўзловчи ва тингловчининг бир-бирини тушуниши матн мазмуни ва уларнинг умумий фон билимларига боғлиқ. Билвосита нутқий актларда билвоситалик аспекти тушунтиришда нутқий мулоқот ҳамкорлигининг (Грайс томонидан тавсифланган қисми) умумий тамойиллари, сўзловчи ва тингловчининг умумий фон билимлари ҳамда тингловчининг тўғри хулоса чиқара олиш қобилияти зарурдир. Нутқий тузилманинг бирламчи иллокуцияси ҳақида тўғри ҳукм чиқариш учун кўйиладиган қадамлар кетма-кетлигини ихчам кўринишда тақдим этиш мумкин. “El Crimen de la Ñ” ҳикоясидан келтирилган Раул ва Франсеска ўртасида кечган суҳбат мисолида Ж.Серль (Серль 1986: 199) таклиф этган билвосита нутқий актларнинг интенциясини тўғри талқин этилишини босқичма-босқич таҳлил қилиб чиқсак:

-Mira... es que esta tarde no tengo que trabajar y... en fin... quería saber si te gustaría venir al cine conmigo.

- Mañana tengo el examen. Le prometí a mi madre que sacaría las mejores notas.

[Nieves 2006: 73]

1-қадам: Мен А га айни бир таклифни билдирдим ва у бунга жавобан унинг имтиҳонга тайёргарлик кўриши кераклиги тўғрисидаги жавобини билдирди (ушбу суҳбатга оид диалоглар).

2-қадам: Тахмин қиламанки, ушбу суҳбат доирасида А ўзаро фаолият релевантлиги қоидаларига амал қилган, шундай экан, унинг нутқий тузилмаси

мулоқотнинг ҳамкорлик тамойилига асосланган.

3-қадам: релевант жавоб қуйидагилардан бири бўлиши керак: таклифни қабул қилиш, таклифни рад этиш, бошқа таклиф билдириш, таклифни муҳокама қилиш ва ҳоказо (нутқий актлар назарияси).

4-қадам: Аммо Б ифодалаган нутқий тузилманинг луғавий мазмуни бу турларнинг ҳеч қайси бирига тўғри келмайди ва шунинг учун релевант жавоб ҳисобланмайди (1 ва 3 қадамга асосланган ҳукм).

5-қадам: Шундай қилиб, балки талаффуз қилинган нутқий тузилмада ўзга бир мақсад назарда тутилган. Унинг жавобининг релевантлигига ишонадиган бўлсак, унинг бирламчи иллокуцияси шаклий иллокуциясидан фарқ қилади (2-ва 4-қадамга асосланган ҳукм). Бу қадам ҳал қилувчи характерга эга. Агар тингловчи бирламчи иллокутив мақсад шаклий иллокутив мақсаддан фарқ қилиши асосида шаклланадиган хулосалар стратегиясига амал қилмаса, у билвосита иллокутив актларни тушуниш қобилиятига эга бўлмайди.

6-қадам: Биламанки, имтиҳонга тайёрланиш одатда анча вақтни талаб қилади ва кинога тушиш ҳам анча-бунча вақтни талаб этади. (далиллаштирувчи фон ахборот).

7-қадам: Шундай қилиб, кўриниб турибдики, у бир пайтнинг ўзида ҳам кинога бориш ҳам имтиҳонга тайёрланиш имкониятига эга эмас (6-қадамга асосланган ҳукм)

8-қадам: Маълум бир таклифнинг қабул қилинишини тайёрловчи шароитлар пропозиционал мазмунда акс этган ҳаракатни адресат бажара олиш имкониятига эга эканлигидан хабардор бўлишни тақозо этади.

9-қадам: Демак, мен шуни биламанки, у балким менинг таклифимни қабул қила олмаслиги тўғрисида ахборот берган бўлиши мумкин (1-,7- ва 8-қадамдан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган хулоса).



10-қадам: Шундай қилиб, бирламчи иллокутив мақсад таклифни рад этишдан иборат (5 ва 9-қадамдан келиб чиққан хулоса). Раул буни тўғри фаҳмлади, чунки агар Франсеска кинога борса имтиҳонларга тайёрлана олмайди ва уларни муваффақиятли топшира олмайди. Имтиҳонларни топшира олмаса ўз юртига қайтишига тўғри келади, аммо Раул буни хоҳламайди. Шунинг учун учрашувни кейинги сафарга қолдиришни маъқул кўришади.

Жонли суҳбатда мулоқот интенцияси ҳақида тўғри хулоса чиқариш жараёни бунчалик мураккаб кечмайди. Суҳбатнинг самарали кечиши сўзловчи ва тингловчининг умумий фон билимларига боғлиқ бўлади. Билвосита нутқий актларнинг тўғри талқин этилиши кундалик мулоқотда, айниқса маданиятлараро мулоқотда муҳим ўрин эгаллайди. Ожегова луғатида келтирилишича: илтимос бу – адресантнинг хоҳиш, истагини рўёбга чиқариш йўлида бировга қаратилган мурожаат. Рад этиш – илтимос, талабга билдирилган салбий жавобдан иборатдир. Директив нутқий актларда кўпинча конвенционал билвосита нутқий актларга дуч келамиз. Испан ва ўзбек мулоқот матнининг намунавий шакли ўхшаш бўлишига қарамасдан, ҳар ҳолда маданиятлараро мулоқот шароитларда билвосита нутқий актлар ифодаланишининг бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Коммуникатив мақсад – интенцияни ботиний, яширин ҳолда ёки билвосита ифода этиш барча миллатларга хосдир. Аммо билвосита нутқий актларнинг таснифий гуруҳларга ва уларни ифодаловчи лисоний шакллар қатори турли тилларда бир хил кўринишга эга бўлмайди. Мисол учун, француз тили соҳиблари мактов, таҳсин изҳор этиш учун бармоғининг учини ўпиб қўйса етарли. Испан ва инглизлар мазмунни билвосита ифодалашда кўп ҳолларда сўроқ шаклига мурожаат қиладилар. Ўзбеклар нутқида илтимосни ифодалашда савол шаклларида кам фойдаланилади. Турли

миллат вакилларининг сергаплик даражаси ҳам бир хил эмас, кўп гапиришдан турли мақсад кўзланиши мумкин, Марказий Осиё халқларига “Аҳволингиз қандай? Уй ичи, болаларингиз тинчми?” саволлари билан мурожаат этсангиз, “Худога шукур!” жавобини олишнинг ўзи етарли. Худди шу саволни англосаксонларга берсангиз, уларни ҳайрон қолдиришингиз ва умуман жавоб олмаслигингиз мумкин. Олмонлар эса батафсил жавобга тайёрлар, улардан ҳатто ўз организмлари қай аҳволда эканлигини сўрасангиз ҳам ажабланмайдилар. Японлар эса ҳар қандай саволга тўғридан-тўғри ва аниқ жавоб беришдан қочадилар [Сафаров 2008: 241]. Испан тил соҳиблари эса “¿Que tal?” сўроғига шунчаки “¿Que tal?” деб жавоб қайтардилар. Бир-бирини меҳмон қилишда ўзга маданият ошхонасининг маҳсулотлари суҳбатдошларга маъқул келмаслик ҳоллари тез-тез учраб туради. Биров буни очикчасига айтса, биров билвосита ифодалайди ва яна баъзилар ёқмасда буни билдирмасдан ўзини мажбурлаб тановул қилишга ҳаракат қиладилар. Бу нафақат миллат ва маданиятга, балки шахсининг индивидуал психологик хусусиятларига ҳам боғлиқ. Шахсий тажрибамдан келиб чиқадиган бўлсам испаниялик мартабали меҳмонларга таржимонлик қилганимда улар билан нонушта қилишга тўғри келди ва улар эрталаб тановул қилган овқатларини татиб кўришни таклиф қилдилар, овқатнинг таъми ёқмаганлигини мен билвосита тарзда “Раҳмат, бундай овқатга ўрганмаганман” деб жавоб қайтаришим билан ифодаладим. Меҳмонларни нонуштага сузма истеъмол қилишимиз ҳайратга солди ва улар ҳам “Қандай қилиб эрталабдан сузма истеъмол қилиш мумкин?” деб билвосита нутқий актни савол тарзида ифодаладилар. Ушбу ҳолатда сўроқ иккиламчи иллокутив акт бўлса, инкор бирламчи иллокутив фаолият ҳисобланади. Яна бир мисол тарзида хитой ва рус миллати вакилларида бўлган шахслар ўртасидаги суҳбатни қараб чиқсак:

Рус тил соҳиб: Ты в супермаркете?



Хитой тил соҳиби: Да.

Рус тил соҳиби: Можешь купить жидкость для мытья посуды?

Хитой тил соҳиби: Мне не надо.

Рус тил соҳиби: Купи мне!

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу суҳбатда хитойлик сабабни далиллаштириб рус суҳбатдошининг илтимосини рад этган, лекин рус буни куйидагича фаҳмлаган: хитойлик идиш-товоқ ювиш кукунидан фойдаланмайди. Шундай қилиб, адресант фақатгина иккинчи иллокутив актни тушуна олган ва унинг жавоби ўзи истамаган ҳолда, хитойликка илтимос эмас, буйруқ сифатида таъсир этган. Бундай ҳолатда хитойликлар ноқулай вазиянинг олдини олиш ниятида буйруқ шаклидан фойдаланмайдилар. Бошқа сўз билан

айтганда, конвенционал нутқий акт суҳбатдошларнинг фон билимига ва тингловчининг тўғри хулоса чиқара олиш қобилиятига таянган бўлади. Ушбу суҳбатдаги билвосита инкорнинг ифодаланиши мулоқот самарадорлигини таъминловчи ҳамкорлик принциплари ва ҳурмат тамойилининг бузилишига олиб келади.

Кўриниб турибдики, турли маданият вакилларининг юриш-туриши, овқатланиши, когнитив фаолияти билан биргаликда, уларнинг лисоний фаолияти ҳам, шу ўринда билвосита ифодаланишда танлаган нутқий тузилмаларининг структураси ҳам бир-биридан фарқ қилади ва ушбу номутаносибликларни тушуна олиш сўзловчидан мулоқотда лисоний қобилият ва маҳоратни талаб этади.

Адабиётлар:

1. Лейчик В. М. Отношения между культурой и языком: общие функции / В. М. Лейчик // Вестник Московского университета. Сер. 19, Лингвистика и межкультурная коммуникация. – 2003. – № 2. – С. 17–30.
2. Падучева, Е. В. Высказывание и его соотносённость с действительностью / Е. В. Падучева. – М.: Наука, 1985. – 272 с.
3. Серль, Дж. Р. Косвенные речевые акты / Дж. Р. Серль // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986. – С. 195–222.
4. Сафаров Ш.Ш. Прагмалингвистика. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б. 134-137.
5. Формановская Н. И. Коммуникативные, социальные и психологические роли языковой личности / Н. И. Формановская // Журналистика и культура русской речи. – 2007. – № 1. – С. 16–29.
6. Haverkate H. La cortesía verbal. Estudio pragmalínguístico, Madrid: Gredos, 1994. – P.96.
7. Nieves A.B. El crimen de la Ñ. – Madrid: Grupo Anaya, 2006. – P. 143.
8. Wasserman M. Susana y Javier en España. – New York: Wagner Collage, 2009. – P. 194.

Шамахмудова А. Принципы интерпретации косвенных речевых актов (этнопрагматические факторы). В статье рассматривается проблема интерпретации косвенных речевых актов в межкультурной коммуникации. Особое внимание уделяется анализу конвенциональных и неконвенциональных косвенных речевых актов в дискурсе.

Shamaxmudova A. Principles of indirect speech acts interpretation. This article deals with a problem of indirect speech acts interpretation in intercultural communication. Special attention is given to analyze conventional and non-conventional indirect speech acts in discourse (ethnopragmatic factors).



ГАПНИНГ НОМИНАТИВ АСПЕКТИ ҲАҚИДА

Сулейманова Н.М.

СамДЧТИ ўқитувчиси

Калим сўзлар: гап, номинативлик, пропозиция, денотат, референт, предикативлик.

Равшанки, гап доирасида ўз ифодасини топадиган номинатив маъно лексик номинациядан кескин фарқланади. Тўғри, умумий планда лексик номинация ҳам, пропозитив номинация ҳам предмет тушунчаси билан боғланади. Бироқ лексик номинацияда алоҳида олинган лексик бирликларнинг атов маъносини ифодалашни назарда тутилса, гап доирасида вужудга келувчи номинацияда муайян воқеа –ҳодисаларнинг номинатив маъно ифодаланиши кўзга ташланади. Лексик номинацияда денотат муайян предмет билан боғлиқ бўлади. Лексик бирликлар ана шундай денотат билан муносабат ташкил этади ва айтилган пайтда ситуация тушунчаси кун тартибда бўлмади: *қалам, дафтар, bird, door, комната, стол.*

Берилган мисолларнинг ҳар бири алоҳида номинатив бирликни тақозо қилади. Уларнинг денотатлари ҳам, сигнификатлари ҳам шу сўзлар доирасида аҳамият касб этади. Бироқ пропозитив номинацияда ситуация тушунчаси муҳим мавқега эга бўлади. Бунинг асосий сабаби шундаки, пропозитив номинация (гапда ифодаланувчи номинация) нолингвистик омил–ситуация тушунчасидан айри ҳолда воқеланмайди: *The road became very wide–Йўл ниҳоятда кенгайди.*

Бу ўринда йўлнинг кенгайганлиги воқеликда ҳам тасаввур ҳосил қилмоқда, зеро, кўз олдимишга кенгайган йўл тасвири келади. Шунинг учун айтилган пайтда *денотат* тушунчаси торлик қилади ва *референт* тушунчасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. *Сигнификат* тушунчаси эса пропозицион номинация учун ҳам, лексик номинация учун ҳам умумийдир.

Гапнинг номинатив аспекти унинг коммуникатив жараёнда қўлланилиши билан узвий боғлиқдир. Чунки номинатив маъно сўзловчининг иллокутив режаси

билан бевосита алоқадор ҳолда шаклланади. Агар иллокутив режани сўзловчининг фикр ифодалашдаги мақсади деб тушунсак, у ҳолда номинативлик ва коммуникативлик тушунчаларининг узвий муносабати янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Айтилган пайтда, шуни ҳам айтиш керакки, коммуникативлик тушунчаси фақат сўзловчи билан боғлиқ бўлмасдан, у тингловчини ҳам ўз ичига олади, зеро, мулоқот сўзловчи ва тингловчининг иштирокида вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, иллокутив ва перлокутив актларнинг ўзаро муносабатини тақозо этади.

Нутқ бирликларининг, масалан, гапнинг номинатив маъноси экстралингвистик фактор–ситуация билан боғланади, зотан, ана шу ситуация воситасида номинатив маъно шаклланади. Мазкур ситуация кенг маънода денотат тушунчаси билан боғланиши мумкин. Бироқ лингвистик манбаларда бу ўринда референт тушунчаси қўлланмоқда. Референт денотатдан фарқли равишда абстракт ифодали бўлади. Фикр далили учун қўйидаги мисолларга мурожаат этайлик: *Йўлдошева Афзаловни мансабпарастлик, маккорлик, худбинликда айблади. (Х.Ғулом. Қорадарё).*

Берилган гапнинг номинатив маъноси марказида *Афзаловнинг Йўлдошева томонидан мансабпарастлик, маккорлик, худбинликда айбланиши* тарзидаги номинатив маъно ётганини кўрамиз. Айтилган ана шу нарса экстралингвистик омил–ситуациянинг тасаввурини беради. Гапнинг пропозитив структурасини эса қуйидагича белгилаш мумкин: *Йўлдошева Афзалов(ни) айбламоқ.*

Агар гапнинг номинатив маъноси ягона пропозиция қуршовида бўлса, у ҳолда унинг ортида микроситуация



туради. Албатта, берилган гап нутқ муҳити билан боғлиқ ҳолда трансформалар ҳосил қилиши ҳам мумкин. Бундай вазиятда уларнинг барчаси ягона пропозиция доирасида шаклланган бўлади: *Узоқов Камолова билан қисқача суҳбатдан қониқди* (Х.Ғулом Қорадарё.) → *Камолова билан бўлган қисқача суҳбат Узоқовни қониқтирди* → *Узоқовнинг Камолова билан бўлган қисқача суҳбатдан қониқиши*.

Кўринадики, келтирилган трансформаларнинг ҳар бири учун битта пропозитив структура асос бўлмоқда. Бундай бўлиши табиий, албатта. Зотан, пропозиция деганда, гапнинг модал ва коммуникатив парадигмаларининг барчаси учун умумий бўлган семантик инвариантни тушунамиз [4, 401]. Бугунги тилшуносликда пропозиция тушунчаси номинативлик тушунчаси билан қарийб бир хил тавсифланмоқда ва шунинг учун *пропозитив номинация* термини айти пайтда кенг қўлланилмоқда.

Албатта, пропозиция гап сатҳида ўз ифодасини топади. Аммо бу орқали пропозиция гапдан катта нутқ бирликлари учун аҳамият касб этмайди, деган тушунчага бормаслик керак. Бошқача айтганда, қаерда ситуация билан боғлиқ номинатив маъно мавжуд бўлса, ўша ерда пропозиция тушунчасининг ҳам ўрни бўлади. Аммо, назаримизда, бу ўринда баъзи масалаларга ойдинлик киритишга тўғри келади. Чунки гапдан катта нутқ бирликлари, масалан, мураккаб синтактик қурилмалар, абзац кабиларда бирдан ортик гап қўлланилади. Мураккаб синтактик қурилмаларни оладиган бўлсак, улар камида икки гапдан ташкил топишини кўрамиз. Абзац таркибида эса баъзи ҳолларда ўнтагача ва ундан ортик гаплар қўлланилиши мумкин. Албатта, мазкур гапларнинг ҳар бири ўзининг пропозицияси асосида шаклланади. Абзац камида 3-4 гапдан шаклланадиган бўлса, ўз навбатида, 3-4та пропозицион структурани кўрамиз. Лекин бу нарса масала тавсифининг фақат бир томонини ташкил этади. Бошқача айтганимизда, ҳар бир пропозиция ортида муайян ситуация ётади. Бу эса пропозициялар сони қанча

бўлса, шунча номинатив маъно ҳам шаклланишини кўрсатади. Фикр далили учун қуйидаги мисолга мурожаат этамиз: *Улар ҳеч нарса демай, қопларни ташлаб, дарҳол тўйга отланишди. Халқ нима бўлганини ҳали ҳам тушунмагандек, гик этмай турарди. Очил мужиклар ортидан югуриб эргашиди* (А.Мухтор. Чинор).

Берилган мисол абзац мақомида бўлиб, унинг таркибида учта гап қатнашганини кўрамиз. Мазкур гапларнинг бири (охиргиси) содда, олдинги иккитаси эса мураккаб шаклидир. Бу ўринда пропозициялар сони ҳам учга тенг. Бироқ олдинги икки гапда шакл кенгайтирувчи (*қопларни ташлаб; нима бўлганини ҳали ҳам тушунмагандек*) қўшимча синтактик қурилмалар ҳам берилмоқда. Бу қурилмалар гапнинг юзаки синтактик шаклида аҳамият касб этса ҳам, унинг туб структурасини шакллантиришда қатнашмайди. Шу боис улар гапнинг пропозиционал структураси билан боғлана олмайди. Демак, қўшимча тарзда берилладиган синтактик структуралар гапнинг номинатив маъноси доирасидан ўрин ололмайди. Шундай бўлгач, берилётган гаплар ортида турувчи ситуацияга ҳам улар дахлдор эмас, деган хулосага кела оламиз.

Таркибида икки ва ундан ортик гаплар қатнашаётган матн мақомидаги синтактик структураларни Т.ван Дейк макроструктуралар деб атайди. Унинг фикрига кўра, макроструктуралар алоҳида пропозицияларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топади [2, 41]. Бу эса, ўз навбатида, алоҳида берилган гаплар пропозицияларининг муносабатидан макропропозиция вужудга келишини кўрсатади. Т.ван Дейк икки ва ундан ортик гаплар муносабатидан ташкил топувчи дискурсининг боғланишлилиги локал ва глобал сатҳлар муносабатидан ташкил топишини таъкидлайди. Бунда *локал сатҳ* тушунчаси матн таркибидаги гаплар пропозицияларининг ўзаро муносабатини, *глобал сатҳ* тушунчаси эса матннинг умумий структурасини ташкил этувчи мазмуний бутунликни тақозо этади. Айти



пайтда макропропозиция тушунчаси ҳам тадқиқотлар кун тартибига киритилади[2, 41-42]:

Шуни ҳам айтиш лозимки, макропропозиция тушунчаси макрономинатив бирлик тушунчасидан айри ҳолда яшай олмайди, зотан, бугунги тилшуносликда гапнинг номинатив аспекти тавсифи пропозитив номинация тушунчаси билан узвий боғланмоқда.

Албатта, муайян бир гап доирасида шаклланган пропозиция ёхуд номинация тушунчалари реал ифодали бўлади. Бирок макроструктура қолипидаги макропропозиция абстракт ифодалидир. Масалан, юқорида берилган абзац қолипидаги матнда ифодаланаётган пропозициялар муносабатидан *фавқулодда ҳодиса рўй беради* тарзидаги макропропозицияни тасаввур этишимиз мумкин. Шунинг учун макропропозиция абстракт ифодали бўлиши ҳақида сўз юритдик. Албатта, макропропозиция абстракт ифодали бўлгач, у орқали шаклланаётган макрономинатив маъно ҳам абстракт ҳолатда келади.

Фикримиз далилини ҳар қандай макроматнда ҳам кузата оламиз. Буни, яъни макропропозициянинг абстракт ҳолатини мураккаб синтактик қурилмалар ёки абзацда кўришимиз мумкин бўлган полипредикативлик ва устпредикативлик ҳодисаларига киёс қилса бўлади. Чунки алоҳида гапларда ўз ифодасини топаётган предикативлик ҳодисаси матннинг умумий

структурасини шакллантириш учун хизмат қилади[5, 20].

Юқорида макропропозиция ҳодисасини имплицит характерли деб атадик. Бунинг боиси шундаки, пропозициядан фарқли равишда, макропропозиция аниқ ифодали бўлмайди, уни онгимизда тасаввур этамиз ва зарурат туғилганда вербал ифодасини бера оламиз. Албатта, макропропозиция имплицит характерли бўлгач, макрономинатив, яъни макроструктурада бериладиган номинативлик маъноси ҳам ноаниқ ифодали бўлади. Фикримиз далили учун қуйидаги мисолга мурожаат этамиз:

The servant has been excused. Mrs. Green had returned to her sewing room upstairs, the lights in the rest of the house, except for the front hall and entrance, were extinguished (Robert Ludlum)-*Хизматкорларни кечиринди. Грин хоним юқорига тикиш хонасига чиқиб кетди; уйнинг кириш жойи ва залдан ташқари бошқа ҳамма хоналарнинг чироқлари ўчирилди.*

Айни пайтда абзац мақомидаги макроструктура уч гапдан ташкил топаётганини кўрамиз. Мазкур гапларнинг ҳар бирида пропозитив номинация ҳодисаси ўз ифодасини топаётгани изох талаб қилмайди, албатта. Чунки ҳар бир гап ортида муайян ситуация мавжуддир. Бу эса, ўз навбатида, референт (денотат) ифодасини ҳам беради.

Адабиётлар:

1. Арутюнова Н.Д. Синтаксис // Общее языкознание. Внутренняя структура языка. – М., 1972.С.303.
2. Дейк Т.А.ван. Язык. Познание. Коммуникация. –М.,1989.-С.41.
3. Золотова Г.А. Очерки функционального синтаксиса русского языка.– М., 1973.-С.8.
4. Лингвистический энциклопедический словарь.-М., 1990.-С.401.
5. Хайруллаев Х.З. Сўз, сўз бирикмаси ва гапнинг предикативликка муносабати// Номзодлик дис.автореферати. –Тошкент, 2001.20-бет.

Сулейманова Н. О номинативной функции предложения. В данной статье рассматривается номинативный аспект предложения неразрывно связанный с применением его в коммуникативном процессе. Так как номинативное содержание формируется в зависимости от иллокутивного плана говорящего. Если представить, что иллокутивный план является основной целью говорящего, тогда связь между номинативностью и коммуникативностью проявится яснее.



Suleymanova N. On nominative function of the sentence. This article deals with nominative aspects of the language and its communicative features, also all units of language and their interrelations. The author also investigates the speaker's locative's act which connected with nominative meaning of a sentence.



ЛИНГВИСТИК ОБРАЗ ТИЛ ВА НУТҚ МУНОСАБАТИ ТАЛҚИНИДА (homme образларининг синсемантик воқеланиши мисолида)

Мустаева Г.С.

СамДЧТИ мустақил изланувчиси

Калит сўзлар: спонтан ўхшатиш, компаратив образ, компаратив образнинг синсемантик воқеланиши, пре-/постпозитив кенгайтириши, синтетик синтагма, аналитик синтагма, денотатнинг асосий белгиси, денотатнинг ҳолат белгиси.

Лингвистик образ тушунчаси тилшунослик фанида турлича талқин қилиниб келинади ва бу аксарият ҳолларда образли тил бирликларининг қайси нуқтаи назардан ўрганилаётганига боғлиқ бўлади. Масалан, Шарл Балли фикрича, «образлар фақат экспрессив маънога эга бўлганлиги туфайли биз учун мавжуд бўлади» [Балли 1961: 224]. Стилистик аспектда образларнинг уч тури бир-биридан фарқланади: конкрет, эмоционал ва ўлик образлар [Балли 1961: 228]. Лексикологик ва фразеологик аспектларда образ кўпинча кўчма маънога тенглаштирилади ва «икки суратнинг қўшма ҳис этилиши, яъни ҳам асосий тушунчанинг ва ҳам янги тушунчанинг бир вақтнинг ўзида тасаввур этилиши» тарзида изоҳланади [Гак 1966: 93, 101]. Яна бир гуруҳ олимлар образларнинг турғун ҳолатга эга бўлишини, уларнинг тарихан шаклланганлигини, лексикографик манбаларда қайд қилиниб, авлоддан авлодга тайёр ҳолда етказилиб берилишини ва нутқ муҳотида шаклланмаслигини қайд қиладилар [Чернышева 1970]. Айрим тадқиқотчилар, аксинча, тил бирликлари семантикасида образларнинг йўқолишини таъминловчи омилларга эътиборларини қаратадилар. Бу омиллар қаторига ё фразеологизмларнинг кўп қўлланишини [Гвоздев 1965], ё уларнинг ички шакли ва ҳозирги маъноси ўртасида асосли алоқанинг йўқлигини [Коралова 1972], ё компаратив фразеологизмларда бир хил семантик мавзуга хос предметларнинг киёсланишини [Кунин 1969] киритадилар.

Мазкур мақолада биз спонтан образли ўхшатишларда образларнинг шаклланиши ва танлаб олинишига таъсир

этувчи семантик омиллар хусусида тўхталмоқчимиз. Маълумки, мавжуд кўпгина тадқиқотларда киёслаш бир предметни бошқасига ўхшатишдан иборат стилистик восита, деган фикр қарор топган. Аммо бу тадқиқотларда бундай ўхшатишлар қайси мақсадда қилинаётгани кўрсатилмайди. Фикримизча, ўхшатиш, энг аввало, қандайдир белгини ҳодисага нисбатлашнинг муҳим воситасидир. Бир предмет ёки ҳодисани бошқасига ўхшатиш бирдан-бир мақсад бўлмасдан, шу белгини, яъни образни тақдим этиш воситасидир.

Таъкидлаш жоизки, компаратив образни шакллантиришда иштирок этувчи семантик ва лингвистик омилларнинг иштирокига кўра, *comme* сўзи асосида ҳосил бўлувчи образли ўхшатишлар турғун ва спонтан структураларга эга бўлиши мумкин. Турғун образли ўхшатишлар асосан тил сатҳига тегишлидир. Уларнинг компаратив маънолари француз тили луғат фондининг зарурий қисмига айланган ва тегишли нутқ вазиятларида тайёр ҳолда танлаб олинади, реаллашади. Спонтан ўхшатишлардаги компаратив образнинг шаклланишида эса ўхшатиш компонентларининг ҳар бири ўз ўрнига эга бўлади. Кузатишларимиз *homme* сўзи асосида кенгайтирилган образли ўхшатишлар доирасида олиб борилади.

Образли мулоқот жараёнида ўхшатиш ядроси (S_2) ўрнида қўлланган *homme* отининг сифатлар, предлогли қурилмалар, қўшма гаплар воситасида кенгайтирилиши, айти пайтда, *homme* оти умумлашган денотатининг мазмунан торайишига, яъни сифат ўзгаришига олиб келади. Бундай ўхшатиш вазиятларининг



барчасида қиёслаш бир хил йўналишда содир бўлади: эркак киши маълум бир фазилатга эга, ўзига хос руҳий ҳолатда бўлган ёки бирон-бир ҳаракатни бажараётган эркак кишига қиёсланади. Семантик нуқтаи назардан бундай ўхшатиш вазиятларини изоҳлаб бериш унчалик қийинчилик туғдирмайди, чунки одатдаги шароитларда индивидуал эркак шахси одам билан қиёсланмайди: эркак шахсининг ўзи биологик мавжудот сифатида ҳам, ижтимоий мавжудот сифатида ҳам барча семантик белгилари бўйича одам жинсига мансубдир. Демак, ўхшатиш ядроси кенгайтирилган образли ўхшатишларда образнинг шаклланиши учун ўхшатиш компонентлари ўртасида мавжуд бўлган семантик муносабатлар етарли бўла олмади. Компаратив образ доимо кўшимча контекст доирасида вокелана олиши мумкинлиги сабабли, уни шакллантирувчи механизмлар ҳам *homme* семантикасида ташқарида мавжуд бўлади. Шу боисдан мазкур мақолада ўхшатиш ядроси сифатида *homme* оти референтларини юзага чиқарувчи нутқ воситаларидан фақат биттасигагина, яъни *~ comme un homme+adjectif* синтагмасига эътибор қаратмоқчимиз.

1. **Le commandant** respirait lourdement en dormant, **comme un vieil homme** (Lanoux, Wardin, 153). 2. Et **le commandeur** regagna l'embrasure de sa fenêtre en courant **comme un jeune homme**, en répétant à demi haut...(Stendhal, Lamiel, 219). 3. Il (**Ratier**) se leva et s'étira longuement en respirant *comme un homme heureux* (Gréville, Marier, 265). 4. Lui, il (**Carle Vernaille**) jouissait secrètement d'être un objet d'attention; il observait, avec une apparence de rêverie; il riait d'être signalé par des bourgeois *comme un homme dangereux*, et il continuait de discourir sur le siècle nouveau...(Bazin R., Plaine., 166). Ўхшатиш ядроси (S₂) ўрнида қўлланган *homme* гиперонимининг сифатлар воситасида аниқлаштирилиши асосан икки йўналишда амалга ошириляпти: препозитив ва постпозитив. *Homme* оти ва сифатлар томонидан ифодаланаётган семалар ўртасидаги нисбат пре- ёки

постпозицияда турлича оппозиция кўринишига эга. Масалан, биринчи ва иккинчи мисолларда (*~ comme un vieil homme; ~ comme un jeune homme*) *vieil* ва *jeune* сифатлари отлашиш жараёни ҳудудига тушиб қолган ва лексик маъноларига хос бўлган семалардан фақат биттагина (қари ва ёш) семасини вокелантиряпти. Бундай ўхшатиш структураларида *un vieil homme* ва *un jeune homme* бирикмалари ягона образлар сифатида идрок этилади ва бутун бирикма ягона урғуга эга бўлади (Grévisse, 1980: 432). Синтагма маъноси сифат ва от маъноларини кўшишдан ҳосил бўлмайди, бунда маъноларнинг бирикиб кетиши содир бўлади. Демак, препозицияда келган сифатлар ўз семалари билан *homme* гиперонимини торайтиради ва синтетик синтагма сифатида ўхшатиш ядроси ўрнида танлаб олинган ягона (чол, мўйсафид ва йигит) референтни кўрсатади. Образ шаклланиши учун зарур бўлган барча асосий сифат белгилар айнан шу референт билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Бироқ *un vieil homme* ва *un jeune homme* бирикмаларида *vieil* ва *jeune* сифатлари референтнинг асосий сифат белгисини кўрсатибгина қолмасдан, кўп ҳолатларда ўхшатиш ядроси ўрнида қўлланган референтнинг ўзини кўрсатувчи асосий восита сифатида ҳам кенг миқёсда ўхшатиш структураларини ҳосил қила олади. Масалан: 1. **Mon ami** qui n'est plus jeune, mais qui se bat **comme un jeune**, m'a raconté ceci...(Bazin R., Guerre., 81). 2. Tout le jour, il (Christophe) resta sur une chaise, au coin du feu, muet, fiévreux, le dos courbé **comme un vieux**, et, quand il était seul, il pleurait en silence (Rolland, Christ. (2), 137).

Учинчи ва тўртинчи мисолларда (*~ comme un homme heureux; ~ comme un homme dangereux*) *heureux* ва *dangereux* сифатлари отдан кейинги ўринга тушиб қолган ва лексик маъноларига хос барча семаларни вокелантиряпти. Бундай ўхшатиш структураларида *~un homme heureux ~ un homme dangereux* бирикмалари ягона образлар сифатида идрок этилмайди, от ва сифат бундай



ҳолатда алоҳида-алоҳида урғуга эга бўлади. Постпозицияда келган сифатлар ўз семалари билан *homme* гиперонимининг ҳолат белгиларини кўрсатиб, аналитик синтагмаларни ҳосил қилади. Аналитик синтагма таркибида бу сифатлар *homme* оти томонидан ифодаланган маънога тавсифловчи, фарқловчи детални - руҳий ҳолат, ташқи кўриниш, характер белгиси ва шу кабиларни кўшади. Образ шаклланиши учун зарур бўлган барча ҳолат- белгилар семантикадан ташқарида, тил соҳиблари онгида мавжуд бўлган умумий тасаввурлар асосида юзага чиқади.

Умуман, *homme* оти денотатининг ҳолат белгиси бўйича ўхшатиш ядроси ўрнида эркак образи шаклида вокеланиш имконияти чексиздек туюлади. Мисолларимиз таҳлили бундай “чексизликни” тизимлаштириш имкони мавжудлигидан далолат бермоқда. Ҳар сафар образ маркази эркакларнинг у ёки бу тоифасига хос бўлган хислатларга кўчирилади. Бундай хислатларни спонтан образли ўхшатиш структураларида вокелантиришда сифатларнинг қуйидаги семантик гуруҳлари иштирок этади:

1) ғазабланиш, нафратланиш, норозилик, жаҳли чиқиш, қони қайнаш: irrité, exaspéré, excité, furieux, nerveux, enragé, impatienté, impatient, scandaliste, forcené, furibond;

2) хижолат бўлиш, уялиб қолиш, саросимага тушиш, довдираш, ажабланиш, ҳайрон бўлиш, маҳлиё бўлиш: honteux, confus, gêné, penaud, déconfit, décontenacé, surpris, étonné, atterré, consterné, stupéfait, stupéfié, saisi, abasourdi, désorienté;

3) изтироб, ҳаяжон, ташвиш, бесаранжомлик, безавталиқ: ému, trouble;

4) кўркув, ваҳима, даҳшат, жаҳл, хафагарчилик, нотинчлик, безовталиқ, ташвиш: effrayé, effaré, épouvanté, effarouché, épeuré, anxieux, angoisé, horrifié, craintif, inquiet, alarmé, intimidé, affolé, dangereux;

5) хурсандлик, шодлик, хушвақтлик, шод-хуррамлик, севинч, қувонч, катта завқ-шавқ: heureux, ravi, riant, souriant, joyeux, triomphant, radieux,

content, rayonnant, épanoui, exultant, amuse, extasié, gai, émerveillé;

6) ҳақорат, таҳқир, сўқиш, камситиш, хўрлаш: humilié, vexé, mortifié, blessé, froissé, piqué, dépité, offense, meurtri, ulcéré, souffleté;

7) умидсизлик, маъюслиқ, ғамгинлик, руҳий тушкунлик, чорасизлик, қайғу, ҳасрат, ғам-ғусса: découragé, déçu, désespéré, prostré, accablé, oppressé, triste, attristé, navré, morne, maussade, somber, assombri, résigné, maincu, assommé, abattu, écrasé, brisé, épuisé, harassé;

8) ғурур, ифтихор, иззат-нафс, кибр-ҳаво, мағрурланиш, фахрланиш, калондимоғлик, такаббурлик, манманлик, димоғдорлик: orgueilleux, glorieux, hautain, dédaigneux, vaniteux, altier, fier;

9) нафрат, жирканиш: écœuré, dégoûté, monstrueux, répugné;

10) нафратланиш, жирканиш, ҳазар қилиш, бировдан қулиш, масҳара қилиш: narquois, ironique, goguenard, malicieux, railleur, moquer, gouailleur;

11) уятчанлик, тортинчоқлик: timide, timoré, pudique, discret, silencieux;

12) хотиржамлик, вазминлик, босиқлик: serein, quiet, calme, tranquille, immobile, placid, silencieux;

13) диққат-эътиборли: recueilli, attentif, absorbé, pensif;

14) сидқидилдан яхшилик қиладиган, самимий, меҳрибон, очикқўнгил, раҳмдил, илтифотли, марҳаматли, хушмуомалали: aimable, tendre, câlin, magnanime, cordial, bienveillant, doux, doucereux, moelleux, courtois;

15) иккиланувчи, журъатсиз, қатъиятсиз, ланж: hésitant, indécis, incertain;

16) паришонхотир, [аёли қочган, фикри тарқок, бепарво, эътиборсиз: distrait, haggard, inattentif;

17) бепарво, лоқайд, эътиборсиз: impassible, imperturbable, indifférent, insensible, impenetrable, dur, sec, inflexible, intransigent, inexorable, impitoyable, implacable, glace, raide, froid.

Мисоллар: 1. Est-ce donc difficile pour toi de vivre *comme un homme sérieux*,



comme un père? (Gréville). 2. Il (David) pleurait et riait à la fois, tournant sur lui-même *comme un homme ivre* ... (Richard). 3. Il chancela *comme un homme terrassé* (Brète). 4. Il (David) se contenta de hocher la tête lourdement, *comme un homme accablé* (Richard) 5. Il (M.Leroy) soupira *comme une homme ennuyé* (Gréville). 6. Fergan, pris au dépourvu, tournoya *comme un homme blessé* et se retint contre la muraille... (Farrère). 7.- Ah! Certes, oui! Fit le caissier en soupirant *comme un homme désespéré* (Gréville). 8. ... et il (oncle Jules) frottait vigoureusement ses mains l'une contre l'autre, *comme un homme très satisfait* (Pagnol). 9. Il (Roger) indiquait le promeneur qui, les mains dans ses poches, le front en avant, s'en allait *comme un homme pressé* (Gréville). 10. Richelieu, qui venait de se glisser dans la chambre *comme un homme attendu*, saisit ces dernières paroles (Dumas), etc.

Демак, S₂ ўрнида танлаб олинган *adj+homme* ва *homme+ adj* синтагмаларда образнинг пре- ёки постпозициядаги сифатларга боғлиқ ҳолда шаклланиши учун турлича семантик оппозицияларнинг мавжуд бўлишиги тақозо этилади: а) образ бирлигининг мавжуд бўлиши/ образ бирлигининг мавжуд бўлмалиги; б) сифатнинг фонетик ва семантик вазини йўқотиши/ сифатнинг фонетик урғуни ҳам, семантик автономияни ҳам сақлаб қолиши; в) асосий сифат белгиси/ҳолат сифат белгиси; г) *homme* гиперонимини торайтириш/ *homme* гиперонимига қўшимча деталь киритиш. Умуман олганда, мисолларимизнинг 95 % идан кўпроғида S₂ ўрнида сифатларнинг постпозитив шакли танлаб олинади кузатилади. Модомики постпозиция-даги сифат ўзининг барча лексик белгиларини сақлаб қоларкан, образни шакллантиришда у муҳимроқ роль ўйнайди.

Адабиётлар:

1. Балли Шарл. Французская стилистика М., 1961. – С. 224.
2. Балли Шарл. Французская стилистика. М., 1961. - 228.
3. Гак В.Г. Беседы о французском слове. М., 1966. – С. 93,101.
4. Чернышева И.И. Фразеология современного немецкого языка. М., 1970.
5. Гвоздев А.Н. Очерки по стилистике русского языка. М.,1965. - С. 88.
6. Коралова А.Л. К вопросу о лингвистической образности // Сборник научных трудов МГПИИЯ им. Мориса Тореза. М., 1972, вып. 70.
7. Кунин А.В. Устойчивые адекватные сравнения в русском и английском языках (опыт сопоставительного анализа) // Русский язык за рубежом, 1969. № 3. – С. 80-86.
8. Grevisse M. Le Bon usage, 11^e edition, Gembloux, Duculot, 1980. – P. 432.

Мустаева Г. Интерпретация лингвистического образа в отношении языка и речи (на материале синсемантической актуализации денотатов homme). В данной статье анализируются точки зрения ученых по поводу определения понятия лингвистического образа, его формирования и лексикографической кодификации. Дифференцируется формирование компаративного образа на уровне языка и речи как устойчивое и спонтанное. Систематизируются семантические факторы, способствующие формированию и выбору образов в спонтанных сравнениях, на материале синсемантической актуализации денотатов homme.

Mustayeva G. Interpretation of the linguistic image in relation to language and speech (on the material of the synsemantic actualization of denotats of «homme»). In this article, the views of scientists on the definition of the concept of linguistic image, its formation and lexicographic codification are analyzed. The formation of a comparative image at the level of language and speech is differentiated as stable and spontaneous. Semantic factors that contribute to the formation and choice of images in spontaneous comparisons are systematized, on the material of the synsemantic actualization of denotats of the noun homme.



**ТАНИҚЛИ АДАБИЁТШУНОС ВА МОҲИР ТАРЖИМОН
(Иброҳим Ғафуров таваллудининг 80 йиллигига)**

Ўзбекистон санъат арбоби, таниқли адабиётшунос олим ва моҳир таржимон Иброҳим Ғафуров 80 ёшга тўлди. Устоз қарийб 60 йиллик ижодий фаолиятида ўнлаб илмий китоблар, бадиия ва мансураларни чоп эттирди, жаҳон адабиётининг нодир асарларини таржима қилди. Ўзбек китобхони унинг таржимасида рус ёзувчиси Ф.М.Достоевскийнинг "Жиноят ва жазо", "Телба", "Қиморбоз", "Иблислар", америка ёзувчиси Эрнест Хемингуэйнинг "Чол ва денгиз", "Алвидо, қурол", француз ёзувчиси Гиде Мопассаннинг "Азизим", немис файласуфи Ф.Ницшенинг "Зардушт таваллоси", лотин америкаси адиби Габриэль Маркеснинг "Бузрукнинг кузи", ирланд ёзувчиси Жеймс Жойснинг "Улисс саргузаштлари", қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг "Қиёмат" романлари ва ҳинд эпоси "Панчатантра ёхуд муқаддас беш китоб"ни ўқидилар.

Камина устоз Иброҳим Ғафуров билан 1978 йил танишганман. Мен, эндигина илмий фаолиятимни бошлаган ёш тадқиқотчи, Иброҳим ака эса фан номзоди, ўзбек шеърятининг зукко билимдони ва танқидчиси, айни пайтда китобхонлар орасида танилиб улгурган таржимон эдилар. Биз ёш олимлар Ф.М.Достоевский, Э.Хемингуэй ва Мопассан романлари таржимаси хусусида мақолалар ёзишга уринар эдик. Ўша кезларда собиқ иттифоқ таржима илмида профессор Гиви Гачечиладзенинг "реалистик таржима методи" кенг тарғиб қилинган пайт эди. Мен ҳам шу метод асосида Мопассаннинг "Азизим" романи таржимасига бағишланган каттагина мақола ёзиб, Тошкентда чиқадиган илмий тўпламларнинг бирида эълон қилдим. Мақолани ўқиган Иброҳим ака мен билан учрашмоқчи эканини хабар қилдилар. Иброҳим ака билан учрашув Тошкентда белгиланган вақтда Адабиёт ва санъат нашриётида бўлиб ўтди. Тақризда билдирилган ютуқ ва камчиликларни мамнуният билан қабул қилдилар. Ўтган йиллар ичида "Азизим" романи қайта-қайта нашр қилинди. Таржимон тақризда айтилган камчиликларни нашрдан-нашрга тузатиб борди. Ва ниҳоят, 1986 йил Мопассан асарларининг бир жилдлиги камина сўзбошиси билан катта тиражда нашр қилинди.

Орадан йиллар ўтди. 2012 йил Иброҳим ака билан "Жаҳон адабиёти" журнали таҳририятида яна учрашдик. Мана 6 йилдирки таниқли таржимон Иброҳим Ғафуров, истеъдодли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад билан бирга журналнинг "Жамоатчилик кенгаши" йиғилишларида учрашиб турибмиз.

Устоз Иброҳим Ғафуровнинг таржимонлик фаолияти ҳақида сўз юритадиган бўлсам, унинг жасорати, машаққатли меҳнати самараси ўлароқ ўзбек китобхони машҳур ирланд адиби Жеймс Жойснинг "Улисс" (Таржимада "Улисс саргузаштлари") романини она тилида ўқишга муяссар бўлди. Роман таржимасининг маданий ҳаётимизда нечоғлик жиддий воқеа бўлганлиги ҳақида матбуотда профессор Акмал Саидов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Тиловожди Жўраев каби олимларнинг ижобий мақолалари эълон қилинди. Шунингдек, инглиз тили мутахассиси, тилшунос олим Тоҳир Умрзоқовнинг "Жаҳон адабиёти" (2010, 1-сон) ва "Звезда Востока" (2011, 1-сон) журналларида "Улисс" романининг русча ва ўзбекча таржималарини аслият билан солиштириб таҳлил қилган мақолалари босилиб чиқди. Мақолаларнинг бирида муаллиф шундай ёзади: "Аслиймонанд таржимага эришиш учун аслият бадиий эстетик қиммати, икки тил лисоний воситаларининг луғавий мувофиқликлари ҳамда аслият мансуб бўлган халқнинг моддий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ омиллар таржимада тўлақонли акс эттирилиши лозим". Бу ўринли, айни пайтда амалга оширилиши ўта мушкул талаб. Айниқса, "Улисс"дек мураккаб матнли асарни ҳатто инглиз тилини мукамал эгаллаган таржимон ҳам аслиятга адекват ҳолатда ўгиришнинг урдасидан чиқа олмаса керак. Сабаби, "Улисс" (1922) нашр этилгандан буён у ҳақда юзлаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ромanning туб моҳияти ва мазмуни, услуби ва тили,



муаллифнинг маҳорат қирралари ҳақида олимлар яқдил бир фикрга келолмаганлар. Жойс ўз романи ҳақида сўз юритаркан, "очиғини айтсам, матнни бошқотирмалар билан тўлдирдимки, олим-такризчилар, танқидчи-ю адабиётшунослар умрларининг охиригача излансалар-да тагига етмасдан, оввойи жаҳон бўлсинлар-деган эди.

Романни аслиятдан рус тилига ўгирган В.Л. Хинкис ва С.С. Хоружий ҳам ўз таржималарини "Улисс"ни таржима қилиш йўлидаги илк уриниш, "уни аслиятга монанд таржима дейишдан йироқмиз" -дея тан олишади. Шу ўринда мақола муаллифининг "изланишларимиз шуни кўрсатдики, рус таржимонлари В.А. Хинкис ва С.С. Хоружийнинг аслият тили мутахассиси эмасликлари туфайли "Улисс" асарининг русча ва ўзбекча таржималарининг аслиймонандлиги ҳақида гапириш ўринли бўлмайди. Рус таржимонлари икки тил лисоний воситаларининг луғавий мувофиқликларига эришиш учун талаб қилинадиган компонент таҳлил методидан фойдалана олмаганликлари сабабли русча таржимани ўқиган китобхон кўз олдида "Улисс" асаридаги персонажлар ва улар тимсолида бутун ирланд халқи маънавиятсиз, яъни ичкиликка ружу қўйган ҳамда зинога берилган миллатга айланиб қолган. Бу ҳолат ўзбекча таржимада ҳам маълум даражада акс этган",— деган фикрига тўхталайлик.

Тўғри, мақола муаллифи рус таржимонларини "Улисс" матнини реал англаб етмаганликда, "компонент таҳлил методидан фойдаланмаганлиги оқибатида таржимада аслиятда мужассамлашган маънони нотўғри талқин қилганликда" айблайди. Бунга аслият ва таржимадан мисоллар келтириб исботлашга уринади. Ҳатто матнда учровчи биргина "fearful" сўзининг изоҳли луғатларда учровчи етти хил маъносини келтириб, улардан аслиятда қўлланилган "fearful Jesuit" ("буюк иезуит") маъносини тушуниб етмаган ҳолда, таржимон рус тилига "иезуит несчастный" ("разил шайтон") қабилида таржима қилиб хатога йўл қўйганлигини танқид қилади. Бу каби хатоликлар туфайли "русча ва ўзбекча таржимада аслиятда ифодаланган персонаж нутқ маънавияти ва тил маданиятига маълум даражада путур етган"лигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Муаллиф фикрича, "Улисс"дек мураккаб матнли асарни рус тилига ўгирган таржимонлар "аслият тили мутахассиси бўлмаганликлари сабабли аслиятдаги тил маданиятини маълум даражада ифодалай олганлар, аммо асар ва асар персонажларининг нутқ маданиятига кучли тарзда путур етказиб қўйганлар. Шунинг учун, бевосита таржимани амалга оширадиган таржимон лингвистик таржима назариялари билан суғорилган аслият тили мутахассиси бўлган филолог-олим бўлиши мақсадга мувофиқ".

Дарвоқе, таржимои В.Л. Хинкис (1930-1981) МГУ нинг филология факультетини битирган, узоқ йиллар Гослитиздатда муҳаррир бўлиб фаолият кўрсатган, Иттифок Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, инглиз, итальян ва норвег тилларидан кўплаб таржималар қилган. Аммо бутун умри давомида "Улисс"ни таржима қилиш билан машғул бўлган. Соғлиғи ёмонлашгач яқин дўсти ва маслакдоши, академик С.С. Хоружийга "Улисс" таржимасини яқунлаб нашр эттиришни васият қилиб қолдиради. Асли касби физик бўлган С.С. Хоружий (1941 й. туғ.) фалсафа ва илоҳиёт соҳасида ҳам машҳур таниқли олимдир. Демак, Хинкис ҳам, Хоружий ҳам логин, инглиз, итальян тилларини яхши билишган. Шу боис уларни аслият тилини билмасликда айблаш ноўрин.

Аслида, Жойсининг "Улисс" романи босилиб чиққач Ирландияда ҳам, Англия ва ҳатто АҚШда ҳам уни ўқишни таъқиқлаб қўйишганди. Бутун Европада катта шов-шувга сабаб бўлган бу асарни французлар, итальянлар, руслар ҳатто грузинлар ҳам ўз тилларига таржима қилишга уриниб кўрдилар. Аммо бунинг уддасидан чиқа олмай ярим йўлда таржимадан воз кечишди. Орадан йиллар ўтиб "Улисс" таржимасини яқунлаш В.А.Хинкис ва С.С.Хоружийга насиб этди. Романни тилимизга ўгиришни эса моҳир таржимон ва мунаққид Иброҳим Гафуров удалади.

Мақола муаллифининг таржимонларга эътирози ва талабига бутунлай қўшилиб бўлмайди. Агар биз ҳар бир таржимондан юқоридаги савияни талаб қилгудек бўлсак, у ҳолда фақат аслият тилини мукамал билган тилшунос олимларгина таржима билан шуғулланмоғи лозим бўлади. Лекин таржима амалиётида бундай олим-таржимонлар бармоқ билан санарли



бўлиб, ҳаммаси ҳам юксак таржима асари яратишга ўзини қодир деб ҳисобламайди. Масалан, ўтган асрнинг 40-йилларида Шекспирнинг "Ҳамлет" фожеасини рус тилига В.Пастернак, М. Лозинский ва М.Морозов каби сўз усталари ўгиришганди. Улар орасида профессор М. Морозов инглиз тилини мукамал билган шекспиршунос олим эди. Шундай бўлса-да, у "Ҳамлет"ни шеърӣ таржима қилишга журъат этолмади ва асарнинг аслиятга "адекват" прозаик таржима матнини яратди. Орадан қарийб етмиш йил ўтган бўлса-да, В.Пастернак ва М.Лозинский таржималари пешма-пеш чоп этилиб келинмоқда. Тўғриси, В.Пастернак ҳам, М.Лозинский ҳам инглиз тилини мукамал билган эмас. Ёки В.Пастернак Гёте "Фауст"ини таржима қилганида, М.Лозинский Данте "Илоҳий комедия"сини ўгираётганида немис ва испан тилларини билимдони бўлганмидилар. Йўқ, албатта. Улар, аввало, ижодкор, сўз устаси ва маҳорат эгаси эдилар. Шундай ҳолни ўзбек таржимачилигида ҳам учратамиз. Масалан, Эркин Воҳидов немис тилини мукамал билган тилшунос-олим бўлмаган ҳолатда Гёте "Фауст"ини ўзбек тилига маромига етказиб таржима қилди, Абдулла Орипов италян тили мутахассиси бўлмаса-да, Данте "Илоҳий комедия"сини ўзбек тилига санъаткорона ўгирди. Аини пайтда немис тили мутахассиси, фидойи таржимон ва сўзшунос Пошали Усмон бир умр Гёте ишқида яшади, умрини "Фауст"ни таржима ва талқин қилишга бахшида этди. Ва ниҳоят, асарни бевосита аслиятдан ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттирди. Бироқ тилшунос-олим "Фауст"нинг"ўзбек тилида мукамал таржимасини яратдим, дея даъво қилмаган ҳолда, ҳамон Эркин Воҳидовнинг таржимонлик даҳоси қаршисида таъзим қилади. Хулоса, мақола муаллифининг "Улисс" таржимонлари В.А.Хинкис ва С.С. Хоружий ҳамда Гафуровни аслият тилини мукамал билмаганликда, уларнинг лингвист-олим бўлмаганликлари сабабли аслият матнини тушуниб таржима қилолмаганликда айблаши ўринли эмас. Энг муҳими, ҳар учала таржимоннинг "Улисс"дек мураккаб асарни таржима қилишга киришганларининг ўзи катта жасоратдир. Қолаверса, ўзбек тилига Ф.М.Достоевский, Ги де Мопассан, Э.Хемингуэй, Ф. Ницше, Г.Маркес, Ч.Айтматов сингари мураккаб характерли сўз усталари асарларини таржима қилиб ном қозонган Иброҳим Гафуровдан ўзга бирон таржимон ёки адиб "Улисс"ни таржима қилишга журъат тополмади. Яна бир муҳим жиҳати, "Улисс"ни инглиз ва рус тилларида ўқиб, мағзини чақа олмаган адабиётшуносларимиз ўзбекча таржимани ўқиб, Жойс ижодининг туб моҳиятини, ундаги новаторлик анъаналарини, "онг оқими" бадий услубини тушуниб етадилар, асар ҳақида, унинг ўзбек адиблари ижодига таъсири ҳақида эҳтиёткорона фикр-мулоҳаза юритадилар, деган фикрдамыз.

**Муҳаммаджои Холбеков,
филология фанлари доктори, профессор**



XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta'lim

Ilmiy-uslubiy jurnal

Samarqand

FOREIGN PHILOLOGY

language • literature • education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Нашириёт-тахрир маркази

Муҳаррирлар	–	С. Каримова
Техник муҳаррир	–	Ҳ. Амирдинов
Саҳифаловчилар	–	З.Усманова, Ш.Абдурахимов


Самарқанд давлат чет тиллар институти нашр-матбаа маркази:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93.

Босишга рухсат этилган 15.12.2017.

Адади 200 нусха. Қоғоз бичими А4.

Буюртма № 19. Times гарнитураси.



ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ» ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЖУРНАЛИГА

МАҚОЛАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

- Мақола муаллифи ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати.

-Мақолани чоп этиш ҳақидаги эксперт хулосаси.

-Мутахассислиги бўйича фан доктори ёки профессор томонидан имзоланган тақриз.

-Муаллиф(лар) тўғрисида маълумот (иш жойи, лавозими, яшаш жойи телефони ва электрон почтаси).

- Мақолалар Microsoft Word дастури «Times New Roman» гарнитураси 14 шрифтда, қаторлар ораси икки оралиқ билан ёзилган, икки нусхада (электрон варианты билан бирга) тақдим этилади. Мақолалар чизмаларсиз саккиз саҳифада қисқа хабарлар эса икки саҳифадан ошмаслиги лозим.

- Формулалар компьютерда Word формулалар муҳаррирининг Math Type версиясида ёзилади. Чизмалар ва диаграммалар Давлат стандарт талабларига риоя қилинган ҳолда тайёрланиши лозим.

- Мурожаат қилинган адабиётлар рўйхати мақола охирида қуйидаги тартибда келтирилади: муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи, китоб (журнал)нинг номи, нашриёт ва чоп этилган санаси (китоблар учун), журнал номери, саҳифа (журнал учун). Адабиётлар сони 7 тадан ошмаслиги тавсия этилади.

- Мақоланинг иккинчи нусхасида барча муаллифлар фамилияси, исми ва шарифларини кўрсатилган ҳолда, барча муаллифлар томонидан имзоланиши лозим.

- Мақолани миллий менталитет тил эталони бўйича, синчковлик ва диққат билан ёндашган ҳолда, услубий ва грамматик жиҳатидан юқори даражада талабчанлик билан илмий-услубий мақомида таҳрирланган ҳолда тайёрлаш талаб этилади.

- Зарурат бўлганда таҳририят мақола ва қисқа хабарларни таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.

- Мақола муаллифга қайта ишлаш учун қайтарилса, мақоланинг охириги кўриниши олинган кундан бошлаб таҳририятга тушган ҳисобланади.

- Эълон қилинган материаллар муаллифга қайтарилмайди, тақриз ва изоҳ берилмайди.

- Янги илмий-услубий ва амалий натижаларга эга бўлган ва 50% дан ортиқ қисми илгари эълон қилинмаган ўзбек ёки рус, инглиз тилларида тайёрланган мақола ва қисқа хабарлар ва бошқа соҳа бўйича шакллантирилган эксперт гуруҳларининг экспертизасидан ўтган мақолалар журнал саҳифаларида жойлаштирилади.

-Мақоланинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аннотацияларининг борлиги текширилади.